

R 496

2017.1

# GULISTON

Эт  
№ 2

*Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,  
Ҳам жонлариға мойи дармон бўлғил.*

*Алишер НАВОИЙ*

## БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН!



Мен шонли тарихига садоқат билан қараб, бугунги озод ҳаётини қадрлаб, ўз келажагига катта умид билан интилаётган халқимизнинг донишмандлиги ва матонати, унинг иймон-эътиқоди, мустаҳкам иродаси ва юксак маънавий руҳи доимо барқарор яшайди, деб ишонаман.

A handwritten signature in black ink, which appears to be 'И. Каримов'.

Ислом КАРИМОВ



Jurnal 1925-yildan chiqa boshlagan

**Muassis:**

O'zbekiston Respublikasi

Madaniyat va sport  
ishlari vazirligi

**Bosh muharrir:**

Minhojiddin MIRZO

**Jamoatchilik kengashi:**

Muhammad ALI

Suyima G'ANIYEVA

Fotih JALOLOV

Farhod JO'RAYEV

Shuhrat SIROJIDDINOV

Akmal NUR

Baxtiyor SAYFULLAYEV

Hamidulla BOLTABOYEV

Isajon SULTON

Fatxulla MA'SUDOVI

Mirza AZIZOV

Oqilxon IBROHIMOV

**Tahririyat:**

**Bosh muharrir o'rinbosari:**

Temur A'ZAM

**mas'ul kotib:**

Komil JONTOYEV

**fotomuxbir:**

Mashrab NURINBOYEV

**sahifalash va dizayn:**

Nigina QODIROVA

**navbatchi muharrir:**

Shermurod SUBHON

**USHBU SONDA:**

*Hasan QUDRATULLAYEV*  
*Navoiy asarlarida adabiyot*  
*va musiqa*

*OLMOS*  
*Buyuk shoir dahosiga*  
*muhabbat*

*Homidjon HOMIDIY*  
*Alplar alpi yoxud «Avesto»da*  
*Afrosiyob*

*To'ti YUSUPOVA:*  
*«Teatr – mening hayotim»*

*Hamid UBAYDULLOH*  
*Ixtiyor o'lsaydi...*

*Anvar OBIDJON*  
*Hayotning har lahzasi go'zal...*

*Nurboy JABBOROV*  
*Istiqlolga evrilgan orzu*



Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvohnoma bilan 13.09.2016-yilda ro'yatga olingan. Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi. Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin. «Guliston» jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart. Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 60x841/8. Buyurtma № 17 . Adadi: 1600 nusxa. Hajmi 6 bosma taboq. Bosmaxonaga 15.02.2017-yilda topshirildi. Bosishga 16.02.2017-yilda ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent — 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 42-uy. Tel.: 233-25-66, 233-27-94.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Ватанимизни мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади. Буюк Йўлбошчимиз ғоят қалтис ва таҳликали бир вазиятда оғир қийинчиликлар ва синовларга қарамай, тарихан қисқа даврда Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожлантаётган замонавий демократик давлатга айлантирди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди. У нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилди.

Кўп миллатли Ўзбекистон халқининг қалбидан чуқур жой олган Биринчи Президентимизнинг сўнмас хотирасини абадийлаштириш бўйича вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мамлакатимиз фуқароларидан кўплаб таклифлар тушмоқда.

Халқимизнинг самимий тилаклари ва хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, она Ватанимиз мустақиллиги, эл-юртимиз равнақи йўлидаги буюк тарихий хизматларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ёрқин хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

### 1. Қуйидагилар:

2016 йил октябрь ойида Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилгани;

Тошкент шаҳар, Яшнобод туманининг Фарғона йўли кўчасида жойлашган жоме масжидга «Ислом ота жоме масжиди» деб ном берилгани;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрда «Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича халқаро ижодий танловни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилингани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов) Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш чора-тадбирлари режасини ўрнатилган тартибда ишлаб чиқсин.

Шу муносабат билан қуйидаги вазифалар топширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Бадий академияси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов дафн этилган худудда ёдгорлик мажмуасини барпо этиш;

тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймосини яратиш бўйича халқаро ижодий танловда ғолиб деб топилган ҳайкалларни мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Ислом Каримов туғилиб ўсган Самарқанд шаҳрида ва у киши биринчи раҳбар бўлиб ишлаган Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида ўрнатиш;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти ҳокимликлари биргаликда: Биринчи Президентимиз кўп йиллар давомида фаолият олиб борган Тошкент шаҳридаги Оқсарой қароргоҳида (Ўзбекистон кўчаси, 45) Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш ва Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фондини ҳам ушбу манзил бўйича жойлаштириш; Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов музейини ташкил этиш;

қуйидаги муассаса ва объектларга:

Тошкент давлат техника университетига;

Асака шаҳридаги автомобиль заводига;

Фарғона шаҳридаги Санъат саройига;

Тошкент халқаро аэропортига;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги марказий кўчаларга (маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таклифлари асосида) Ислом Каримов номини бериш;

ҳар йили Биринчи Президентимиз таваллуд топган

сана — 30 январь кунини кенг нишонлаш, 2 сентябрь кунини Хотира куни сифатида ёд этиш. Ушбу саналар муносабати билан оммавий ахборот воситаларида Ислом Каримов ҳаёти ва фаолиятини кенг ёритиш;

олий ўқув юртлари талабалари учун Ислом Каримов номидаги давлат стипендиясини жорий этиш;

Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий ва бадиий асарлар, ҳужжатли ва бадиий фильмлар яратиш;

Ислом Каримов сиймоси акс эттирилган махсус почта маркаларини чиқариш.

3. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий

ахборот воситалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш билан боғлиқ тадбирлар кенг ёритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш. МИРЗИЁЕВ**

**Тошкент шаҳри,  
2017 йил 25 январь**

## **ИСЛОМ КАРИМОВ ТАВАЛЛУДИ КУНИ МАМЛАКАТИМИЗ БЎЙЛАБ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 январь – Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллуди куни муносабати билан Самарқандга ташриф буюрди.**

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилинди.

Самарқанд дунёга машҳур, кўпчилик бир кўришни орзу қиладиган Регистон, Бибихоним, Шоҳи Зинда, Ҳазрати Хизр зиёратгоҳлари қаторида бугун Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, мустақиллигимиз асосчиси Ислом Каримов мангу кўним топган маскан сифатида ҳам эътироф этилмоқда.

Зиёратчилар қадами узилмайдиган бу жой бугун табаррук масканга айланган. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келаётган юртдошларимиз Ислом Каримов хотирасини ёд этиб, у кишининг Ватан, халқ олдидаги эзгу ишларини эсга олмоқда.

Биринчи Президентимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Самарқанд вилояти ҳар томонлама обод қилиниб, бутун жаҳондан келадиغان меҳмон ва сайёҳларнинг ҳавасини тортмоқда. Имом Бухорий мажмуасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, бундай муқаддас қадамжоларнинг янада обод бўлгани кўпгина мусулмон мамлакатлари давлат арбоблари ва жамоатчилиги, минглаб зиёратчиларнинг юксак эътибори ва ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Бу хайрли ишлар бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида тизимли равишда давом эттирилмоқда.

Шу маънода давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республи-

касининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»-ги қарори халқимиз кўнглидаги ниятнинг ёрқин ифодаси бўлди. Қарорда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов номини абадийлаштириш мақсадида юртимизнинг бир қанча диққатга сазовор жойларига Буюк Йўлбошчимизнинг номини бериш, Тошкент, Самарқанд, Қарши шаҳарларида у кишининг ҳайкалини ўрнатиш белгилаб қўйилган. 30 январь Ислом Каримов таваллуди куни муносабати билан мамлакатимиздаги таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда турли маданий-маърифий тадбирлар, хотира кечалари ўтказилаётир.

Бу тадбирларда Ислом Каримовнинг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдиргани, нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилгани эътироф этилмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллуди санаси – 30 январь куни пойтахтимиз Тошкентда, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда эҳсон оши берилди.

Самарқанд ва Тошкентдаги маросимларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

**ЎЗА**



# TINCHLIGIMIZ VA OSOYISHTALIGIMIZ HIMOYACHILARI

Хар бир инсон учун ўз киндик қони томган Ватанига хизмат этиш, уни фидойилик ила ҳимоя қилиш нафақат бурч, балки юксак шараф ҳамдир. Негаки, Ватан инсонга ато этилган энг қутлуғ ва бебаҳо неъмат, аждодларининг уйғоқ руҳи кезиб юрган табаррук гўша, бобомерос муқаддас тупроқдир. У асл ватанпарварлар кўксида жон қадар эъзоз ва ҳимоя топади. Асл ватанпарварлар боис Ватан шарафланади, улуғланади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, мавжуд қийинчиликларга қарамай мамлакатимизда миллий армиямизни шакллантириш, унинг профессионал тайёргарлигини оширишга катта эътибор қаратилиб, изчил ислохотлар олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида таъкидлаганидек, «Собиқ Иттифоқ худудида турли қуролли тўқнашув ва қарама-қаршилиқлар юз бераётган ғоят мураккаб шароитда Ўзбекистон Қуролли Кучларига асос солингани, ҳеч муболағасиз айтиш мумкин, ёш давлатимизни куриш жараёнида ҳал этилган буюк вазифалардан бири бўлди. Айнан миллий армиямиз мамлакатимизда эркин, озод ва фаровон ҳаёт бунёд этиш, демократик ислохотларни самарали амалга ошириш йўлида ишончли кафолат, тоғдек таянч бўлиб келмоқда».

Давлатимиз раҳбарининг табригида айтиб ўтилганидек, ўтган йиллар давомида ҳарбийларимиз жанговор салоҳиятини, уларнинг ҳаракатчанлиги ва тезкорлигини янада оширишга, зарур замонавий ҳарбий техника ва қурол-яроғлар асосида ҳар қандай душманга керак бўлган пайтда шиддатли зарба бериш малакасини шакллантиришга, мамлакат мудофаа қобилиятини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга катта эътибор берилди, қисм ва бўлинмаларнинг сафарбарлик даражаси оширилди. Бу борадаги ишлар замон ва минтақадаги вазият талабларидан келиб чиққан ҳолда изчил такомиллаштириб борилмоқда. Ана шу эзгу ҳаракатлар самараси ўлароқ бугунги кунда Қуролли Кучларимиз давлатимиз хавфсизлиги, худудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинчлиги ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилиб келаётир.

Дунёдаги ҳар бир давлат фақат тинчлик барқарор бўлсагина ривож топади, халқининг фаровонлиги таъминланиб, бахтли ва саодатли ҳаёт кечиради. Ана шу маънода, тинчлик шу қадар бебаҳо бойлик ва неъматки, унинг қиммати ҳамда аҳамиятини ҳеч бир нарса билан ўлчаб бўлмас. Таъкидланганидек, ҳозирги вақтда жаҳонда ва минтақамизда ҳарбий-сиёсий вазият кескин ўзгариб, миллий ҳамда глобал хавфсизлик соҳасида хатар ҳамда таҳдидлар тобора кучайиб бормоқда. Айрим минтақаларда беқарорлик кузатилаётгани, қарама-қаршилиқ ва ихтилофлар, қонли тўқнашувлар рўй бераётгани нафақат юрт посбони ҳамда қалқони бўлган ҳарбийлар, балки ҳар бир эзгу ниятли инсонни





ҳам огоҳ ҳамда ҳушёр бўлиб яшашга чорлайди.

Ватанимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлари дахлсизлигини ҳимоя қилишда куну тун сергаклик билан, ҳар қандай об-ҳаво шароитида юксак масъулият билан ўз бурчини адо этаётган чегарачиларнинг ҳам хизмати катта.

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларида олиб борилаётган ислохотлар хусусида мухтасар сўз юритамиз.

#### **Раззоқ ШОЙМАРДОНОВ, подполковник:**

– Ватан остонадан бошланади. Юрт остонаси бу – унинг чегараси. Чегарачи деган шарафли номга муносиб бўлиш ҳарбий кишидан ниҳоятда катта билим ва масъулият, фидойилик талаб этади. Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафида матонат ва олижаноблик билан хизмат қилаётган ҳарбийлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларида ўз бурчини сидқидилдан адо этаётган чегарачилар ҳам мамлакатимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш тўғриси ва юртимиз тақдири учун масъулият ҳисси билан яшамоқда. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармонлари асосида мамлакатимиз чегара қўшинлари фаолияти ҳам ҳар жиҳатдан такомиллаштирилди.

1999 йил 20 августдаги Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида»ги Қонуни давлат чегараларини қўриқлаш бўйича чегара қўшинлари фаолиятининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Бугунги кунда МХХ Чегара қўшинларида хизмат вазифасини адо этаётган юксак профессионал билим ва малакага, жанговор қобилиятга эга бўлган офицер, сержант ва аскарлар чегараларимиз хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли кафолати сифатида она Ватанимизни ҳимоя қилишдек энг улуг ва олижаноб вазифани адо этишда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Шунингдек, чегара назорати бўлинмалари 2000 йил 21 майда Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида Тошкентда имзоланган «Террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, трансмиллий ва уюшган жиноятчилик каби барқарорлик ҳамда хавфсизликнинг бошқа таҳдидларига қарши курашиш бўйича ҳамкорликда ҳаракат қилиш тўғрисида»ги шартнома доирасида

террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, трансмиллий ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида иштирок этмоқда.

Албатта, бугунги кунда миллий армиямиз минг-минглаб ўғлонларимиз учун чинакам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактабига айлангани, ҳеч шубҳасиз, шу йўлда эришган энг катта ютуғимиздир. Мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг байрам табригида Қуролли Кучларимизни ҳар жиҳатдан янада такомиллаштириш, янги замонавий ҳарбий техника ва қурол-яроғ билан таъминлаш, ҳар бир ҳарбий хизматчининг қурол-яроғ ва техникани ишончли ишлата олиши, жисмоний ва маънавий-руҳий жиҳатдан ўта оғир мураккаб вазиятларда ҳам мустаҳкам ирода ва матонат кўрсатиб, ўз вазифасини соғ-омон адо этиши учун уларнинг индивидуал малакасини мунтазам ошириб бориш, бир сўз билан айтганда, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва жанговор қобилиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасида айтган сўзлари, қўйган вазифалари ҳар қайси ҳудудга хос мавжуд хатарларни тўғри баҳолаб, зарур чоралар кўриб, барчамизни янада юксак масъулият билан хизмат қилишга ундайди.

Дарҳақиқат, бугун миллий қадриятларимиз ва аждодларимизнинг жанговар анъаналарига таянган ҳолда чегара қўшинлари тизимида хизмат қилаётган мард, жасур, ҳарбий соҳада пухта билим ва маҳорат соҳиби бўлган, юксак жисмоний тайёргарлик, интеллектуал салоҳиятга, руҳий-маънавий фазилатларга эга асл ватанпарвар йигитларимизни кўрганда, қалбимизда ифтихор туямиз.

#### **Қаҳрамон МҮМИНОВ, подполковник, «Мардлик» ордени соҳиби:**

– Мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб чегара қўшинлари тизимида ҳам миллий ҳарбий кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилди.

Чегара қўшинлари офицерлари – чегара назорати хизмати мутахассисларини тайёрлаш зарурати инобатга олинган ҳолда, 1993 йил Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида курсантлар взводи ташкил этилиб, улар чегара қўшинлари чегара назорати хизмати офицерларини тайёрлаш дастури бўйича ўқитилди.

1994 йил сентябрда чегара қўшинлари мутахассисларини тайёрлаш бўйича ўқув отряди базасида





Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Тошкент олий ҳарбий чегарачилар билим юрти ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, Тошкент олий ҳарбий чегарачилар билим юрти 2004 йилнинг январидан Ўзбекистон Республикаси МХХ институтининг 2-факультетига айлантирилди ва айни пайтда бу ерда МХХ Чегара қўшинлари чегара назорати ва



тезкор таркиби мутахассислари тайёрланмоқда.

Бугунги кунда чегара қўшинлари олдида турган мураккаб вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши офицерларнинг билим ва тайёргарлик даражаси, шахсий намунаси, шахсий таркибга маънавий яқинлиги, ўз ордидан эргаштириш қобилиятига боғлиқ.

Айтиб ўтилганидек, ўтган йиллар давомида Қуролли Кучларимизнинг барча тизимларида, жумладан, чегара тизимида ҳам хизмат қилувчи профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. МХХ Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмита учун тактик бўғин офицер кадрларини сифатли тайёрлаш мақсадида Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати билан ҳамкорликда 2009 йил февралда Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти негизидан чегарачи офицерлар тайёрлаш бўйича ўқув гуруҳлари ташкил этилди. 2012-2016 йилларда ушбу гуруҳларда 655 нафардан ортиқ офицер тайёрланди. Улар ҳозирда ўзларига бириктирилган вазифаларни виждонан бажариб келмоқда.

Маълумки, мудофаа тизимидаги ҳар бир йўналишнинг ўзига хос бўлган алоҳида жиҳатлари мавжуд. Чегара тизимида ҳам махсус билим ва тайёргарликка эга бўлган мутахассисларнинг хизмати каттадир. Хизмат ҳайвонларини (хизмат-қидирув итлари, отлар) тайёрлаш маркази кўмита фаолиятида муҳим ўринга эга. Бу жониворлардан давлат чегараларини қўриқлашда самарали фойдаланиш ўта муҳим вазифаларни ҳал қилишда катта натижа беради. Ана шу маънода сўнги йилларда бу масалага бўлган эътибор туфайли хизмат ҳайвонларини тайёрлаш марказий базасида 1300

дан ортиқ хизмат ҳайвонлари мутахассислари тайёрланди. Улардан 150 нафари ветеринар фельдшер, 500 нафари кавалерист ва 650 нафари турли хизматлар бўйича (изни топиш, наркотик моддалар, портловчи воситалар, қурол ва ўқ-дори топиш, антитеррор хизмати) кинологларидир.

Қўшинларнинг жанговар шайлиги, зарур ҳолларда душманга муносиб зарба бериш қудратини ошириш, уларни замонавий ҳарбий-техника билан таъминлаш мақсадида сўнги йилларда МХХ Чегара қўшинлари қисм ва бўлинмаларини ислоҳ қилиш баробарида қатор тегишли чоралар ҳам амалга оширилди. Бу эса давлат чегараларини ҳимоя қилиш бўйича жанговар вазифаларнинг ишончли бажарилишида муҳим омил бўлмоқда.

### **Замриддин ИСЛОМОВ, III ранг капитани:**

– Бугунги реал воқелик ва хавф-хатарлардан келиб чиққан ҳолда Чегара қўшинлари бўлинмаларини модернизация қилиш, замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника билан жиҳозлаш, янги технологияларни жорий этиш ишлари фаол давом эттирилмоқда. Шу ўринда мамлакатимиздаги барча ҳарбийлар, жумладан, чегарачиларнинг оилавий-маиший шароитларини яхшилаш борасида ҳам муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнги йилларда умумий узунлиги 701,61 километр бўлган давлат чегаралари участкаларини муҳандислик-техник жиҳатдан жиҳозлаш бўйича 17 та объект, бошқармалар инфратузилмасининг 6 та объекти, 23 та чегара пости, Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртининг ўқув полигони ҳудудида ўқув чегара пости, кинолог мутахассислар ва кавалеристлар тайёрлаш бўйича ўқув шаҳарчаси, МХХ институти ҳудудида очиқ сузиш ҳавзаси ва истироҳат боғи, 1164 хонадонли 47 та турар-жой ва бошқа объектлар фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, 800 дан ортиқ ҳарбий шаҳарча барпо этилди, 1800 нафардан зиёд ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари уй-жой билан таъминланди. Сўнги икки йилда 29 та ҳарбий объект ва шаҳарча, чегара пости мажмуаси бунёд этилди, замонавий тиббиёт аппаратураси билан жиҳозланган ҳарбий госпиталь ва Санитария-эпидемиология назорати маркази ишга туширилди.

Чегара хизматининг самарали фаолият кўрсатиши нафақат ҳарбий хизматчиларнинг тайёргарлик ва профессионал даражаси, балки жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлигига, шунингдек, муносиб ворисларни тайёрлаш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳам бевосита боғлиқдир.

Ана шу мақсадда МХХ Чегара қўшинлари ҳарбий қисмлари қошида ташкил этилган «Ёш чегарачилар» клублари ўн йилдан буён самарали фаолият кўрсатмоқда. Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Касаба уюшмалари



федерацияси, Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан ўқувчилар ўртасида анъанавий ўтказиб келинаётган «Ёш чегарачилар» мусобақаси йил сайин оммалашиб бораётир. Бу мусобақаларда иштирок этиш ёшлар онгига Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини синғдириш, уларни юксак интеллектуал салоҳиятли, жисмонан ва маънан етуқ шахслар этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Бу каби тадбирлар ёшларда Ватан ҳимоячисидек шарафли касбга қизиқишни ошириш, уларнинг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун маънавий-жисмоний тайёргарлик кўришида муҳим аҳамият касб этмоқда, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва халқимизнинг тинч ҳаётини таъминлашда уларнинг шахсий жавобгарлигини янада кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Давлат чегараларини ҳимоя қилишни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ўтказиш пунктларида чегара режимини таъминлашга қаратилган ҳарбий, тезкор тадбирлар давомида сўнгги йилларда 890 минг килограммдан зиёд наркотик модда, 1800 дона қурол, 187 минг донадан ортиқ ўқ-дори ва 19 минг килограммдан зиёд портловчи моддалар ушлаб қолинди.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашда чегара қўшинлари шахсий таркиби қўшаётган ҳисса юксак қадрланмоқда. Давлат сарҳадларини қўриқлаш бўйича жанговар вазифаларни бажаришда 150 нафардан ортиқ чегарачи юксак ахлоқий-жанговар фазилатлари, мардлик ва жасорат намунасини кўрсатгани учун Ватанимизнинг юксак фахрий унвони, орден ва

медаллари билан тақдирланди.

Мухтасар айтганда, мустақил тараққиётимизнинг 25 йили давомида Ўзбекистон асрларга тенг йўлни босиб ўтди ва МХХ Чегара қўшинларининг жанговар тайёргарлиги, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминлангани, шахсий таркибнинг профессионал даражаси юқорилиги нафақат Ватанимизнинг муқаддас чегараларини ишончли ҳимоя қилиш, балки давлатимиз сарҳадлари дахлсизлиги, суверенитети ва худудий яхлитлиги, халқимиз тинчлиги ва осойишталигига таҳдид соладиган ҳар қандай уринишларга қатъий жавоб қайтариш имконини беради, дейиш учун барча асослар бор.

Тинчлик-осойишталик ҳукм сурган жойда эзгу ишлар ҳамиша бардавомдир. Бу ҳаётий ҳақиқатни халқимиз мустақил тараққиёт йилларида барча соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, иқтисодий ва маънавий юксалишлар, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари, фуқароларимиз қалбида миллатлараро тотувлик, меҳр-оқибат каби инсоний туйғулар барқарорлиги, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлидаги беқиёс саъй-ҳаракатлар мисолида яққол кўриб турибди. Ҳеч шубҳасиз, ана шу муваффақиятлар замирида бахтли, фаровон ҳаётимиз, тинчлигимиз учун ҳамиша посбон ва қалқон бўлиб турган Қуролли Кучларимиз сафида ҳамиша бедор, матонат, огоҳлик ва ҳушёрлик билан хизмат қилиб келаётган чегарачиларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Негаки, миллий армиямиз Ватанимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва худудий яхлитлигининг ишончли кафолатидир.

**Минҳожиддин МИРЗО**





*М*арқ халқларининг тарихий, ёзма ва оғзаки ижоди қадимдан бу замин халқлари мусиқа билан шуғулланганликлари ҳақида маълумот беради. Шунини алоҳида айтиш жоизки, бу халқларда адабиёт хоҳ оғзаки ва хоҳ ёзма бўлсин, азалдан мусиқа билан бирга тараққий этиб келган (айниқса, адабиётнинг эпос тури). Ҳатто халқ оғзаки ижоди

намуналари ҳам бирон мусиқа асбоби орқали ижро этилган ёки декламация – маълум оҳанг асосида эшитувчига етказилган. Мусиқанинг назарий томондан ўрганилиши, рисолалар битилиши, янгидан-янги куйлар ихтиро қилиниши, ундаги таъсирчанликнинг янада ошишига олиб келган. Айтиқса, адабиётда ғазал жанрининг юксалиши ва унинг оҳангдорлиги мусиқани адабиёт билан янада яқинлаштирган. Шоир томонидан яратилган бадиатан юксак асар – ғазал ўша заҳотиёқ бастакорлар томонидан куйга солиниб, давраларда ижро этилган. Бу эса шеъриятнинг қанот қоқиб узоқларгача учиб боришига омил бўлган.

Алишер Навоий ижодини пухта ўрганган, айтиқса, унинг мусиқага бўлган муносабатини тадқиқ этган таниқли олим ва адиб Садриддин Айний ўзининг «Алишер Навоий» номли асарида қизиқ бир далил келтиради:

«Алишернинг шогирдларидан бири, қозилик ҳамда вазирлик мартабаларига эришган Хожа Абдулла Марворид унинг ёрдамида ва раҳбарлигида мусиқадан ихтисос олиб, бу соҳада бир китоб ёзди. Абдулла Марворид Навоийнинг:

## *Navoiy asarlarida adabiyot va musiqaga*

*Дил офати бир муғбачаи моҳлиқодур,  
Майхораву бебоқ,  
Ким ишқидин онинг ватаним дайри фанодур,  
Сармасту ёқам чок*

деб бошланадиган бир мустаҳзодига «сармасту ёқам чок» номи билан куй басталайди. Восифийнинг «Бадое ул-вақоеъ»даги муболаганамо таъбирига кўра, ўша вақтда Ҳиротда жуда машхур бўлган бу куй Бухорода охириги вақтларга қадар «Машрабхонлик» номи билан куйланар эди» (С.Айний, Танланган асарлар. «Фан», Тошкент, 1978, 233-234-бетлар).

Мусиқа ва адабиётнинг боғлиқлиги яна шунда кўринадики, кўпчилик адиблар бадиий асарлар ёзиш билан бир қаторда мусиқа билан ҳам шуғулланганлар, аксарияти бирор мусиқа асбобида куй чалишни билганлар. Масалан, Абу Абдулло Рўдакий уд чалишда, Фирдавсий чанг, барбат чалишда, Носир Хисрав ғижжак чалишда шуҳрат топганлар. Дарвеш Алининг маълумот беришича, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Камолиддин Биноий мусиқада янги йўл ихтиро қилганлар. Кўриниб турибдики, Навоийга қадар ҳам Шарқ, алалхусус, Хуросон ва Мовароуннаҳр халқлари адабиёт ва маданиятнинг бошқа соҳалари қатори мусиқа билан ҳам чуқур шуғулланганлар. Шубҳасиз, бу ҳамкорлик адиблар ижодига таъсир этмай қолмас эди.

Навоий мусиқага оид алоҳида асар битмаган бўлса-да, унинг бу борадаги фикрлари тарқоқ ҳолда ифодаланган. Шоир «Хамса»-

сининг охирги достонини ёзишга киришишидан олдин илҳомини жўш урдириш, ўзида янги бадий туйғуни уйғотиш учун муғаннийга мурожаат этади. Навоий бунда муғаннийни «суруди ҳарифона» чекишга – биргаликда ижод қилишга чақиради. Бу парчанинг диққатга лойиқ жойи шундаки, Навоий муғаннийдан кўшиқсиз куй чалишни илтимос қилади. Куй кўшиғини – шоир ўз достонини ана шу куй мададида тонг отганда шитоб билан яратишини айтади:

*Муғанний, суруди ҳарифона чек,  
Бир ун бирла турмағил ёна чек.  
Дема сўз мени айла масту хароб,  
Ки тонгда сўз айтурға қилғум шитоб.*

Алишер Навоий муғаннийга «суруде чек андоқ баланд», дер экан, мусиқа ёки кўшиқ куйининг баландлигини эмас, балки мусиқа авжи ва шуҳратининг юксаклигини назарда тутмоқда. Унинг фикрича, бу шуҳрат эшитувчи элга манзур бўлгандагина ўзининг шундай баланд овозига эга бўлиши мумкин. Навоий бадий асарнинг шуҳратини ана шу мусиқанинг «олий овозаси» элга етказилишида ва мусиқа орқали шеърят ҳам киши кўнглига тез етиб бориб, таъсир ўтказишида эканини таъкидлайди:

*Муғанний, суруде чек андоқ баланд,  
Ки тушсин сипеҳр аҳлига дилписанд.  
Унинг савтини олий овоза эт,  
Сўз овозасин кўнглима тоза эт.*

Навоий даврида адабиёт ва санъатнинг бундай бирлиги адибларнинг ижодда кўп соҳаларни қамраб олиши, кўпқиррали ижодкор бўлиб етишишини талаб этарди. Ўша даврнинг комил Инсон сифатига ноил бўлиш учун ҳар қандай адиб мусиқа билан шуғулланиши, уни тушуниши, иложи бўлса, мусиқага оид рисола битиши, бирон мусиқа асбобида куй чала билиши керак эди. Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида адибларга баҳо берар экан, уларнинг аксариятида мана шу жиҳатлар мажбуд бўлганини ҳам кўрсатади.

Навоий даврида адабий йиғинлар, давралар мусиқа ва кўшиқсиз ўтмаган. Шуниси диққатга сазоворки, ўша давр мусиқасида туркий, форс, араб тилида битилган ғазаллар асосида айтиладиган кўшиқлар, куйлар бирга янраган.

Бу шу халқлар нафақат адабиётда, мусиқада ҳам ҳамкорлигини билдиради:

*Икки ёндин муғанний икки хайл,  
Жонға тандин чиқорға солиб майл.  
Ўнда туркийнавоз уриб достон,  
Қўзғолиб ҳар навода Туркистон.  
Тортқон турк нағмасида суруд,  
Оқизиб халқ кўзларидан руд.  
Сўл сари форси суруду нағам,  
Фитнаи Форс бал Ироку Ажам.*

Шоир «Маҳбуб ул-қуллуб»да мусиқанинг жозибали, сеҳрли товуши ҳақида сўз юритиб, унинг кайфиятни кўтаришга не чоғлик таъсир этиши, кундалик ҳаётда мусиқа зарур эканлигини таъкидлаганини қўрамир: «Хушхон муғаннийдин дард аҳлининг ўти тездур, агар

малоҳати бўлса, ҳол аҳлига рустохездур. Ҳар муғаннийки, дардмандонароқ нағма чекар, анинг захмаси захмлик юракка коргарроқ тегадур».

Ҳазрат Навоийнинг бу сўзларидан кўриниб турибдики, у фақат ёқимли куй ва хушовоз хонандани ёқламоқда. Демак, фақат самимият, юксак нафосат билан яратилган куйгина киши руҳининг озиғи бўла олади.

Навоий ҳаммаша ҳаётини санъат тарафдори бўлган ва илҳом, завқ ила бетакрор куй ва кўшиқлар яратаётган санъат вакиллари кўллаб-қувватлаган. Лекин Навоий фикрича, кўшиқ халққа хизмат қилиши керак. Санъатга доғ туширган, уни фақатгина даромад манбаи деб билган санъаткорларга Ҳазрат таъмағир кишилар сифатида нафрат кўзи билан қараган. Улар ҳақида улуғ шоир шундай ёзади: «То буюрғучига сила ва инъом бор, алар мулозимдурлар ва хизматкор. То суҳбатда неъмат кўп аларга барча амру наҳийинг жўд. Танаъум оз бўлди, алар иши изтиробу ноз бўлди... Ҳаракотлари тузуксиз сўзларидек ва калимотлари ҳашв ва маҳолсиз нозларидек. Вафо алар таъбида маслуб».

Алишер Навоий асаридан келтирилган ушбу мисолда катта ижтимоий мазмун бор. Улуғ адиб ўз қадри-қимматини, орияти, номусини билмаган, мол-мулк, пул ва зиёфатларга муккасидан кетган санъаткорларнинг башарасини очиб ташлайди, уларнинг бутун фикри-зиқри бойлик орттириш эканлигини таъкидлайди. Навоийнинг ушбу қарашини ҳозирги юксак ижодий интилишлар, изланишлардан йироқ, савиясиз кўшиқлари билан тўйма-тўй изғиб юрадиган айрим «санъаткорлар»га қарата айтган ўғитлари сифатида ҳам қабул қилиш мумкин.

Кишилар мусиқани тушунишлари учун Навоийнинг «Насоим ул-муҳаббат»да келтирилган мисоли характерлидир: «Алар (яъни Жалолоддин Румий – Ҳ.Қ.) дер эрмишларки, рубоб уни беҳишт эшигининг сариридур. Агар бизга андин завқ ва хушҳоллик бўлса, жиҳат будур. Бир мункир эшитиб дебтурким, биз дағи эшитурбиз, бизга нечук ул завқ ва ҳол бўлмас. Алар дебтурларки, «сиз ул эшикнинг ёпқанининг саририн эшитурсиз, биз очқонининг. Сабаб будирки, бизда завқ ва ҳол бўлур ва сизга йўқ».

Демак, мусиқани фақат оддий тингловчи бўлиб эшитиш (бадий асарни ўқиш ҳам) керак эмас, уни, энг аввало, қалбан тушуниш керак. Ўшандагина у кишига завқ бағишлаб, руҳиятини поклайди.

Шоир мусиқанинг ҳаётини зарурати ва моҳияти ҳақида гапирибгина қолмасдан, ўз даврининг мусиқаси ривожига ҳам арзиғулик ҳисса кўшган. Мусиқанинг халққа тушунарли ва кўпчиликлари манзур бўлишини истаган Навоий адабий асарларини кенг оммага тушунарли қилиб етказишга интилаганидек, мусиқада ҳам пухта, сермазмун асарлар яратилиши тарафдори эди.

Улуғ адиб «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарида шундай юксак талабларга жавоб бера оладиган рисолалар битишни замонасининг кўзга кўринган мусиқа билимдонлари Мир Муртоз, Хожа Шихобиддин, Абдулла Марворид, Қулмуҳаммад Удий ва бошқаларга топширганини ёзади. Лекин бу олимларнинг рисолалари Алишер Навоийни қониқтирмайди. Оқибатда у ҳар томонлама етук мусиқа рисоласини битишни устози Абдурахмон Жомийдан илтимос қилади.

(давоми 21-бетда)

# Ж

аҳон тарихида Македониялик Александр, Юлий Цезар, Соҳибқирон Амир Темур, Наполеон Бонапарт, Буюк Пётр сингари сиёсатда ва жаҳонгирликда машҳур буюклар, Ҳомер, Фирдавсий, Низомий, Данте, Алишер Навоий, Гёте, Пушкин, Бальзак, Жек Лондон, Лев Толстой сингари адабий даҳолар, Мусо ал Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Галилео Галилей, Леонардо да Винчи сингари қомусий олимлар исми шарифлари маълум ва машҳур.

Ушбу улуғлар сафида сиёсат, бадиий адабиёт ва адабиётшунослик илмида мумтоз хизматлар қилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам бор. У зотнинг подшоҳ ва бобурийлар сулоласи асосчиси, қомусий асар «Бобурнома» ижодкори сифатидаги сиймоси оламшумал шуҳрат олиб келган. Ҳали XIX асрдаёқ Ғарбий Европада бобуршунослик илмининг шаклланиши, XIX-XX асрларда хорижда Бобур ва бобурийлар ҳаёти ва ижоди ҳақида ўнлаб бадиий ва илмий асарлар яратилгани маълум. Бир аср вақт мобайнида «Бобурнома»нинг тўла ва қисқа китоблар ҳолида инглиз тилига 9 марта таржима қилинган, Анна Флора Стилнинг «Тож кийган дарвеш», Вильям Рашбрукнинг «Ўн олтинчи аср империя бунёдкори», Ҳарольд Ламбнинг «Бобур – йўлбарс», Румер Годен хонимнинг «Гулбадан», Фриц Вюртленинг «Бобур – йўлбарс» (инглиз тилига «Фарғона шаҳзодаси», ўзбек тилига «Андижон шаҳзодаси») номларида таржима қилинган) сингари ўнлаб бадиий, илмий, илмий-оммабоп китобларнинг инглиз, француз, немис тилларида яратилгани бунинг ёрқин далилларидир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да бошқалар қатори ўз отаси Умаршайх Мирзонинг ҳам шахси ва фаолиятини тавсиф этаркан, унинг ижобий ва салбий жиҳатларини

## Zahiriddin Muhammad Bobur siymosining olmos qirralari

бирма-бир таҳлил этади ва подшоҳликда нималарга эришганини кўз олдига келтиради.

Бобурнинг мулоҳазасига кўра, Умаршайх Мирзо «Бисёр (кўп) саховати бор эди. Хулқи дағи (ҳам) саховатича бор эди: хушхулқ ва ҳарроф (сўзамол, улфат) ва фасиҳ ва ширинзабон киши эрди. Шужоъ (шижоатли) ва мардона киши эрди».

Энг муҳими, Бобур отасини «Улуғ доялик» (улуғ мақсадли, олий ниятли), яъни йирик мамлакат подшоҳи бўлишни истаган ҳукмдор сифатида тавсифлайди. Бобур ўз отасида қайси ижобий фазилатларни сезган ва кўрган бўлса, шуларнинг барчаси унинг ўзида ҳам мужассам эди. Айниқса, улуғ мақсадларни кўзлаб яшаш Бобурнинг асосий шиори эди. Шунинг учун у 1497 йилдаёқ Самарқандни биринчи

марта, 1500 йилда иккинчи маротаба эгаллади. Ҳокимиятни сақлаб қолиш насиб этмагач, бобомерос Кобулга бош олиб кетди ва 1511 йилда учинчи маротаба забт этди. Бироқ яна банда тадбири Аллоҳ тақдирга тўғри келмади. У яна Кобулга қайтиб кетди ва беш маротаба Ҳиндистон сари юриш қилиб, охиргисида 1526 йил майида Панипат қишлоғи ёнидаги жангда ҳинд подшоши Султон Иброҳим Лўдийнинг юз минг кишилиқ қўшинини ўзининг ўн минглик лашкари билан енгишга муваффақ бўлди. Бобур байроғи пойтахт Аграда – ўзи бунёд этган Зарафшон боғида хилпираб турди.

Бобурнинг ушбу зафари бобурийларнинг Ҳиндистонда 332 йиллик сулоласи ҳукмронлигига асос бўлди. Бобур Мирзо Ҳиндистондай улкан бир мамлакат подшоҳлигини қўлга киритди. Ана шундай улуғ мақсадли киши орзусининг амалга ошганини «Бобурнома»дан нусха кўчирган котиб унинг подшоҳ қиёфасидаги саккиз фазилатини қайд этади:

«У қудратли подшоҳнинг яхши фазилатларини айтиб ва ёзиб тугатиш маҳол. Лекин, лўнда қилиб айтганда, унинг асли зотида мана бу саккиз сифат ҳаммавақт мужассам эди. Биринчиси шуки, ютуқлари юксак эди; иккинчиси, ҳиммати буюк эди; учинчиси, вилоят (мамлакат) олмоқ, тўртинчиси, вилоят (мамлакат) сахламоқ; бешинчиси, маъмурилик (ободонлик); олтинчиси, Тенгри таоло бандаларига турмуш фаровонлиги нияти; еттинчиси, лашкарнинг кўнгилни қўлга олмоқ; саккизинчиси адолат қилмоқлик».

Сир эмаски, Бобур биринчи навбатда подшоҳдир. Шунга қарамасдан, у кўнгил хуши касби – адабиётнинг уч жаҳасида шундай мумтоз маҳсуллар мерос қолдирдики, ҳали ҳануз адабиётшунослар Бобурнинг «Девон»и, «Бобурнома» насри ва аруз рисоласини таҳлил этганда ҳайратдан ёқа ушлаб қоладилар. Чунки мумтоз шеъриятда поэтик маҳорат масаласида Бобур Мирзо Алишер Навоий сафида туради, «Бобурнома» қомусий насрий асари воқеъликнинг ҳаққонийлиги, халқ тилига яқин, ўта соддалиги, ортиқча бежамалардан холилиги ва жаҳон халқига манзурлиги; аруз рисоласида ҳеч ким етмаган санок – 537 вазн талқини... ҳамма-ҳаммаси Бобур ижодий мўъжизакорлиги намуналаридир. Фикру зикри Ҳиндистондай улкан мамлакатни бирлаштириш билан банд бўлган, унгача йигирма йил нари-берисида жангу-жадаллар таҳдидидан ўз салтанатини сақлаб қолиш каби йирик сиёсий ташвишлар исканжасидаги биргина жон бунчалик адабий асарлар яратиш учун қачон, қандай қилиб вақт ва имкон топа олди экан?

Бобур Мирзо девонидаги шеърлар шунчаки кўнгил хуши эрмаклар эмас, балки арузнинг хилма-хил, ҳатто ўта қийин баҳрлари ва зиҳофларида юксак маҳорат билан битилганлиги, бетакрор шеърий санъатларга бойлиги ва фавқулодда поэтик алоҳидалик, ғазаллардаги сеҳр ва кўнгил товланишлари ҳар қандай ўқувчини ҳайратга солади.

**Ироқу Форс гар етса, сенинг бу шеъринг, эй Бобур,  
Ани ҳифз этгуси Ҳофиз, мусаллам тутқуси Салмон.**

Мазмуни: Эй Бобур, сенинг бу шеъринг Ироқ ва Форсга етиб борса, Салмон Соважий таҳсинлар ўқийди, Ҳофиз Шерозий уни ёдлаб олади.

Адабиётшунослар ҳам маснуъ ижодкори ўзбек адабиётида ягона Заҳириддин Муҳаммад Бобур эканлигини эътироф этадилар.

Мумтоз адабиёт тарихида мислсиз маҳорат мактаби – поэтик санъатлар соҳасида нозик ҳарфий санъатлар қўллаш алоҳида ўрин тутади.

**Кўзию зулфу оғзи фурқатида  
Фалак охир мени адам қилди. (Бобур)**

Мазмуни: Ёримнинг кўзи, зулфи ва оғзидан айрилиқ дардида фалак охири мени йўқликка гирифтор қилди.

Байтдаги яққол кўзга ташланадиган санъат таноибдир. Шоир фикрий узвийликни таъминлаш учун инсон аъзо – узларидан кўз, зулф ва оғиз сўзларини тизган. «Адам»даги «дол» ҳарфига ёрнинг қайрилма зулфи (гажаги) ўхшайди. Оғиз эса мим (м) ҳарфининг бош қисмига ўхшайди. Ана шу уч узв: кўз, (айн), зулф (дол) ва оғиз (мим) ҳарфларидан шоир «адам» сўзини келтириб чиқарган. Иккинчи ва учинчи санъатлар муболаға ва жонлантиришдир. Айрилиқ ошиқни адоий тамомгина эмас, адам – буткул йўқ қилган. Бу – муболаға. Бироқ бу иш фалак қилғилиғи тарзида қайд этилгани – жонлантиришдир. Бу усул поэтикада – илми саноеъда маънавий истихроҷ (ясамоқ, келтириб чиқармоқ) деб аталади.

Юқорида қайд этилганидек, Бобурнинг «Муфассал» аруз рисоласида 537 вазн тадқиқ этилган. Дунёдаги бирор аруз назариётчиси, араб, форс ва на туркий халқлар олимларидан бирортаси арузга бағишланган китобларида вазнлар миқдорини бу санокка яқинлаштира олган эмас.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур фикҳ илмига қўл урганида ҳам икки хил ихтирокорлик жасоратини кўрсатди. У беш фарзга доир «Мубаййин» асарини туркий тилда ҳамда шеърий усулда ёзди. Унгача фикҳга доир асарлар, асосан, араб ва форс тилларида ёзиларди (истисно биргина Алишер Навоийнинг «Сирож ул-муслимин» асаридир). «Мубаййин»нинг шеърда ёзилишидан муаллифнинг мақсади матнни нафақат мазмун, балки сўз шаклида ҳам ўқувчи хотирасида узоқ сақланиши учун бўлган, ушбу асар ўта муфассаллиги билан ҳали-ҳали фикҳ олимларини ҳайратга солади.

Умуман олганда, Бобур қайси ишга, қай соҳага қўл урган бўлса, у қанчалик муҳим, нечоғлик мураккаб бўлмасин, уни ҳадди аълосига етказган фавқулодда шахсият бўлган.



# Yangi yilga yangi maqsadlar bilan qadam qo'ydik

*Маданият, маърифат, маънавият ҳамма вақт жамиятнинг энг муҳим масалаларидан бўлиб келган. Ўтган йиллар мобайнида бу соҳаларда муҳим ислохотлар амалга оширилди, янги тизимлар ташкил этилди, мавжуд маданият ва санъат муассасалари фаолияти тубдан такомиллаштирилди. Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, маданият ва истироҳат боғлари, маданий мерос объектлари, музейлар, театрлар, санъат ва спорт мактаблари ривожига, иқтидорли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда ҳам бу ишлар изчил давом эттирилмоқда. Хўш, 2017 йил — «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да бу борада яна қандай ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда? Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Дилфуза Қаршибоева билан шулар тўғрисида суҳбатлашдик.*

– Йил бошида ҳамиша амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, янги режалар белгиланади. Айтингчи, ўтган 2016 йилда белгиланган режалар қай даражада амалга ошди?

– 2016 йил маданий ҳаётимизда турли муҳим воқеалар, тадбирлар, янгиликлар, ютуқларга бой бўлди. Кенг миқёсда ўтказилган қатор маданий-маърифий тадбирлар ҳамюртларимиз ва мамлакатимиз меҳмонлари қалбидан муносиб жой олди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамига бағишлаб «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри маданият ва аҳоли дам олиш марказларида, маданият ва истироҳат боғларида, маҳалла гузарларида 1587 та маданий тадбирлар алоҳида тасдиқланган жадвал асосида ўтказилди. Шу билан бирга республикамизнинг барча ҳудудларида «Ўзбекистон – бағри кенг диёр» мавзусида кўчма фотокурғазмалар ташкил этилди. Уларда таниқли фоторассомлар билан бирга ёш фотоҳаваскорлар ҳам ўз ижодий ишлари билан қатнашишди. Ёш истеъдодлар учун таъсис этилган эстрада, мусиқа, мумтоз қўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги соҳасидаги маҳорати учун «Ниҳол» мукофоти танловининг туман (шаҳар), ҳудудий босқичлари ўтказилди.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги, Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Мутал Бурхоновнинг 100 йиллиги муносабати билан жойларда ижодий учрашувлар, мусиқий кечалар, кўрик-танловлар ташкил этилди.

Май ойида Фарғона вилоятида ўтказилган «Универсиада – 2016» спорт мусобақаларининг очилиш ва ёпилиш маросимларида эстрада хонандалари, бадийий жамоалар иштироки таъминланди. Ёшларнинг маданий-маърифий, маданий ва эстетик эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида улар учун спорт мусобақаларидан бўш пайтларида қатор маданий тадбирлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар, театр ва кино усталари билан ижодий учрашувлар ўтказилди.

Республика театрлари учун ҳам ўтган йил ўзига хос ижодий изланишлар йили бўлди. 2016 йил давомида жами 94 та янги спектакль саҳналаштирилди. Алишер Навоий, Мирзо Улугбек, Аҳмад ал-Фарғоний, «Садоқат», «Тўмарис», «Лайли ва Мажнун», «Зафарнома» сингари 20 га яқин тарихий асарлар, халқимиз, ёшларимизнинг онги ва қалбида

юксак инсоний фазилатларни қарор топтирувчи, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилган янги асарлар саҳнага олиб чиқилди. Шунингдек, театрлар репертуарини шакллантиришда ўғил-қизларимизнинг маънавий-руҳий оламини издан чиқаришга қаратилган турли маънавий таҳдидлар, «оммавий маданият», турли бузғунчи оқимлар фаолиятини фош этувчи, халқимизни огоҳлик, ҳушёрликка даъват этувчи, уларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган долзарб мавзуларга ҳам алоҳида эътибор берилди. Тарихий, ижтимоий, адабий, ҳажвий, маънавий юксак саҳна асарларига халқимизнинг қизиқиши кучли эканини театрларга келаётган томошабинларнинг саломидан ҳам билса бўлади.

Халқнинг бой маданий меросини қайта тиклаш, асарлар давомида шаклланган юксак маънавиятини, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва уйғун камол топган шахсларни тарбиялашга қаратилган лойиҳаларда маданият ва аҳоли дам олиш марказлари томонидан 41,6 мингдан ортиқ, маданият ва истироҳат боғларида 3840,





хайвонот боғларида 203, музейлар томонидан 64,5 мингдан ортиқ тadbирлар ўтказилди.

Маданият ва санъат намояндалари иштирокида юртимизнинг барча ҳудудларидаги таълим муассасаларида «Ким эдигу ким бўлди, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?» мазмунидаги тарғибот тadbирлари уюштирилди. Мазкур тadbирларда 1 269 нафардан зиёд таниқли шоир ва ёзувчилар, кино ҳамда театр актёрлари, санъаткорлар ва эстрада хонандалари, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари иштирок этди. 2016 йил 9 август куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» анъанавий республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ёш бастакорларнинг «Ижодимиз сенга, Ватан» кўрик-танлови ўтказилди. Унда 82 нафар ёш бастакор иштирок этди. Бу тadbирларнинг барчаси юксак тайёргарлик билан ўтказилди. Энг яхши томони, иштирокчиларнинг ўзларида ташаббус ва иштиёқнинг баландлиги бўлди.

Халқаро алоқаларни ривожлантириш юзасидан Фаргона вилоят рус драма театри Россия Федерациясида, Ўзбекистон Ёшлар театри Германиянинг Ганновер шаҳрида, Хоразм вилоят кўғирчоқ театри Грецияда бўлиб халқаро фестивалларда иштирок этишди. Буюк Британиянинг «Глобус» театри «Гамлет», Россия давлат академик Малый театри «Ҳақиқат – яхши, бахт ундан-да яхшироқ» асарлари билан юртимизга ташриф буюрди. «Туркменистон маданият кунлари», «Россия кунлари» юксак савияда ташкил этилди.

**– Ўтган йили илк бор ташкил этилган «Олтин куз» халқаро санъат фестивали хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз?**

– Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 19 октябрдаги мажлиси баёни ижросини таъминлаш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан 28 октябрь–3 декабрь кунлари Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда «Олтин куз» халқаро санъат фестивали ўтказилди. Фестивал ўзбек халқининг ноёб номоддий маданий меросини, миллий мусиқа, анъанавий ижрочилик, театр санъати, оркестр ижрочилиги ва жаҳон мумтоз мусиқа санъатини кенг тарғиб қилиш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбида миллий маданиятимиз ва қадриятларимизга эҳтиром ҳисларини юксалтириш, жаҳон халқлари миллий мусиқа ва кўшиқчилик санъатининг ноёб намуналари билан кенг таништириш мақсадида ташкил этилди. Санъат фестивали доирасида 87 та тadbир ўтказилди. Илк бор ташкиллаштирилган халқаро тadbирга жаҳонга машҳур 10 дан ортиқ санъаткорлар ташриф буюрди ва концерт дастурларини намойиш қилди. Шунингдек, Россия санъати кунлари доирасидаги «Терема» халқ чолғулари оркестри ҳамда «Отрада», «Синодаль» каби болалар ва катталар хор жамоаларининг чиқишларини томошабинлар олқишлар билан кутиб олишди. 22 ноябрда Ўзбекистон давлат консерваториясида «Ўзбекистон солистлари» камер оркестри концерти ҳамда «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Италиялик машҳур хонанда ва бастакор Тото Кутуньо, истеъдодли ижодкор Бехзод Абдураимов ҳамда таниқли опера ижрочиси Алессандро Сафина иштирокида концерт дастурлари ўтказилди. Илк бор ташкил этилган «Олтин куз» халқаро фестивали юртимиз санъат иҳлосмандлари қалбидан чуқур жой олди.

**– Одатда, янги йилга янги режалар тузилади. Шу маънода бу йил яна қандай тadbирлар ташкил этилади?**

– Ҳар қандай янги тadbир, аввало, халқимиз маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этилади. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да бир қатор мада-

ний-маърифий тadbирлар ташкил этишни режалаштиряймиз. Бу йил Наврўз байрами тadbирлари муҳтарам Президентимиз ташаббусига кўра, халқ сайли сифатида ташкил этилади. Халқнинг бой маданий меросини қайта тиклаш, асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари, маданият ва истироҳат боғларида ўтказиладиган сайиллар режаси ишлаб чиқилди. Уларда миллий қадриятларимиз, боқий анъаналаримиз асосида қатор мусиқий-кўнгилочар тadbирлар уюштириш, санъаткорлар, ёзувчи ва шоирларнинг иштирокини таъминлаш кўзда тутилди. Ўйлайманки, бу йилги байрам халқнинг асл қадриятлари билан уланиб, ҳақиқий янгиланиш ва яшариш шодиёнасига айланади.

Миллий истиқлол ғояси, маданий ва маънавий-ахлоқий анъаналаримиздан келиб чиққан ҳолда аҳоли ўртасида уларнинг маданий ва эстетик эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш йўлида «Онам айтган аллалар», «Ёшлик баҳори», «Ниҳол» мукофоти танловларининг республика босқичи, «Сени қуйлаймиз, замондош!» Ўзбекистон театрларининг республика кўрик-фестивалини анъанавий тарзда ўтказамиз. Шу билан бирга, илк бор ташкиллаштирилаётган «Мусиқага чорлайди ёшлар!» маданият ҳафталигини, апрель-май ойларида эса «Баҳор нафаси» номли халқаро санъат фестивалини ўтказишни режалаштиряймиз. Март ойида Тошкент шаҳрида «Театрлар фаолияти самарадорлигини оширишда Тошкент шаҳрининг тажрибаси» мавзусида очiq эшиклар куни ўтказилиши бўйича режа ишлаб чиқаямиз.

Халқаро маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Туркменистон ва Россия Федерациясида Ўзбекистон маданият кунларини ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси театрларининг Россия Федерациясига гастроль сафарини амалга ошириш каби тadbирларни режалаштирганмиз. Чунки тажриба алмашиш, ўзга сахна ва томошабинлар орасида рол ижро этиш актёрлар қобилиятини оширади. Бу йил анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали мамлакатимизда ўн биринчи бор ўтказилади. Дунё тароналари сахнасига айланиб бораётган бу анжуманга қизиқиш ва қатнашиш таклифи билан чиқаётган давлатларнинг сони йилдан йил кўпайиб бормоқда. Меҳмонларни кутиб олишдан бошлаб, ҳар бир тadbир алоҳида юксак савияли тайёргарликни талаб этади. Фестиваль доирасидаги тadbирларнинг чуқур ғоявий мазмун билан бойитилишини таъминлаш мақсадида республиканиннг ижодий уюшмалари ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганмиз.

Ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз истеъдодларини тўла намоен этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтирдик. Халқнинг маънавий эҳтиёжидан келиб чиқиб, янги тadbирлар, томошалар, байрам ва сайиллар ташкил этамиз.

Зеро, халқ хотиржам яшаса, ҳаётидан кўнгли тўқ бўлса, маданий дам олишга иштиёқ сезади. Бунга театр, мусиқа, хореография, тасвирий санъат, цирк, халқ амалии ва эстрада санъатини янада ривожлантириш, музейлар, маданият ва дам олиш-марказлари, маданият ва истироҳат боғлари, хайвонот боғларининг фаолиятини шакллантириш, театрлар, концертлар, томошаларнинг ғоявий-бадий ва маънавий савиясини ошириш билан ҳисса қўшамиз.

**Манзура ШАМСИЕВА**  
суҳбатлашди

## Буюк олим

1403 йилда Самарқандда таваллуд топган Али Қушчининг асл исми Алловуддин Али ибн Муҳаммаддир. Отаси Муҳаммад Самарқанд ҳокими, улуғ астроном олим Мирзо Улуғбекнинг девонбегиси эди.

Алловуддин Али ибн Муҳаммад ёшлигидан ўта зийрак, илмга чанқоқ бўлганлигидан отаси унга диний илмлар билан бир қаторда дунёвий фанларни ҳам ўқитишга катта аҳамият берган. Алловуддин Али ибн Муҳаммад отасига бўлган ҳурмати юзасидан «Али Қушчи» тахаллусини олган ва ёзган асарларига доимо ушбу тахаллус билан имзо қўйган.

Мирзо Улуғбек Самарқанднинг Кўҳак тепалигида ўша пайтнинг энг сўнгги илм-фан ютуқлари асосида осмон жисмларини ўрганиш мақсадида расадхона қурдирган. Бу расадхонада шахсан Мирзо Улуғбекнинг ўзи дунёнинг ўнлаб етук олимлари билан бевосита юлдузларнинг жойлашуви бўйича йигирма йилдан зиёд тадқиқот ишлари олиб борган ва унинг натижаси ўлароқ 1018 (бир минг ўн саккиз) юлдуз бўйича энг мукаммал – «Зижи жадиди Кўрагоний» номи билан жадвал тузган.

Али Қушчининг отаси Муҳаммад Мирзо Улуғбекнинг Қушчи боҳиси, яъни девонбегиси, энг ишончли ёрдамчиси бўлганлиги боис математика, астрономия бўйича ўзининг тенгшларига қараганда анча илгарилаб кетган ўғлини ҳам расадхонанинг илмий ишларига жалб қилган.

Бу ерда бевосита буюк олим, астроном Мирзо Улуғбек, Али Қушчи билан аслида Туркиянинг Бурса шаҳридан ўқиш учун Мовароуннаҳрга келган Қозизода Румий орқали танишиб, унга дарс берган. Шу сабабли Али Қушчи математика ва астрономия соҳасидаги фундаментал билимларни Самарқандда Улуғбек, Қозизода Румий ва Ғиёсиддин Жамшиддан олган.

Ривоятга кўра, илмга чанқоқ Али Қушчи Улуғбек ва Қозизода Румийдан рухсат ололмастлигини ўйлаб, яширинча Эроннинг Кирманд шаҳрига кетади. У ерда бир қанча китоблар билан биргаликда Насриддин Тусийнинг «Тажрид ул-калом» номли асари билан танишади ва кейин Тусийнинг ушбу асарини «Шарх ут-тажрид» номи билан шарҳ қилиб, Кирманд хони Султон Абу Саид Хонга тақдим этади ва сарой амалдорларининг мақтовларини олади. Унга хон томонидан эллик минг динор ҳадя этилади.

Яна Самарқандга қайтиб Кирмандда қаламга олган «Ой босқичларининг изоҳланиши» номли рисоласини Улуғбекка тақдим этиб, таҳсинга сазовор бўлади. Ўша вақтларда Али Қушчи Улуғбек жадвалини тайёрлаш ишларида тўлиқ қатнашади. Қозизода Румийнинг ўлимидан кейин Улуғбек ўзининг шогирдлари ичидан энг иқтидорли Али Қушчини бутун илмий ишларида ёрдамчи қилиб олади ва Самарқанд расадхонасига мудир этиб тайинлайди.

Улуғбекнинг вафотидан (1449) кейин ҳимоячисиз қолган Али Қушчи Самарқанд мадрасасидаги дарслари би-

## Али Қушчи

лан расадхонадаги ишларини икки йил ичида тугаллади. Расадхонада – ўша давр Самарқанд астроном олимларини Мирзо Улуғбекнинг бевосита раҳбарлигида қарийб йигирма йилдан зиёд ишлари якунини «Зижи жадиди Кўрагоний» номи билан китоб шаклига келтиради. Кўплаб нусхалар тайёрлатиб, бошқа илмий китоблар билан биргаликда туяларга ортиб, 1451 йил ёзида темурийлар саройидан чиқиб, ҳаж қилиш мақсадида Маккага йўл олади. Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрида дўстлари билан учрашади.

Мадрасадош дўсти Абдураҳмон Жомий ва бошқа ўнлаб олимга уламолар билан кўришиб, улар билан жуда кўп масалалар бўйича ўртоқлашади.

Абдураҳмон Жомий Али Қушчига ҳаж сафаридан кейин яна Ҳиротга қайтишини ва Шарқнинг етук мадрасаларида фаолият олиб боришини тавсия этади.

Олим ҳаж сафаридан сўнг яна Ҳиротга қайтиб, ўзининг илмий ишларини давом эттиради, кўплаб шогирдлар тайёрлайди. Узигача яшаб ўтган олимларнинг математика, астрономия бўйича илмий асарларини буюк астроном олим Мирзо Улуғбек таълимоти, нуқтаи назаридан келиб чиқиб ўрганади, таҳлил қилади ва шарҳлайди.

Мисол учун, Птоломейнинг бундан ўн уч аср олдин юлдузларнинг жойлашуви тўғрисида ёзган асарини ўрганиб чиқиб, уни тўлиқ шарҳлайди. Али Қушчи бу шарҳи билан Птоломейнинг камчиликларини тўлиқ кўрсатади ва ғарб олими Василий Бартольднинг таъбирича, ўз даврининг Птоломейи деб бутун Шарқда тан олинади.

Али Қушчи қарийб йигирма йил Афғонистон, Эрон, Ироқ ва бошқа Шарқ мамлакатларининг таниқли мадрасаларида маърузалар қилади, китоб ва рисолалар ёзади, кўплаб шогирдлар етиштиради, математика ва астрономия бўйича ўз мактабини яратиб, катта обрў-эътибор қозонади.

Бу давлатлар саройларида Али Қушчи мудом энг азиз меҳмон сифатида эътироф этиб келинади. Етмиш ёшларга бориб қолган Али Қушчи 1471 йил охирида Абдураҳмон

Жомийга ўзининг кейинги ҳаётини Истанбулда ўтказмоқчи эканлигини маълум қилади. Абдураҳмон Жомий унга ёшини ҳисобга олиб, денгиз бўйидаги ўлкаларда яшаш унча тўғри келмаслигини бот-бот уқтиради. Аммо Али Қушчи ўз сўзида қатъий туради.

Улуғ устози Қозизода Румий олдидаги шогирдлик қарзини узиш, яъни турк тилида мукаммал ёза олишини ҳисобга олиб, Истанбул мадрасаларида маърузалар қилиб, шогирдлар етиштириб, математика ва астрономия бўйича ўз мактабини яратишни орзу қилади.

Дўсти Абдураҳмон Жомий унинг Истанбулга боришини ташкиллаштириш учун кўп ҳаракат қилади ва Алишер Навоий ёрдамида сафар билан боғлиқ ҳужжатларни олиб, 1472 йил охирида Эроннинг Табриз шаҳри томон йўл олди.

Али Қушчи бу ерда ҳукмдор Узун Ҳасан томонидан илиқ кутиб олинади ва хоннинг илтимосига биноан элчилик вазифаси билан Туркия султони Фотиҳ Султон Маҳмуд ҳузурига жўнатилади.



Султон Шарқ ва ғарбнинг таниқли алломаларини ўз атрофида тўплаган Фотиҳ Узун Ҳасан томонидан элчи сифатида жўнатиш билан Али Қушчининг илми, зукколигидан ҳайратга тушади. У элчилик вазифасини тамомлагандан кейин Фотиҳнинг қатъий таклифи билан хон саройида бутун сарой амалдорлари олдида Истанбулда доимий қолмоқчилигини эълон қилади.

Бу қарор Фотиҳ саройида катта тантаналар, совғалар билан кутиб олинади. Фотиҳ 1473 йилда Эроннинг Табриз шаҳри хони Узун Ҳасан ҳузурига қилган сафаридан ўзига ҳамроҳ бўлган Али Қушчини қайтишда Аясофия (Аё-Сўфия) мадрасасига мударрис (профессор) этиб тайинлайди. Кейинчалик 200 ақча маош белгилайди.

Али Қушчи ишга тайинлангач, Истанбулда астрономия ва математика соҳасини ривожлантиради. Унинг дарсларига олимлар ҳам қатнаша бошлайдилар. Бундан ташқари уни Узун Ҳасан ўзининг шахсий кутубхонасига мудир ҳам этиб тайинлайди.

(давоми 17-бетда)

Истанбулдаги Али Қушчи қabri





## Ulug'vor maqsadlar yo'lida

Тарихий, маданий ва илмий интеллектуал меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, халқимизнинг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг миқёсда тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ анъаналарига чуқур ҳурмат, эҳтиром уйғотиш бугунги кундаги энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Ана шу маданий мерос намуналари ичида тасвирий санъат ҳам алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон тасвирий санъатининг таркибий қисми бўлган Андижон нафис санъат мактаби ҳам ўтган йиллар давомида ҳар жиҳатдан сайқалланиб, катта ривожланиш йўлини босиб ўтди. Муносиб яшаб ўтилган, бугунги кунда ҳам давом этаётган устозлар ҳаёти, ижод йўли шогирдлар учун ибрат ва намуна мактаби бўлиб хизмат қилади.

XX асрда бу борада халқимизнинг эҳтироми ва эътирофига сазовор бўлган мусаввирлардан бири Нажмиддин Қозиев (1921-2001)дир. Вилоят театрида сахналаштирувчи рассом сифатида иш бошлаган мусаввир театридаги ўн икки йиллик фаолияти давомида қирққа яқин сахна асарлари беагани яратди. Ўн йил педагогика билим юртида талабаларга тасвирий санъат сирларидан сабоқ берди. У инсон ички дунёсини мумтоз академик услуб анъаналарида, юксак меҳр-муҳаббат, миллий шарқона руҳиятда маҳорат билан ифода этди. Унинг «Аббос Бакиров», «Абдулҳамид Чўлпон», «Бобурийзода Шоҳжаҳон» каби ўнлаб портретлари халқимизнинг ноёб мулки сифатида музейлар хазинасидан жой олди.

Ўзбекистон Халқ рассоми Низомиддин Холиқов ҳам тасвирий санъатнинг графика йўналишида

ижод қилиб, Ўзбекистон бадий графика санъатида муносиб ўрин топди. Унинг «Жиззах ерлари», «Кампирровот қурилиши», «Филон манзаралари» каби давр муҳити акс этган туркум асарлари ўзбек дастгоҳли графика санъатининг ноёб намуналари саналади. Мусаввирнинг Навоий «Хамса»сига кирган «Садди Искандарий» достони, Муқимийнинг «Танланган асарлар», Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Достонлар», Эркин Воҳидовнинг «Нидо», «Қардошлик қўшиғи» каби ўнлаб китобларга ишлаган рангтасвир ишлари унинг китоб графикасидаги маҳоратидан дарак беради. Кейинги йигирма йил ичида ижодкор яратган асарлар, унда ифода этилган ҳиссий оламнинг чексизлиги, гоҳ тугёнли, гоҳ ҳазин, файласуфона руҳиятда таъсирчан ифода этилгани билан ажралиб туради. У «Темурийлар юрти», «Муҳаммад Юсуф олами», «Феруз», «Оналар нидоси», «Қумрилар» каби асарларида турфа рангларда ифода этган бетакор тимсоллар, шакллар ўз мухлисини ўйга, мулоҳазага чорлайди.

Ўзбекистон Халқ рассоми Обиджон Бакировни табиатнинг ошиқона куйчиси, десак тўғри бўлади. Унинг ёрқин ранглар уйғунлигидаги «Шоҳимардон», «Арслонбоб», «Баҳор», «Олтин куз», «Ибн Сино» каби қатор портрет асарлари келажак авлод учун тарихдан сабоқ бера олади.

Яна бир нодир истеъдод соҳиби Улуғбек Болтабоевдир. У ўтган давр мобайнида, санъатшунослар тили билан айтганда, маҳобатли деворий санъат устаси сифатида мамлакатга танилди. Мусаввир асарларида қадимий шарқ миниатюра санъати, замонавий авангард услублар уйғунлигининг шоҳи-

ди бўламлиқ. Улуғбек Болтабоев 2012 йилда Ўзбекистон Бадий академияси томонидан юксак мукофот билан тақдирланди.

Худди шундай Шухрат Тошбоев, Рустам Ҳрозов, Қамбарали Юсупов, Убайдулла Боймуродов, Ҳасанбой Саидов каби рангтасвир ижодкорлари ҳам борки, улар ижодига мансуб ўнлаб асарлар Фарғона водийси тасвирий санъат хазинасидаги энг ноёб намуналар ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ миллий қадриятларимиз, буюк аждодларимиз номлари қайта тикланди. Бу даврда кўркем боғлар, обидалар, музейлар, зиёратгоҳлар барпо этилди. Миллий меъморчилик билан бирга маҳобатли ҳайкалтарошлик, деворий ранг-тасвир санъати кенг ривожланди. Ҳайкалтарош Абдурашид Сулаймонов ижодига мансуб шоҳ ва шоир бобомиз Заҳириддин Бобурнинг бронзадан ишланган ҳайкали 1991 йилда Бобур музейи ҳовлисида, кейинчалик Боғи Бобур хиёбонидан жой олди. А.Сулаймонов 2001 йилда шаҳардаги Навоий номидаги истироҳат боғи учун шеърят султони Навоий бобомизнинг бронза сиймосини яратди. Шунингдек Бўз тумани марказидаги «Алломалар аллеяси», Бўз ва Шаҳрихон туманлари чегарасига кўрк бўлиб турган «Уч гўзал» ҳайкаллари ҳам бу моҳир санъат устаси ижодига мансубдир.

Истиқлол йилларида, айниқса, ҳайкалтарош Жалолиддин Миртожиев самарали ижод қилди. У томонидан ўтган йиллар давомида яратилган Бобур, Чўлпон, «Мотамсаро она» ҳайкали ўрнатилган манзиллар бугунги кунда вилоятдаги ўзига хос зиёратгоҳ ва тарбия ўчоқларидан биридир.

Унинг ижодига мансуб Тошкент

шаҳридаги «Ватанга қасамёд», Ғафур Ғулум, Ойбек, Зулфия, Саида Зуннунова ва Саид Аҳмад, Самарқанддаги Мирзо Улуғбек, Бухородаги Абдурауф Фитрат, Москвадаги Алишер Навоий, Қоҳирадаги Аҳмад Фарғоний, Хитойдаги Камолиддин Беҳзод ҳайкаллари биз қандай улуғ алломаларнинг вориси эканлигини бутун дунёга намойиш қилди. Бу билан у нафақат Ўзбекистон, балки умумжаҳон ҳайкалтарошлик санъатига муносиб ҳисса қўшди.

Худди шунингдек, рассом Улуғбек Болтабоевнинг маҳобатли деворий рангтасвир соҳасидаги Боғи Бобур музейи деворларига ишлаган «Бобурийлар ҳаёти», Навоий номидаги истироҳат боғидаги рамзий арк дарвозаси гумбазлари остига ишланган «Хамса» деворий тасвирларида ҳам буюк асар воқеликлари ифода этилди.

Албатта, ҳар бир кўргазма рассомнинг халқ олдидаги ўзига хос синовдан ўтишидир. Яқинда иқтидорли ёш рассомларимиздан бири Мурод Темиров ҳам ўзининг «Болалик ўйлари», «Ёшлик», «Бухоро туркуми», «Хаёллар», «Келинчак» каби асарлари кўргазмаси орқали элимиз имтиҳонидан ўтди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Бадий Академияси ижодкорлар уюшмаси вилоят бўлимида 31 нафар мўйқалам устаси бирлашган. Худуддаги санъат коллежи, ихтисослашган мусиқа ва санъат мактаблари, иқтидорли ёшлар билан доимий алоқа боғланган. Дилфуза Матбобоева, Зиёда Акбаралиева сингари иқтидорли ёшлар бадий санъат йўналишида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлдилар. Аксарият ёшлар «Юрт келажиги», «Ниҳол», «Баркамол авлод» каби кўрик-танловларда мунтазам иштирок этиб, устозлар эътирофига сазовор бўлмоқдалар. Устоз рассомлар, моҳир ҳайкалтарошлар билан ўтказилаётган ижодий учрашувлар улар учун маҳорат мактабини ҳам ўтамоқда.

Ҳар бир даврнинг ўзига хос тарихи, келажак авлодга қолдирадиган маданий мероси бўлади, бугун вилоятда яшаб ижод қилаётган мусаввир ва ҳайкалтарошлар ана шу улуғвор мақсад йўлида фаолият кўрсатмоқдалар.

Замира РЎЗИЕВА

(Давоми. Боши 14-15-бетларда)

Истанбулда астрономия ва математика соҳасида ўз мактабини яратган Али Қушчи Мирзо Улуғбекнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» асарини турк тилига таржима қилади, ўнлаб нусхаларда кўпайтириб, Оврупо давлатларига тарқатади.

Бу ишлари натижасида Англияда биринчи бор XV аср охирида Мирзо Улуғбекнинг бу асари инглиз тилида босилиб чиқади. Али Қушчи фақат муаллифлик асарлари билангина эмас, балки амалий фаолияти ва йўл кўрсатиши билан ҳам ўз замонасидан ўзи кетган буюк олим ҳисобланади.

У Истанбул узунлик координатасининг олдин белгиланган 60 даражалик кўрсаткичини тузатиб, 59 даража, кенглик координатасини эса 41 даража 14 дақиқа қилиб аниқлаган.

Ўша пайтда Туркия султони Фотиҳ Султон Маҳмуд ҳар куни бориб намоз ўқийдиган жомеъ масжиди учун қуёш соати ясаб беради.

Али Қушчи шаъбон ойи 5 куни ҳижрий 879 йили, яъни 1474 йилнинг 15 декабрида Истанбулда вафот этади ва жуда катта ҳурмат-эҳтиром билан пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоху алайҳи ва салламнинг оналари томонидан қариндоши бўлган Айюб Султон ҳурматида 1458 йили Турк султони Фотиҳ Султон томонидан қурилган жомеъ масжиди мажмуасида Айюб Султон мақбараси атрофида дафн қилинади.

Али Қушчининг катта хизмати шундаки, у буюк бобомиз, астроном олим Мирзо Улуғбекнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» асарини ўнлаб нусхаларда кўпайтириб, Оврупо давлатларига тарқатади. Ўн бешинчи аср охирида Мирзо Улуғбекнинг бу асари инглиз, кейинчалик француз, португал, испан ва бошқа ғарб тилларида босилиб чиқади. Ўшанда Уйғониш даврини бошидан кечираётган Ғарб давлатлари учун бу мукаммал асар айни муддао бўлади. Бу асар ёрдамида Ғарб давлатларидаги жойларнинг аниқ координаталари аниқланади, бошқа юзлаб соҳаларнинг ҳам ривожига катта туртки берган кemasозлик жадал ривож топади. Англия, Португалия, Испания, Белгия давлатлари биринчи галда ўз верфларида қурдираётган юзлаб кемаларини дунёнинг барча нуқталари координаталарига эга бўлганлиги боис, аввал сайёҳлик, кейинчалик ҳарбий мақсадларда океанлар, денгизлар оша юришларига йўналтиради. Чунки кема дарғаси энди қаерда сузаётганлигидан қатъи назар, кеманинг координатини юлдузларга қараб ўта аниқлик билан адашмасдан топар эди.

Бугун биз буюк аждодларимизнинг авлоди сифатида наинки Оврупонинг, балки бутун ривожланган давлатларнинг тараққиётида муҳим қиймат касб этган аждодларимиз Ал Хоразмий, Ал Беруний, Аҳмад ал Фарғоний, Бурхониддин Марғиноний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа ўнлаб олимларимиз қаторига математик ва астроном олим Али Қушчини ҳам қўшмоғимиз даркор.

Ўзбекистоннинг бугунги салоҳияти, дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, мустақиллик берган имконияти, қолаверса, олиму фузалоларимизнинг, шоиру ёзувчиларимизнинг саъй-ҳаракатлари бирлаштирилиб, Али Қушчининг бутун фаолияти ўрганилса, илмий мероси бир жойга тўпланиб, ўзбек тилида нашр қилинса, шунингдек, у ҳақда китоблар ёзилса, фильмлар олинса, санъат асарлари дунёга келса, ватанимиз пойтахти Тошкентда ҳамда туғилган шаҳри Самарқандда ҳайкаллар ўрнатилса, музейлар ташкил қилинса, унинг номи билан сайёралар, хиёбонлар, кўчалар аталса, нур устига нур бўлур эди.

Олламурод ИСАҚУЛОВ



*Фафур Фулом (дадам) – бутун умри давомида улуғ Алишер Навоий даҳосини ёд этди. Навоийнинг асарлари жамланган девонларини қўлига олганда, аввал ўпиб, пешонасига теккизиб, сўнг очиб ўқир эди. Чунки Алишер Навоий даҳосини ва асарларининг ҳар бир сатрини улуғдан улуғ деб билар эди. Қуйида эътиборингизга ҳавола қилинаётган хотираларда ана шу муҳаббатнинг қанчалар кучлилигига ўзингиз гувоҳ бўласиз.*

## *Буюк шоир даҳосига муҳаббат*

Фафур Фулом ёшлигидан отаси ширинликлар учун берган пулларини йиғиб, китоб олиб, кечалари шам нурида мутолаа қилганини ва ўқиб бўлгач, унинг ўрнига яна бошқа янги китоб олганини кўп хотираларида ёзади.

«Шум бола» асари қўлёмасида бир ҳикоя бор. Бу китобга кирмай қолган: Қоровой кўп саргузаштлардан сўнг уйига қайтаётганида, саҳҳоблик дўкони ёнида турган ўзидан беш-олти ёш катта илми толибларга дуч келади. Китоб сотиб олиш учун келган бу илми толибларнинг билимини синаш учун дўкон эгаси «Икки ёқдан ўқилса ҳам бир маънони англатадиган сўзни айтсаларинг, китобни сизларга сотаман, бўлмаса, бу китобга ақлларинг етмайди» деб шарт қўяди. Йигитлар ўйлангунча, Қоровой бу «Нодон» сўзи эканини айтиб, маъноси сиз-у биз, дейди. Қоровой шу вақтда 9-10 яшар бола бўлади. Саҳҳоб:

– Тўғри, етти танга бир мири бер, ўғлим, пешонангда юлдуз кўраяпман шу китоб сеники, дебди.

Бу китоб Алишер Навоийнинг «Хамса»си экан.


Саҳҳоб башорат этган пешонасидаги юлдузи бор бола, яъни Фафур Фуломнинг Алишер Навоийга хурмати, эътиқоди ҳам бутун умрлик бўлган. 9-10 яшар бола «Хамса»ни ўқиши ва тушуниб етиши учун ҳеч бўлмаса, шеър ўқиган, ўзи шеър машқ қилиб кўрган бўлиши керак эди. Фафур Фуломнинг отаси шеър ёзиб, баёз тўплаган-у, нашр қилишга умри етмаган, онаси ҳам шеърятдан хабари бор бўлган. Уйларига ўша замоннинг таниқли шоирлари, хаттотлари, матбаачилари келиб-кетиб турганини мақолаларида ёзган.

Фафур Фуломнинг Алишер Навоий ижодига бўлган муҳаббати отасининг шеърлари, онасининг аллалари оҳанги билан қалбига кирган. У умр бўйи Навоий даҳосига мурожаат қилган, неча минг сатр байтлари, ғазаллари, дostonларини ёд олган. У шундай хотирлайди: «Кечқурунлари ҳамма уйга қайтганида, оиламиз жам бўлиб овқатланиб бўлганимиздан кейин дадам кайфиятларига қараб Алишер Навоий, Фузулий, Бедил, Жомий шеърларидан ёддан айтиб, маъносига тушунтириб берардилар. Бундай дамларни ҳаммамиз жуда ёқтирар эдик».

Фафур Фулом ўтган асрнинг 20-30 йиллари «Камбағал деҳқон», «Қизил Ўзбекистон» газеталари ва «Муштум» журналида ишлаб юрганларида очерк фельетонлар ёзиш учун Фарғона водийси – Қўқон, Андижон, Наманганга кўп борган ва бу ерлардаги ёзувчи, шоирлар билан дўстлашиб кетган эканлар.

1938 йилнинг сентябр ойида Ўзбекистон ҳукумати томонидан «Улуғ Алишер Навоий туғилганига 500 йил тўлган кунни нишонловчи юбилей комитети тузиш ҳақида» қарор қабул қилинди. А.Абдурахмонов юбилей комиссиясининг раиси, Н.Бобожонов ва С.Хусаиновлар ўринбосар қилиб тайинланди.

Қўмита аъзолари орасида академиклар, про-



фессорлар, таржимонлар, артистлар, композиторлар, рассомлар ва ёзувчилар, жумладан, К.Лохутий, С.Айний, Ф.Фулом, А.Қаҳҳор, Ҳ.Олимжон, К.Яшин, В.Зоҳидов ва бошқалар (жами 38) киши бор эди.

Ва дарҳол Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини ўтказишни ташкил қилиш ишлари бошланиб кетган эди.

Ғафур Фулом Фарғона водийсидаги адабий ташкилотлар, тўғараклар, гурунг аъзоларини яхши билгани учун унга қўмита томонидан

Алишер Навоий ижодини чуқур мушоҳада қиладиган илм соҳибларини Тошкентга йиғиб келиш вазифаси юклатилади.

Ғафур Фулом Андижондан Маҳжурий, Ҳабибий, Анисий, Улфат, Фарғонадан Боқий, Кўқондан Чархий, Намангандан Чустийларни қўмитанинг ишчи гуруҳига аъзоликка тавсия этади.

Текстология қўмитасига масъул қилиб, Ғафур Фулом тайинланади. Ушбу қўмитада Ғафур Фулом раҳбарлигида Маҳжурий, Улфат домла ва бошқа аъзолар Навоий асарларининг кўплаб қўлёзма, тошбосма нусхаларидан энг тўлигини, бехатоларини танлаб, бир-бирига солиштириб, даҳонинг 10 жилдлик асарларини нашр қилиш устида жадал иш олиб борадилар. Шу билан бирга Ғафур Фулом, Боқий, Маҳжурий домлалар Алишер Навоий асарларининг луғатини тузадилар.

Собир Абдулла, Уйғун «Чор девон»ни энг ноёб қўлёзма нусхасидан нашрга тайёрлайдилар. Ғафур Фулом шу вақтда Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони насрий баёнини ишлаб, шу йилиёқ тугатган эди.

#### Бу ҳақда Ғафур Фулом шундай ёзади:

«Мен босмага тайёрлаб бўлгандан сўнг Навоий юбилейи комитетининг текстология комиссияси бу асарни Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонасида сақланган қадим нусхалари билан солиштириб, текшириб чиқди. Мен асосланиб тайёрлаган нусхалардаги камчиликларни топиб, уни тўлатди.

Достоннинг тили кенг оммага тушунарли бўлиши учун уни бу кунги адабий тилда наср билан ҳам ёзиб чиқдим. Ҳар бир байтнинг ҳозирги адабий тилдаги ифодаси ҳам берилди. 1940 йил».

1956 йили «Фарҳод ва Ширин» Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан босиб чиқарилган.

Улфат домла шундай деб эслайдилар. «Ғафур ака бадиҳагўй шоир бўлиши билан бирга ниҳоятда тез қалам эдилар. «Фарҳод ва Ширин» достонини ишлашда ҳар куни беш юз мисра шеърни ишлаб, ёзиб улгурганини бизга айтган».

Ғафур Фулом «Фарҳод ва Ширин» достонининг насрий баёнини қиладиганида кўплаб луғатлар ёд бўлиб кетган бўлса-да, «ғлуб, изора» сўзларининг маъносини ҳеч қайси луғатдан топа олмайди ва текстологлар Олим Шарафутдинов билан Боқий домлага излаб топишни топшириқ қилади. Улар ҳам



топа олмайдилар. Шундай кунларда Садриддин Айний Самарқанддан қўмита ишлари қандай кетаётганидан хабар олгани келиб қоладилар. Олим Шарафутдинов домладан бояги сўзларнинг маъносини сўрайди.

Айний домла:

– Бу қадимий сўзлар, «ғлуб» деб, қувурни (сўв ўтадиган) айтилади. «Изора» эса қурувчилар ишла-тадиган деворга тортиладиган чизикдир. Изора сўзида «и» ҳарфини чўзиб айтилади, – деб тушунтириб берадилар.

Айний домланинг жуда кўп қадим луғатларни ўқиган сўз устаси, илм соҳиби эканликларини «Қуллар», «Дохунда», «Судхўрнинг ўлими» асарларини ўқиганимизда амин бўламиз.

Ғафур Фулом табиатан қувноқ, дўстлари билан ҳазил-хузул қилиб, ҳаммани кулдириб, кўнглини олишни ёқтирарди. Алишер Навоий юбилейига тайёргарлик, китобларини нашр қилиш, луғатлар тузиш, асарлари насрий баёнини қилиш ишлари қизғин, жадал кетаётганида ҳам ёзувчилар ишдан сўнг дам олиш вақтларида ана шундай хушчақчақ гурунглари қилиб туришар эди. Ғафур Фулом бирга ишлаётганлар, айниқса, ўзининг тавсияси билан қўмитада ишлаш учун Тошкентга кўчиб келган дўстларидан доимо хабардор бўлар, уларнинг пойтахтдаги ҳаётига ўзини масъул деб биларди.

Улфат домла бу ҳақда:

– Ғафур ака дўстларига жуда ғамхўр киши эди. Масалан, шоир Ҳабибий Тошкентда туриб қолганда аҳволидан доимо хабар олиб турган. Абдулаҳад Анисий Тошкентга кўчиб борганда, Қорасаройдаги ҳовлисидан жой берди. Хўжандлик шоир Муинзода Мунирийга меҳрибонлик қилар эди. Андижонлик шоир Абдуваҳоб Сайфийни Тошкентга келиб, Самарқанд дарвозадаги ёзувчилар боғига жойлашишига сабабчи бўлган ва умрининг охиригача шоирнинг ҳолидан хабар олиб турган. Ҳатто вафот этганида жаноза маросимини ўзи ўтказди...

Ғафур ака олий ҳиммат, меҳмоннавоз киши эдилар. 1938 йил декабр ўрталарида «Фарҳод ва Ширин» достонини нашрга тайёрлаганликлари учун каттагина ҳақ оладилар. Чиқиб кетаётиб, «Шунинг ярмини 31-куни сарфлаймиз», дедилар.

Дарҳақиқат, янги 1939 йилни у кишининг Қорасаройдаги ҳовлиларида жуда кўпчилик бўлиб кутдик, – деб эслаган.

Афсуски, 1941 йилда уруш бошланиб, Алишер Навоий юбилейи кўмитаси иши тўхтатилиб, юбилей ўтказиш кейинга қолдирилди.

Кўмита тарқатилгандан кейин Алишер Навоий юбилей ишчи гуруҳига чақирилганлар уйларига қайтишди. Ҳабибий домла, Сайфий домла, Муинзода Тошкентда қолишади.

Ва улар уруш кетаётган даврда ҳам Алишер Навоий асарлари устида қилаётган ишларини тўхтатишмаган, ўз уйларида давом эттиришган.

1945–46 йиллар уруш тугаган эди. Мен кичик бўлсам ҳам, баъзан дадамнинг дўстлари келганда акаларим ўқишда бўлганлари учун аямга ёрдамлашиб, меҳмонларга у-бу нарса олиб чиққанимда уларнинг суҳбатларига қизиқиб, эшик тирқишидан қараб, эшитиб ўтирар эдим. Кўп гапларга фаҳмим етмаса ҳам, уларнинг хатти-ҳаракатларига қараб, пастдан аям чақирганларини ҳам эшитмай, маҳлиё бўлиб ўтирар эдим. Шунда дадам (у киши форсча, тожикча шеърларни ҳам ўз тилларидек чиройли ўқирди), бошқа тилда бир шеър ўқидилар-да, кўзларидаги ёшни артиб туриб, «насиб бўлармикин?» – дедилар. Шеър эшитиб ўтирганлар Собир Абдулла, Ҳабибий домла, Аҳмаджон заргар, Зухур Полвон, Етим амаки, Юнус Ражабий бирданига «шояд» дейишди. Мен дадамнинг нега йиғлаганини ва суҳбатдошлари нега «шояд» деганларини тушунмадим. Ўша тобда дадамнинг шеър ўқиган мунгли овозларидан йиғлагим келиб, бўғилиб кетгандек пастга қараб югурдим. Аямга эшитганларимни энтикиб-энтикиб айтиб берсам, у киши:

– Нега катталарни гапига қулоқ соласан? Терлаб кетибсан-ку, юрагининг уришини қара? – дедилар.

Мен бу тергашларга парво қилмасдан сўрадим:

– Дадамнинг кўзлари ёшли сўрадилар, амакилар «шояд» дедилар. У нима дегани?

– Яхши гап, балки насиб бўлар, деб умид боғлаш!

Аям менга шу тарзда тушунтирдилар. Бу сўз болалиқда ёдлаганим шеърлар каби бир умрга



ёдимда қолди.

Ғафур Ғулом Алишер Навоий даҳосига кўп мурожаат қилардилар. Унинг 10 томлик асарлари текстологик тўғри нашр қилинишига Боқий, Маҳжурий ва бошқалар билан катта ҳисса қўшганлар.

1948 йилнинг май ойида Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи катта тантана билан ўтади. Унда Ғафур Ғулом «Навоий ва замонамиз» мавзусида катта маъруза қилади. Бундан ташқари Навоий юбилейига бағишланган «Алишер» номли шеърини ҳам ёзади.

1964 йили Афғонистон ҳукумати Ғафур Ғуломни буюк форс шоири Абдурахмон Жомийнинг 550 йиллик юбилейи муносибати билан ўтказилаётган илмий анжуманга таклиф қилади. Улуғ шоир бу анжуманда «Шарқнинг буюк шоири ва мутафаккири Абдурахмон ибн Аҳмад Жомий» мавзусида маъруза қилади. Ушбу маърузада Жомий ва Алишер Навоий дўстлиги, дунёқарашлари ҳақида уларнинг асарларини бир-бирига илмий таққослаб, таҳлил қилиб берган эди.

Ушбу сафар Ғафур Ғуломнинг буюк Алишер Навоийга бўлган муҳаббатининг янада кучайишига сабаб бўлади. Ҳазратнинг Ҳирот шаҳридаги қабрини зиёрат қилади. «Моҳигул», «Алишер Навоий қабри устида» шеърлари ана шу зиёратлар таъсирида ёзилган. Афғонистон сафари Ғафур Ғуломга Навоий даҳоси билан руҳий яқинлашиш имконини берган бўлса-да, қалбини ўчмас ўкинч билан тўлдиради. Чунки шундай буюк инсоннинг қабри қаровсиз эди. Нафақат унинг, Мусалло майдонида мангу ором топган темурийлар авлодларининг мақбаралари ҳам замбараклар зарбидан емирилиб кетаёзган эди. Фақатгина Гавҳаршодбегим ва Бойсункур Мирзо мақбараларигина омон қолган. Шоир Афғонистондаги жангу жадаллар туфайли афғон халқининг ҳаёти нотинч эканидан надоматга тўлади.

Алишер Навоий қабри устига борганларида эса ўша «Зилзила» тўпидан омон қолган қисмини 1947 йилда ҳиротлик савдогар Ғулом Ҳайдар Мухторзода деган киши ғишт ва ганчдан эскиси ўрнига кўтариб, тиклаб қўйганини ва ўша мақбарани зиёрат қилганларини кўнгиллари хижилдек ўйга толиб айтган эдилар.

Алишер Навоийнинг қабрини ўзбеклар таъмирлаши мумкин эмасмикин, дея қилган мурожаатлари ўша вақтда жавобсиз қолган эди. Ғафур Ғулом Афғонистон сафарида қалбига кирган ўкинчларини ўзлари билан олиб кетдилар.

Кейинроқ эса Ғафур Ғулом асарлари қаторига ўша сафар таассуротлари натижасида ёзилган «Хоки Мусалло», «Тахти сафар» йўл очерклари ва «Тун била тонг» шеъри ўрин олди ва бу матбуотда эълон қилинди.

Ғафур Ғулом то умрининг сўнгигача ҳамиша Алишер Навоий асарларини қайта-қайта ўқиб, ундан ўрганишга, уққанларини эса янги асар сифатида халққа етказишга, буюк сиймога ўз эҳтиромини ижоди орқали изҳор қилишга ошиқиб яшаган.

(Давоми. Боши 8-9 бетларда)

Рисола тугаллангач, Навоий уни кўриб, беҳад хурсанд бўлади ва устозининг бу улкан ишидан кувониб, «бу фанда андоқ мунаққаҳ ва муфид рисола йўқтур» дейди. Навоийга Жомий рисоласининг қайси томони маъқул тушган? Таъкидлаганимиздек, унга ўша давр мусиқа назариётчиларининг соф мусиқа назарияси, атамалари билан тўлиб тошган, мусиқанинг амалиётига кам эътибор берилганлиги маъқул бўлмаган. Жомийнинг давр адиблари асарларини таҳлил қилгани, бадий асар моҳиятини аниқ идрок этгани, мусиқа, унинг назарияси ва амалиётини шундай соддалик билан изоҳлагани, оддий эшитувчи ҳам уни дарров идрок эта олиши каби хусусиятлари кўпроқ маъқул бўлган. Ушбу асарда етук ғазаллар, бошқа бадий асарларнинг мусиқага мос оҳангдорлигини мужассам қилгани адабиёт билан мусиқа ҳамбасталигини ёритишдаги юсак маҳоратни улуг Навоий эътироф этган ва муносиб баҳо берган.

Навоий ўз даврининг мусиқа аҳлига жуда катта ҳурмат билан қараб, асарларида улар ҳақида ҳикоя қилиб, самимий муносабатини билдиради. Булар Паҳлавон Муҳаммад, Хожа Абдулвафо Хоразмий, Соҳиб Балхий, Қулмуҳаммад Удий ва бошқалардир.

Навоийнинг мусиқага бўлган қарашлари, шубҳасиз, унинг адабий ижодига ҳам таъсир этмасдан қолмади. Навоий ҳам мусиқага оид қарашларида шу мавзуга мурожаат қилган. «Сабъаи сайёр» достонидан у Дилоромнинг Хоразмшоҳ саройидан қочиб қутулиши сабабини мусиқанинг сеҳрли оҳангидан излайди. Унинг моҳирона чалган мусиқа асбоби – чангдан бутун сарой аҳли хушдан кетади. Натижада Дилором ҳеч қандай қаршиликсиз саройдан чиқиб кетади:

*Чангни қўлга олиб айлади соз,  
Чанг била нағма айлади оғоз.  
Нағма ул навъ ошкор этти,  
Ким эшитгач, шоҳ ўзидан кетти.*

Бу мисраларда Навоий бадий асардаги муболага санъатидан фойдаланган. Лекин бунда масала ишлатилган бадий санъатда эмас, шоир томонидан мусиқанинг қудратини бўрттириб кўрсатиши, қахрамон санъатини тасвирлай олишидадир.

Алишер Навоий юқорида номлари зикр этилган мусиқашунос, созандалардан ташқари асарларида жуда кўп мусиқа аҳлига баҳо беради, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳолати, жамиятдаги ўрни, ижодидаги мусиқа ва адабиётнинг муштараклигига эътибор қаратади. Ана шулардан бири баркамол олим, мусиқашунос, бастакор, замонасининг етук кишиси Паҳлавон Муҳаммаддир.

Паҳлавон Муҳаммад ўрта ҳол табақанинг вакили, қолаверса, комил инсонга хос бўлган қатор фазилатлар унда мужассам эди. Шу хислати билан у Алишер Навоий назарига тушиб, ардоқланган. Ҳатто буюк ижодкор унга атаб алоҳида асар битиб («Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад») шухратига шухрат қўшган. Бу ҳодиса, бир томондан, Навоийнинг камтарлигига камтарлик қўшган бўлса, иккинчидан, Навоийнинг давр мусиқасига бўлган эҳтироми ва эътиборини кўрсатадики, бу ниҳоятда муҳимдир. Бошқа жиҳатдан олиб қараганда эса кишининг наслу насабидан қатъи назар эл ардоқлаган, ҳурматига сазовор бўлган кишига оид рисола битганлиги Навоий шахсиятини бизнинг кўз ўнгимизда янада

улуғлайди. Паҳлавон Муҳаммад қомусий билимга эга бўлганлиги, камтарона хулқи билан ўз давр кишиларига ибрат эди ва шунинг учун ҳам Навоий у ҳақда ижобий фикрга келган.


Алишер Навоийнинг ёзишича, Паҳлавон Муҳаммаднинг мусиқий қобилияти кучли бўлган. Хушовоз хонанда сифатида ўз ғазалларига ўзи куй басталаб, куйлаган. Мумтоз мусиқачиликнинг нақш, суфия, амал, жир, чорзарб йўналишидаги мақомларни замонасининг хушхонларидан ҳам яхши куйлаган. Мусиқага оид рисола битган. Навоий Паҳлавон Муҳаммаднинг «чоргоҳ» амалида қўшиқ куйлашини мақтаб «Хуросон мулкида, балки Самарқанд ва Ироқда ҳамул ишни билмас гўянда йўқтур», дейди ва унинг номи халқ ёдидан чиқмаслигини таъкидлайди. «Мажолис ун-нафоис» асарида Паҳлавонга янада юсак баҳо бериб, «мусиқий ва адвор илмида даврнинг беназирдур» дейди.

Дарвеш Али «Рисолаи мусиқий» асарида Паҳлавоннинг мусиқий қобилияти ҳақида характерли бир ҳикоя келтиради: «*Ўша даврдаги базмларнинг бирида Паҳлавон Муҳаммад ҳам иштирок этади ва йиғилганларнинг ҳамма саволларига жавоб беради, сўнгра хотирига келган янги куйни чалиб беради. Куйнинг жозибадорлиги, барча юсак талабларга аъло даражада жавоб бера олиши давра аҳлини, айниқса, мусиқашуносларни ҳайратга солади. Ўша даврнинг машҳур мусиқашуноси Дарвеш Шодий чалинган куйдан шодланиб, Паҳлавонга қараб «Агар ҳазратим рухсат этсалар, басталанган куйларини мен ижро этсам ва номингиз орқали мен ҳам шухрат топсам», дейди.*

Алишер Навоий меҳнаткаш халқ орасидан чиққан мусиқашунос Соҳиб Балхий ҳақида маълумот бериб, унинг дунёвий илмлардан хабардор эканлиги, шоирлик таъби борлиги, ҳатто машҳур шоир Салмон Соважийнинг қасидасига дурустгина жавоб ёзганлигини алоҳида таъкидлайди. Шу билан бирга, унинг адвор (мусиқа назарияси)га доир асар яратгани ва мусиқа билимдони эканлигига алоҳида эътибор беради ва замонасининг бу соҳада билимдонларидан бири эканлигини таъкидлайди. У ўзи ғазал ёзиб, куй басталаган. Ўша даврнинг машҳур мусиқашуноси ва бастакори Жўги Мирзо мажлисида ўзининг «Чаҳоргоҳ»ини шунчалар усталик билан ижро қилганки, ҳеч ким унчалик санъат кўрсата олмаган.

Алишер Навоий ўзининг асарларида ўша даврда яшаб мусиқа ва мусиқашуносликка катта ҳисса қўшган санъат вакилларининг номларини тарих саҳифасида абадий қолдириб кетди. Булар – даврнинг йирик мусиқашуноси Қулмуҳаммад Удий, «Аслул-васл» мусиқий рисоласининг муаллифи Алишоҳ, Навоийнинг тоғаси, адиб, мусиқа билимдони Ғарибий таҳаллуси билан шеърлар битган Муҳаммад Али, адабий йиғинлар, базмларнинг «гули сари сабатлари» – ҳофизлар Басир, Мирвафо, Ҳасанали, Маҳмуд Айший, Ҳасан Нойи, Аҳмад Гижжакий, Али Танбурий, Хожа Қаҳати Нойи ва бошқалардир. Навоийнинг мусиқага ихлосмандлиги боис уларнинг номи мусиқа тарихида абадий сақланиб қолди, шунинг баробарида улуг Навоийнинг мусиқашуносликка берган эътибори ўша давр мусиқашунослигининг янги бир босқичга кўтарилиши, адабиёт каби ривожланишига омил бўлгани ҳам тарихий ҳақиқатдир.

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,**  
филология фанлари доктори,  
профессор



Анвар ОБИДЖОН,  
Ўзбекистон халқ шоири

# Асарнинг ҳар лаҳзаси гўзал...

Тун пардаси очилар аста,  
Чиқиб келар саҳнага қуёш.  
Келинчакдек бўлиб ораста,  
Гул саломдан кўтаради бош.

Ҳовли гўё ювилган чинни,  
Йўллар гўё артилган ойнак.  
Қутлаш учун янги бу кунни,  
Эл оёққа турар жонсарақ. . .  
    Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал,  
    Умрнинг ҳар дами ғанимат.

Қаймоқ иси яйратар танни,  
Дастурхонда иссиқ кулчалар.  
Сув босгандек қақроқ ўзанни  
Одамларга тўлар кўчалар.

Асли ҳатто гўдак эмизмоқ  
Баробардир оғир юмушга.  
Ошиқарлар, юраклар қайноқ,  
Биров ишга, биров ўқишга. . .  
    Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал,  
    Умрнинг ҳар дами ғанимат.

Дуч келади юзлаб чехралар,  
Кўпин қайтиб кўрмоқлик маҳол.  
Улар дилга яқин нақадар,  
Шунинг ўзи туганмас иқбол.

Барчинойлар нигоҳида сир,  
Алпомишлар кўзида яшин.  
Ёшлик қайтар қалбга сочиб нур,  
Эслисан илк севги оташин. . .  
    Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал,  
    Умрнинг ҳар дами ғанимат.

Бир маҳаллар беришган салом,  
Энди эса олишар алик.  
Тилларида дуо, хушқалом,  
Саодатдир ҳатто кексалик.

Қулиб турган мунчоққўз бола  
«Тинчлик» сўзин солар ёдинга.  
Сочларингдан эриб оқ тола  
Интиласан яна олдинга. . .  
    Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал,  
    Умрнинг ҳар дами ғанимат.

Бу юртда алпчинорлар ўсар,  
Кўк гумбазлар ўнгу сўлингда.  
Бир азага кириб ўтсанг гар,  
Сўнг ўнта тўй учрар йўлингда.

Гоҳ бировлар танишар илк бор,  
Гоҳ йиғилар эски улфатлар.  
Одамзотга дунё бўлмас тор  
То мавжуддир ширин суҳбатлар. . .  
    Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал,  
    Умрнинг ҳар дами ғанимат.

Бош кўтармас кимдир ишидан,  
Кимдир ўйлар улуғ бир режа.  
Яна сирли ором қушидай  
Қўна бошлар юртимга кеча.

Бугунидан эл қўнгли тўлиб,  
Эртанги кун учун тўплар дош.  
Анвар шоир чарчоғи бўлиб  
Тоғ ортига ёнбошлар қуёш. . .  
    Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал,  
    Умрнинг ҳар дами ғанимат. . .

\* \* \*

Она ҳақда шеърлар битсак-да минг-минг,  
Таъриф қиёмига етмоғи гумон.  
Биргина безовта тикилишининг  
Мағзини чақолсак, бўлур юз достон.

Куйласанг овозинг довулга қўшиб,  
Кўкка етса она мадҳининг мавжи;  
Сезасан – чаладир ҳамон бу кўшиқ,  
Ҳеч банда қодирмас айтмоққа авжин.

\* \* \*

Ширин сўйлаб, тилингдан бол –  
Хайр қилсанг, савоб бўлгай.  
Фидойингга пича иқбол –  
Хайр қилсанг, савоб бўлгай.

Жамолингдан тиниқ биллур,  
Вужудингдан илоҳий нур,  
Табассум-ла тишингдан дур –  
Хайр қилсанг, савоб бўлгай.

Қучоғингдан илиқ кулба,  
Дудоғингдан шакар-ҳолва,  
Ёноғингдан қизил олма –  
Хайр қилсанг, савоб бўлгай.

Кўзингдан тонг, қошингдан шом,  
Сочингдан бир заволсиз дом,  
Висолингдан ёниқ илҳом –  
Хайр қилсанг, савоб бўлгай.

\* \* \*

Дилбарим, чекканим жафолар ҳаққи  
Ибодат қилурман бир умр сенга.  
Ўкинчлар, тузалмас хатолар ҳаққи  
Ибодат қилурман бир умр сенга.

Менга ғам ва ситам берганинг учун,  
Кўзимга қатра нам берганинг учун,  
Порадил қалам ҳам берганинг учун  
Ибодат қилурман бир умр сенга.

Лабингдан сўнги ул инъом туфайли,  
Висолдан умидвор оқшом туфайли,  
Тақдирдан қасоскор илҳом туфайли  
Ибодат қилурман бир умр сенга.

Эрка дил ҳисларин титганинг боис,  
Ғафлатдан уйғотиб кетганинг боис,  
Саботли, курашчан этганинг боис  
Ибодат қилурман бир умр сенга.

## ФАРҒОНАДА БИТТАГИНА

Сен каби қомати расо Фарғонада биттагина,  
Мен каби қаддингга адо Фарғонада биттагина.

Сен каби дийдори табиб, нози шифо қайда яна,  
Мен каби дарди бедаво Фарғонада биттагина.

Сен каби мастона кўшиқ воҳадаю водийда йўқ,  
Мен каби қайғули наво Фарғонада биттагина.

Сен каби жон офатини юз йил бино этса эгам,  
Мен каби юз жони фидо Фарғонада биттагина.

Сен каби султони ҳусн Турон аро бир донадир,  
Мен каби ҳуснингга гадо Фарғонада биттагина.

## УЧЧАНОҚЛАР

\* \* \*

Мурғак қалбда, ошналар,  
Ватан ишқи бошланар  
Кулбаларнинг шифтидан.

\* \* \*

Чандиқлар кўп танимда:  
Елкамдаги – ғанимдан,  
Кўксимдаги – дўстники.

\* \* \*

Юрт ҳақида бу ўғлон,  
Гапирмасди ҳеч қачон...  
Юрти учун жон тикди!

\* \* \*

Очиларкан чечаклар,  
Туғиларкан гўдаклар,  
Абадийдир эзгулик.

\* \* \*

Битта хоин бор жойда  
Бефойдадир, бефойда,  
Қалъалар ва соқчилар.

\* \* \*

Мен ўзимга қозиман  
Ва ҳозирча розиман  
Юрагимнинг ҳукмидан.

\* \* \*

Нам қидирма кўзимдан,  
Ғам қидирма сўзимдан,  
Улар бари дафтарда.

Хар бир инсон ҳаётда юксак мақсадларни кўзлаб яшайди. Аммо бунга фақат истак билангина эришиб бўлмайди. Бу инсондан тинимсиз меҳнат ва ўзига бўлган юксак ишончни талаб этади. Ўзбекистонлик боксчи Ҳасанбой Дўстматов XXXI ёзги олимпиада ўйинларида бу ҳақиқатни яна бир марта исботлай олди.

Олимпиада ўйинлари давомида ҳар бир спортчимизнинг чиқишларини катта қизиқиш билан кузатдик. Баъзи ўринларда иккиландик, хавотирландик, нафасимизни ичимизга ютиб, телевизорга тикилдик. Ҳамюртларимиз ўз рақиби билан кучда тенгма-тенг келиб қолган вақтлар ҳам бўлдики, бунда бизни ғалаба кимга насиб этаркан, деган ўй қийнади. Аммо Ҳасанбой Дўстматов иштирокидаги жанглар бундан мустасно бўлди. Бу йигит олимпиада ўйинларидаги ҳамма жангда рақибидан ҳар томонлама устун эканини кўрсата олдики, натижада, унинг ғалабасига заррача шубҳа бўлмади.



# ASL O'ZBEK O'G'LONI

Ҳасанбой Дўстматов 1993 йил 24 июнда Андижон вилояти, Булоқбоши туманида туғилган. Беш ёшидан спортнинг каратэ тури билан шуғуллана бошлаган. Кейинчалик кикбоксинг тўғрагага борган. Вақт ўтиб кўплаб чемпионлар тарбияланган Андижон олимпиада захиралари коллежининг бокс бўлимига қабул қилинди. Унинг тиришқоқлиги, ўз устида тинмай ишлаши тез орада устозлари эътиборини тортди.

Ҳар қандай чемпионнинг вояга етишида оила алоҳида ўринга эга. Боксчининг отаси Маъруфжон Ҳайитбоев фарзандининг болалигини шундай эслайди:

– Эгизак фарзандларим дунёга келганида роса қувонгандим. Яратганининг иродаси, Ҳасанбой чақалоқлигидаёқ оламдан кўз юмди. Ҳасанбой эса болалик пайтидан спортга қизиқди. Каратэ ва кикбоксинг тўғрақларига унинг астойдил қизиқиши учун олиб борганмиз. Ўғлим ушбу спорт турларида ҳам муваффақиятларга эришган.

Бошида унинг қизиқишини болаларча

ҳавасга йўйдим. Бир вақт мураббийи уни Андижон олимпия захиралари коллежига олиб боришни маслаҳат бергач, ўғлимнинг қизиқишларига жиддийроқ эътибор бера бошладим. Ўғлим ўзига билдирилган ишончни оқлаб, юзимизни ёруғ қилганидан, эл ардоғидаги одамга айланганидан фахрланаман.

– Фарзандимни Олимпия захиралари коллежига олиб борганимизда дастлаб қабул қилишни исташмаган, – дейди чемпионнинг онаси Дилноза Ҳайитбоева. – Сабаби, унинг вазни белгиланганидан кам эди. Ҳасанбой руҳан эзилди. Шунда бувиси Ҳасанбойнинг барча медалларини коллежга олиб борди ва «Шунча ютуқларни қўлга киритган болани ҳам ўқишга олмайсизларми?» деди. Шундан кейин мураббий Зиятдин Тўйғонбоев ўғлимни рингга чиқарди ва бир бола билан бокс тушириб кўрди. Сўнгра ўзи кафил бўлган ҳолда Ҳасанбойни коллежга қабул қилишга раҳбариятни кўндирди. Онага фарзандининг жангини кўриш оғир. Бу жуда қийин жараён. Олимпиада ўйинлари финали куни уйимизга тумонат одам йиғилди. Ҳасанбой чемпион бўлгани эълон қилинган, чунонам хурсандчилик бўлдики, асти қўяверасиз. Ҳадик билан экранга тикилиб ўтирганларнинг ҳаммаси кулар, йиғлар, бир-бирини қутлар эди... Ўғлим бугунги ўзбек фарзандларининг нималарга қодирлигини исботлай олди. Мен бахтли онаман!

...2000 йили Сиднейда ўтказилган олимпиада ўйинларида боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев олтин медални қўлга киритганди. Шундан кейин бошқа боксчиларимизга шоҳсупанинг энг юқорисига чиқиш насиб этмади. Бокс мактаби жаҳонда энг кучлилардан деб тан олинадиган Ўзбекистондан яна чемпион чиқишини нафақат юртдошларимиз, балки дунё спорт аҳли кутаётганди. Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг ғалабасидан кейин 16 йил ўтиб юртдошларимиз яна олимпиадада боксдан олтин медал соҳиб бўлдилар. Бўлиб ҳам, спортнинг ушбу турида учта олтин медал қўлга киритилди ва бокс бўйича Ўзбекистон умумжамоа ҳисобида 1-ўринни қўлга киритди!

Шу пайтгача саккиз карра Ўзбекистон чемпиони, Осиё чемпиони, Универсиада ўйинлари ғолиби бўлган спортчи катта умидлар билар Рио олимпиадасига йўл олганди. 2016 йил, 14 август. Рио олимпиадасининг 49 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги финал жанги. Финалга қадар мексикалик Хоселито Веласкесни, қозоғистонлик Бржан Жакиповни,

америкалик Нико Мигель Эрнандесни енган Ҳасанбой охири жангда колумбиялик Юберхен Херней Мартинесни 3:0 ҳисобида мағлуб этиб, юртимизга олимпия ўйинларининг илк олтин медалини олиб келди. Байроғимиз кўтарилди. Бутун дунё мустақил Ўзбекистоннинг мадҳиясини тинглади. Ҳасанбой Дўстматов шоҳсупада турар экан, Ватани ва оила аъзоларининг ишончини оқлай олганидан хурсанд эди...



– 25 йил ўзгача сана, – дейди Ҳасанбой. – Шу сабабли олимпиадада кетар эканман, юртимизнинг қутлуғ тўйига муносиб совға тайёрлашни дилимга тукқандим. Шукр, ниятимга етдим. Ҳар бир жангга чиқарканман, менинг ортимда ота-онам, дўстларим ва халқимиз турганини ҳис қилиб турдим. Финал олдидан яқинларим билан интернет орқали гаплашдим. Ота-онам, бобом ва бувим мени узундан-узоқ дуо қилишди. Уларни хотиржам қилиш мақсадида «Хавотир олманглар, мен, албатта, ғалаба қозонаман!» дедим. Берган ваъдамни бажара олганимдан, юртимизга ёруғ юз билан қайтганимдан хурсандман.

Ҳасанбойнинг олимпиададаги муваффақиятлари бу билан яқунлангани йўқ. У олимпия ўйинларининг энг техникаси юқори боксчисига тақдим этиладиган Вэл Баркер кубоги соҳибига ҳам айланди.

Юртимизда катта тантаналар билан кутиб олинган спортчиларимиз қилган хизматлари давлатимиз томонидан юқори баҳоланди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг фармони билан Ҳасанбой Дўстматов «Ўзбекистон ифтихори» унвонига сазовор бўлди.

Спортчимиз декабрь ойи бошида саккизинчи бор ташкил этилган International Sports Award «Golden Mongoose» маросимига тақлиф этилди ҳамда «Олтин Мангуст» соврини билан мукофотланди.


Бу ҳаммаси эмас. 18 декабрь куни Швейцарияда Ҳасанбой Дўстматовга Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси (AIBA) нинг йилнинг энг яхши боксчисига аталган соврини топширилди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлигида 2016 йил яқунларига бағишланган тадбирда бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари ғолиби Ҳасанбой Дўстматов «Йилнинг энг яхши спортчиси» деб топилди. Унга вазирликнинг махсус дипломи ҳамда 10 минг АҚШ доллари миқдоридан пул мукофоти топширилди.

Ҳасанбойнинг ютуқларини санар эканмиз, буларнинг бари-га шунчаки эришилганини эслатиб ўтмоқчимиз. Спортдаги ютуқлар замирида устозлар ўғити ва тинимсиз машғулотлар туришини барчамиз яхши биламиз. Зеро, устоз кўрган деган гап беҳуда эмас.

– Ҳасанбой коллежимизга биринчи марта келганида кўзининг чақнаб туриши эътиборимни тортган, – дейди боксчимизнинг илк мураббийи Зиятдин Тўйғонбоев. – Илгари бокс билан шуғулланмаган бўлса ҳам, назорат жангида яхши ҳаракат қилганди. Шундан кейин уни коллежга қабул қилганмиз. Орадан олти ой ўтиб пойтахтда ўтказилган республика мусобақасига бориб, чемпион бўлиб қайтганда ҳамма ҳайратда қолганди. Бунақаси спортда камдан-кам учрайди. Ҳасанбойнинг ҳаракатларини кузатган одам, кичкина жуссасига шунча гайрат, шунча шижоатни қандай жойлаганига ҳайрон қолади. Мен ҳам 15 кун давомида Ҳасанбой билан Риода бўлдим. Қандай шуғулланяпти, қандай ҳаракат қилляпти, барчасини назорат қилиб турдим. Хавотир, ҳаяжон, иккиланишлар ортда қолиб, шукрки, юзимиз ёруғ бўлди. Ҳасанбой олимпиада чемпиони сифатида юртимизга қайтди.

Ҳаваскор боксда маълум ютуқларни қўлга киритган спортчилар кўпинча профессионал боксга ўтадилар. Ҳамюртимиз эса бу



борада шошмасликни маъқул кўряпти.

– Менга профессионал боксга ўтиш бўйича ҳеч қандай тақлиф бўлгани йўқ, – дейди у. – Бўлган тақдирда ҳам, уларга берадиган жавобим тайин. Мен 2020 йилда Токиода бўлиб ўтадиган навбатдаги олимпиадада ҳам иштирок этишни мақсад қилганман. Осиё қитъасида ўтказиладиган тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида олимпиада олтин медалини ҳимоя қиламан. Ҳозир олдидан турган энг катта мақсадим шу.

Бугунги Ўзбекистон фарзандлари катта режаларни ўз олдига қўйиб, шиддат билан ҳаракат қилишмоқда. Мақсадлари ҳам муштарак: Ватан номи ва шонини ҳимоя қилиш. Бир пайтлар Маъруфжон ака ўғлининг қизиқишларини болаларча ҳавас билиб, вақти беҳуда ўтмасин, деб тўғаракка олиб борганди. Қизиқишлар боланинг ўзи билан улғайиб, аниқ мақсадга, мақсадлар қатъийлашиб, чемпионликка олиб келди. Чемпион бугун халқимизнинг ифтихори.

Темур АЪЗАМ



Ш

еърият руҳ эркинлигидан туғилади. Хаёллари парвоз қилмаган, орзулар оғушида яшамаган инсондан адиб ҳам, шоир ҳам чиқиши даргумон. XX аср ўзбек шеъриятида ижодкор бадиий-эстетик идеали истиқлол орзуси билан уйғунлашиб кетгани сабаби шунда. Зеро, бу давр адабиётида Ватан ва миллат тақдири ҳар қачонгидан ҳам долзарб мавзу сифатида кун тартибига қўйилди. Она юртни истибдод исканжасидан озод кўриш орзусининг бадиий талқини шеъриятда етакчи мавқега кўтарилди. XX аср ўзбек адабиётининг йирик намояндalари Чўлпон ва Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ва Рауф Парфи ижоди бу жиҳатдан, айниқса, алоҳида ажралиб туради. Бу ижодкорларнинг бадиий-эстетик идеалида ушбу мавзунинг тутган ўрни нечоғлиқ эканини аниқлаш адабиётшунослик олдидаги муҳим вазифалардандир.

Янги ўзбек шеъриятида Абдулҳамид Чўлпоннинг мавқеи алоҳида. Улуғ маърифатпарвар миллий истиқлол ҳақидаги орзуларини рамз ва тимсоллар тилига кўчирди.

«Чин юрак ва ҳис шоири» (Зариф Башир) ўлароқ миллатнинг юрагини истибдод занглиридан тозаламоқ истади, унинг ҳис-туйғуларини истиқлол ёлқини билан ёритди.

«Булоқлар» тўплами чоп этилиши муносабати билан замондоши Вадуд Маҳмуд: «Чўлпон ўзбекнинг янги шоиридир. Шунинг учун ўзбек элининг бу кунги руҳи, ҳоли, сезгиси «Булоқлар»да қайнайдир. Ўзбек тили, ўзбек оҳанги «Булоқлар»да сайрайди, ўқуйдир. Ўзбекнинг руҳий тўлқинлари бунда кўпурадир, кўклар томон учади, кўтариладир», деганида юз карра ҳақ эди.

Истиқлол ҳақидаги орзуларини Чўлпон қандай рамз ва тимсоллар орқали ифода этди?

Бизнингча, улардан биринчиси – Хаёл. Шоир наздида хаёл – миллатнинг озодлиги, юксалиши рамзи. Зеро, вужудни занжирбанд этиш мумкин, лекин хаёлни эмас. Энг оғир мустамлака замонларида эркинлигини сақлаб қолиши мумкин бўлган ягона нарса бу – хаёл эди. Тўғри, хаёлга кишан солмоқ маҳол. Бироқ у кўкка учса, ҳавога соврилса-чи? Чўлпоннинг мана бу изтироби сабаби шунда:

*Кенг хаёллар учдими кўкка  
Бутун умидларим ёвларми кўмди.*

Хаёл қачон одамга қувват беради? Қачонки реал воқеликка айланса... Акс ҳолда у кўнгилга юпанч бермайди. Хаёл, орзу амалиётга айланмас экан, мақсадга эришмоқ душвор. Бинобарин, ўй-хаёлни ўзигина кўнгил истагини қондирмаслиги аён. Мана бу мисралар ана шундай кайфият самараси ўлароқ дунёга келган:

*Ўйланган ўйлар-ла кўнгил юпанмас,  
Кўнгилнинг истаги ўй билан қонмас,  
Айтсалар бу тунда ёруғ шам ёнмас,  
Чақмаса гугуртни асл ўғлонлар.*

Кишан – истибдод исканжасидаги юрт тимсоли. Чўлпон энг фаол қўллаган бу тимсол орзудан кўра кўпроқ армонни ифодалаган. Зеро, кишан ва озодлик биргалиқда мавжуд бўла олмайди. Улардан бирининг борлиги ўз-ўзидан иккинчисини инкор этади. Вужуд ҳам майли, кўнгил кишанланган бўлса-чи? Табиийки, фожиа бундан ҳам ортиқ бўлмас.

*Кўнгил! Сен мунчалар нега  
Кишанлар бирла дўстлашдинг?!  
На фарёдинг, на додинг бор,  
Кўнгил, сен мунча сустлашдинг?!*

Чин шоир кўнгил армонлар исканжасида қолиб кетиши мумкин эмас. Бу армон замиридан орзу ўсиб чиқиши аниқ. Зеро, орзудан мосуво инсоннинг қаноти қайрилиб қолади, келажакка бўлган умиди сўнади. Маърифатпарвар боболаримиз ана шундан сақлана билдилар. Кўнгилларга титроқ солувчи асарларида наинки ўз истақларини, миллатнинг орзуларини ифодалашга муваффақ бўлдилар. Юқоридаги шеърнинг «Кишанлар парчаланмасми? Қиличлар энди синмасми?!» каби мисраларида айти шу фазилатни кўриш мумкин. Бинобарин, Чўлпоннинг «Кишан кийма, бўйин эгма, Ки, сен ҳам ҳур туғилғонсен!» деган сўзлари фақат ўз кўнгилга эмас, истибдод исканжасидаги миллатга қарата айтилган ўтли хитоб эди.

Булут – шоир изтиробларини, армонларини ифодалаган яна бир рамз. Қуёш нуруни, ёруғликни тўсиши жиҳатидан бу рамз ҳам мустамлака юртнинг оғир аҳволини ифода этади:

*Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,  
Нима учун бошингда қуюқ булут, кўланка?*

«Мен шоирми» шеърида хаёл ва булут (кўланка) рамзлари уйғунлиқда тасвирлангани кузатилади. Хаёллари тизгинини қўйиб юборгани, улар минг қават кўкни бир бошдан сийпалаб ўтиб бораётгани ҳақида ёзар экан, шоир:

*Кўланка кабидир: ўтган еридан  
Сўнгра қарасангиз бир нишон қолмас –*

деган хулосага келади. Унинг изтироби шу қадар чўнгки, бошқа бир шеърида булут рамзи замирига «Менинг кўнгилми қора?! Ё юрт кўкида булут?» дея Ватан ва миллат дарди билан ҳамоҳанг дардли саволни жойлайди.

Чўлпон она юрт бошига тушган фожиани бутун даҳшати, бор моҳияти билан очиб беради. «Чўлпон – Чўлпондир» фикрасида Аҳмад Шукрий шоирни Шекспирга қиёслагани бежиз эмас. «Чўлпон оти қулоғимга кирдикча Шекспир руҳи кўринадир-да турадир, – деб ёзган эди муаллиф. – Шекспир лиризмси билан Чўлпон шеърияти орасинда нақадар айирма ахтарсам-да, они топа олмадим. «Уйғониш»ни неча топқирлар ўқиб чиқдим. Шекспирни мутолаа этдим. Энг сўнг Шекспир Чўлпондир ёхуд Чўлпон Шекспирдир фикрига келдим».

Аҳмад Шукрий, балки давр тақозоси биландир, бу икки ижодкорни қиёслаганда, фожиа ҳақида га-

# ISTIQLOLGA

## ewirilgan orzu

пирмайди. Бироқ унинг ёзганлари мағзидан ҳар икки фожианавис (Чўлпон лирикада, Шекспир драмада) асарлари моҳиятидаги уйғунликни назарда тутганини сезиш қийин эмас.

Юлдуз – Чўлпон орзуларини таъсирчан, бетакрор ифодалашда фаол қўлланган рамз. Зеро, шоирнинг адабий таҳаллуси ҳам ана шу рамзга мутаносиб. «Ёруғ юлдузга» шеърида шоир гўзал, нурли юлдузга хитоб қилиб, оталарнинг тарихдаги хатоларидан, шу хатодан фойдаланиб, ёлларнинг эл кўксида сурган ишрат-сафосидан сўзлашини сўрайди. Ўтмишдаги турмушнинг қонли, шонли жиҳатларидан, юрт учун жонлар бериб, қонлар тўккан эрлар кечмишидан ҳикоя қилишини ўтинади. Бироқ юлдуз жим. Нега? Кўзлари қизариниб ёшланади – нима учун? Юзлари сўлгин тус олади – не сабабдан? Шоир таъбири билан айтганда, чунки унинг сўзлайдиган яхши сўзи йўқ. Чунки «оғиз очса, йўқсил элни эзмакка, қон қилмоққа ҳасратлари кўп». Шеърдаги мана бу сўзлар шоир юрагидан армон бўлиб отилиб чиққан:

*Фалокатлар кўрган ота-боболар,  
Истиқлолнинг қимматини билмаган.  
Эл ва юртни сақлар учун сўнг хонлар  
Тузуккина чора-тадбир қилмаган.*

«Юпанмоқ истаги» шеърида Чўлпон: «Йўлни кўрсатувчи юлдуз-да қочса» дея элдан толе юз ўгирганини айтиб, куйилади. «Амалнинг ўлими» шеърида эса шоир эрклик юлдузи ҳақида ёзади. Уни «туткун эллар учун само кундузи» дея таърифлайди. Бу юлдузнинг изи кўнгилларда қолишидан дарак беради. Эрклик юлдузи, шоир наздида, истиқлол даракчиси, эркинлик элчиси сифатида намоён бўлади.

«Юрт йўли» шеърида муаллиф ўзини узоқ, оғир йўлга чиққан йўлчи ҳисоблаб, бу йўлларда қилоғузи – йўлбошчиси юлдуз эканини айтади. Мана бу мисраларда эса эртанги нурли истиқболга умид билан қарайди:

*Мен юртимнинг пок истакли кучимен,  
У юлдузнинг тугалиши кундуздир.*

Яъни шоир юрт бошига келган зулматли кунлар туғашини, тонг юлдузи кундузга уланишини орзу қилади.

Чўлпон шеърларида истиқлол орзуси ифодаланган рамзлардан яна бири – Тонг. Бир шеърини шоир «Тор-

тишув тонги» деб атайди. Шеър енгган кўшин бошлиғидек гердаиб ботган қуёшнинг булутлар остидан чиқмоқ учун тиришаётгани тасвири билан бошланади. Муаллиф истибдод зиндонидан кўпдан бери қуёш кўрмай захлаб қолган кўнгилларга истиқлол тонги муждасини беради:

*Қайғурингиз:  
кишанларни ясовчи «усталар»,  
Бошқаларни «тубанлар» деб атовчи хўжалар:  
Сизнинг учун ёз бошининг қоридек  
эрув кунлар келади.  
Сизнинг учун олбостининг зоридек  
йиғлар кунлар келади.*

Шеърда отажак тонг пафоси – кўтаринки руҳ етакчилик қилади. «Кишанларни ясовчи «усталар», Бошқаларни «тубанлар» деб атовчи хўжалар» – мустабид тузум яловбардорлари устидан ҳукм ўқилади. Шоир образли қилиб, улар учун ёз бошининг қоридек эрув кунлар келишидан, олбостининг зоридек йиғлар кунлар етишидан хабар беради. Бу амалда истиқлол ҳақидаги хабар эди.

Шоир мустақилликни образли тарзда «чиқадирган қуёш» деб атайди. Қуёшни этак билан тўсишга уриниш нодонликдан ўзга нарса эмас. Чўлпон наздида, бу Азроил келганда жон бермасликка тиришмоқ билан баробар:

*Чиқадирган қуёшни сиз беҳуда  
Этак билан тўсмоқ учун тиришманг.  
Аҳмоқ бўлиб Азроилнинг олдида  
Жон талашинг, то ўлгунча беришманг!*

Умунан, Чўлпон шеърлятида истиқлол ҳақидаги армонлару орзулар Хаёл, Кишан, Булут, Юлдуз, Тонг сингари рамзлар воситасида бетакрор бадиий талқин этилган. Бир шеърда шоир «чечаклар унгузи кўз ёшларимдан» деганидек, унинг шеърлари кўнгилларда озодлик чечаклари унишига замин бўлди. Бугунги озод ва обод кунлар учун Чўлпон ва чўлпонлар олдида қарздормиз.

(давоми келгуси сонда)

**Нурбой ЖАББОРОВ,**  
филология фанлари доктори, профессор

Ҳомиджон ҲОМИДИЙ



# Alplar alpi yoxud «AVESTO»da Afrosiyob

*Кўхна Туронзамин тарихи ҳамда маънавий-маърифий неъматлари сарчашмаларини кўздан кечирсангиз, бу сарзамин халқлари орасидан юзлаб халқ қаҳрамонлари етишиб чиқиб, эл фаровонлиги, юрт озодлиги-ю истиқлоли йўлида жонфидолик кўрсатганлигининг гувоҳи бўласиз. Ана шундай элпарвару юртпарвар аждодларимиздан бири алплар алпи Афросиёбдир. Туркий адабиётда Алп Эр Тўнга номи билан машҳур бу зот хусусида аждодларимиз томонидан ёзилган илмий, бадиий, тарихий асарларда жуда кўп маълумотлар учрайди. Бу борада бизга замондош олимларимиз асарларида ҳам турли, баъзида мунозарали фикрлар илгари сурилганини кўраёмиз. Бир қатор олимларимиз бу зотни тарихий шахс сифатида эътироф этсалар, айримлари уни тафаккурнинг мифологик ҳосиласи сифатида талқин этишади. Қуйидаги мақолада Алп Эр Тўнганинг зардуштийларнинг муқаддас китоби бўлмиш қадимий «Авесто» ёдгорлигидаги зикри ҳақида сўз юритилади.*

Эрамиздан олдинги VI аср бошларида юртимиз ҳудудида пайдо бўлиб, IV асрнинг охирида узил-кесил шаклланган, якка тангри эътиқодига асосланган зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да маънавиятимиз, қадимий тарихимиз, илм-фанимиз, оғзаки ижодимиз илдизлари хусусида далиллар жуда кўп. Дунёда барча тоғлар, дарёлар, сув манбалари, ҳамма жонли мавжудотларнинг аниқ таснифи: ер юзида учрайдиган касалликлар, уларни даф этиш йўллари, доривор ўсимликларнинг аниқ рўйхати берилган. Уларда дори тайёрлаш усуллари ҳамда бош мия яллиғланиши менингит; варам, саратон, суюк чириши – пусидаги гангрена-ларни даволаш йўллари аниқ айtilган. Мазкур маълумотлар барча фаннимиз тарихини, асл илдизларини «Авесто» таркибидан қиди-

ришимиз мумкинлигини кўрсатади. Бугина эмас, уч минг йил бурун яшаган Туроншоҳ Аржасп ва ўғиллари Шидасп, Ағрирес, Гершасп, Афросиёб сингари буюк аждодларимиз ҳақидаги ишончли маълумотларнинг ҳам биз илк мартаба «Авесто»да зикр этилганлигини кўраёмиз.

Афросиёб номи манбанинг бизгача сақланиб қолган қисмининг деярли барча фарғардларида турли шаклда, ҳар хил муносабатлар билан нақл этилади, тилга олинади. Маълумки, узоқ мозийда ҳозирги юртимиз ҳудудларида 6-8 ойгача қаҳратон киш бўлган. Аждодларимиз совуқ ойларда умргузаронлик қилиш учун варрлар – ер ости шаҳарлари яратишган. Бундай манзилгоҳларда наботот сақлаш, турли дарранда-ю паррандалар яшашига шароит муҳайё қилинган. «Авесто»даги оламнинг яратилиши дафтари мухтасар баёни бўлмиш «Бундахишн» ҳамда «Ордышп» ва «Гўшяшт»ларда ана шундай варрлардан бири улкан қалъа-сарой Афросиёб томонидан қурилган экан. Яштларнинг Абанди, Обоняштнинг 41-43 бандларида Афросиёбнинг ана шу ер ости қасри Хонкан (ковлаб қурилган бино) деб қайд этилган. «Бундахишн»даги, «Динкард»нинг 2 китоби, Нинуи Храд (77 боби)даги аниқ далилларга кўра, бу афсонавий қаср Чичест дарёси соҳилидаги Бағир тоғи остида пўлатдан қурилган экан. Айни манбада бу тоғ оқ тераклар макони Дорспед деб ҳам таъкидланган. Ройяштнинг 30-33-бандларида Кайхусрав Афросиёб (Аврисора)ни ана шу оқ тераклар чангал-зорида қатл этгани ҳам қайд этилган.

Қизиғи шундаки, «Авесто»нинг айрим ўринларидагина Афросиёб бадқаҳр подшо сифатида талқин қилинади, холос. Аксарият фарғардларида у Туронзаминнинг ҳеч ким енга олмайдиган, Рустами Достонга угина бас кела оладиган келбат-салобатли, мард, жасур ҳамда юрт дахлсизлиги учун қалқон, халқ хавфсизлигига балоғардон ягонаи жаҳон паҳлавон сифатида таърифланади. Унинг асл Авесточа исми Франгясан бўлиб, паҳлавийча Фаросиёқ, Фаросиён шаклида форс тилида Афросиёб, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожибларда, яъни туркий тилда Алп Эр Тўнга шаклида келади.

Жумладан, Замёдяштнинг 93-бандида Афросиёб Таҳмурасп, Ҳушанг, Жамшид Фаридунлар сингари

шуҳрат эгаси сифатида таърифланган. Франгясаннинг маъноси ҳам наъраси заминун замонга ларза келтирадиган, жуссаси ғайриоддий, душман қалбига ғулғула соладиган, демақдир. Ромяштнинг 31-33 бандларида у айнан шундай тасвирланган. Афросиёб ўз юртининг ўзгалар таъсирида бўлишини асло истамаган ватанпарвардир.

Бизнингча, Афросиёбнинг барча юришу жанглари Ватан эрки, озодлиги, уни сақлаш йўлида олиб борилган юртпарварлик курашлари бўлган. У аждодларининг бу жабҳадаги анъанасини давом эттиришни, яъни ўзга давлатлар таъсирида бўлишини асло истамаган. Ундаги шахсий ғурур, юртдан фахрланиш бунга йўл қўймаган. Шунинг учун ҳам Фирдавсий «Шоҳнома»сида тасвирланишича, Афросиёб лашкари ҳузурида сўзлаган бир нутқидан шундай дейди:

*Ҳама сар-басар тан ба куштан диҳам,  
Зи он беҳки кишваро ба душман диҳам.*

(Юртни душманга бергандан кўра, барчамиз бир тан, бир жон бўлиб ўлганимиз яхши). Бу жасур Туроншоҳ ажнабий муҳолифларига бир неча бор қақшатқич зарба бериб, уларни сулҳ тузишга мажбур этган. Айрим қаламий сарчашмаларда у «Руйн-натан» (зарба таъсир этмайдиган) деб ёзилган.

Буюк туроншоҳнинг тақдири, умрининг сўнги дамлари тадқиқотчилар томонидан турлича талқин этилади. Тарих фанлари доктори Қ.Ражабов «Афросиёб хорижий элчилар томонидан заҳарлаб ўлдирилади», дейди. Бошқа бир неча манбаларда эса у сотқинлик қурбони бўлгани таъкидланади. Демак, бу сингари буюклар ҳақида гапирганда энг қадимий манбаларга суюнмоғимиз лозим экан. Кейинги давр манбалари бўлмиш «Девону луғотит турк» ва «Қутадғу билиг»да у Алп Эр Тўнга – Алплар алпи деб номланган. Хулоса қилиб айтганда, Афросиёб умр бўйи юртини деб, халқини ўйлаб, ватан дахлсизлиги йўлида Искандар деворидай собит турган, барча замон кишиларига ибрат бўладиган даражадаги чинакам халқ қаҳрамонидир. Унинг ҳаёти ва фаолиятини қанча кўп ўрганиб, тарғиб этсак, шунча оз. Зеро, у истиқлол учун кураш бешигини тебратган Алп Баҳодирдир.



# *Тетиёр о'лсайди...*

**Ақл ёр ўлсайди, тарки ишқи ёр этмазмидим?  
Ихтиёр ўлсайди, роҳат ихтиёр этмазмидим?**

**Лаҳза-лаҳза суратин кўрсайдим, ул ширин лабин,  
Сан киби, эй Бесутун, ман ҳам қарор этмазмидим?**

**Неша маҳрам айладинг шамъи, мани маҳрум эдиб,  
Ман санин базминда жон нақдин нисор этмазмидим?**

**Дардими оламда пинҳон тутдиғим ночордур,  
Ўғрасайдим бир табиба ошкор этмазмидим?**

**Ёр ила агёри ҳамдам кўрмага ўлсайди сабр,  
Тарки ғурбат айлайиб, азми диёр этмазмидим?**

**Воизин куфрин баним расволиғимдан қил қиёс,  
Анда сидқ ўлсайди, ман тақво шиор этмазмидим?**

**Ул гули хандони кўрмак мумкин ўлсайди манга,  
Сантак, эй булбул, гулистона гузор этмазмидим?**

**Эй Фузулий, доғи ҳижрон ила ёнмиш кўнглими,  
Лолалар очсайди, сайри лолазор этмазмидим.**

Фузулий ғазалиётининг шоҳ асарларидан бири бўлган «Этмазмидим» радифли ғазал арзи ҳол ёки ошиқ ҳолининг баёнидир. Ғазалда шоир ишқ ақлга бўйсунмаслиги, агар қалб талаби билан эмас, ақл буйруғи билан иш тутилганда, мен ишқни тарк этмасмидим, дея бошланади. Чунки ишққа ёр бўлиш, қайсидир маънода ақлдан ёрсизланиш, узоқлашишдир. Шунинг учун ҳам ихтиёр менда бўлганида бундай мушкул ишқ дардидан кўра роҳатни ихтиёр этмасмидим, дейилади. Демак, ошиқлик роҳатсизликдир. Буни ўз зиммасига олганларгина ишққа ёрлик қила олади.

**Лаҳза-лаҳза суратин кўрсайдим, ул ширин лабин,  
Сан киби, эй Бесутун, ман ҳам қарор этмазмидим?**

Агар ул ширин лабнинг суратини ҳар лаҳзада кўриб турганимда

эди, эй Бесутун, мен ҳам иккиланмай, қатъий қарорга келган бўлар эдим. Шоирнинг Бесутун тоғига мурожаат қилаётганининг сабаби шундаки, унда Фарҳод ҳақида илк маълумотлар бор. Мен маъшуқамнинг суратини кўрганимда эди, мен ҳам сен каби тош битикдаги дoston каби қатъий қарорга келган бўлар эдим.

**Неша маҳрам айладинг шамъи,  
мани маҳрум эдиб,  
Ман санин базминда жон нақдин  
нисор этмазмидим?**

Нега мени висолингдан маҳрум этиб, ўзингга шамъни маҳрам, ёрдамчи этдинг. Чунки шамънинг ёниши доимий эмас-ку, у ўчиши мумкин. Мен эса сенин базмингни вақтинча ёритувчи шамъ бўлмай, нақд жонимни нисор – армуғон этмасмидим (мени бу бахтдан маҳрум этма). Шамъ тасаввуфда Ҳақ сирларининг нуридир, унинг ёрдамида ошиқнинг юрак қандили ёнади (Қамолиддин Кошоний. «Истилоҳот ус-суфиййа». Қоҳира, 1980). Ориф қалбида ёнган ирфон нури ўз жони – нақдини нисор этиши натижасида шамъни ўзига маҳрам қилиб илоҳий муҳаббат сари қовушишга ҳаракат қилади.

**Дардими оламда пинҳон тутдиғим  
ночордур,  
Ўғрасайдим бир табиба ошкор  
этмазмидим?**

Дарду ҳазратимни пинҳон, яширин тутишдан ночорман, агар бир табибга дуч келсайдим, унга дардимни ошкор этардим.

Бу байт орқали ошиқнинг тасаввуфий сайру сулуқдаги ҳол мақоми юзага чиқади. Озар фузулийшуноси Нажиб Жумшудўғли: «Шоир ўз дардини сўйламак учун уни анг-

лаган бир руҳини табибга рост келишидан чорасиз ўлароқ уни гизли (яширин) сақлайди. Бу маънода шоирнинг «кимсага изҳор эта билмам дардимни», «ғами пинҳоним изҳор эта билмасдим» каби айтимлари жуда самимийдир. Бу туйғулар орасида ошиқ ҳайрат ва важд ичра ўз ҳолини баён эта олмайди. Мавлоно Румийнинг «Маснавий»сида найнинг ноласи ишқ ҳадисидан баҳс этиб, бир мақомда ошиқ тилсиз (безабон) бўлиши»ни англатади («Фузулийнинг санъат ва маърифат дунёси». Боку-Техрон, 1997. Б.178).

**Ёр ила ағёри ҳамдам кўрмага ўлсайди сабр,  
Тарки ғурбат айлайиб, азми диёр  
этмазмидим?**

Мен ёр (дўст) билан ағёр (душман)нинг ёнма-ён бўлганини кўриб, сабр қила олмайман. Бундай ғурбатни (уни кўргунча) тарк этиб, бу диёрдан узоқроқ кетганим яхши эмасми? Бу диёр деганда ошиқлик диёри назарда тутилади. Чунки тасаввуфда ҳам солиқ (ошиқ) ишқ сулуки (йўли)га кирган пайтда иккиланишлар даврини бошдан кечиради. Ёрнинг тинимсиз жафоси, унинг ағёрга ҳамдам бўлиши ошиқ қалбида туғённи туғдиради. Шундай экан, бу байт мана шу иккиланишлар баёнидир.

**Воизин куфрин баним расволиғимдан  
қил қиёс,  
Анда сидқ ўлсайди, бан тақво шиор  
этмазмидим?**

Бундай куфрга кетганимни менинг расволиғимга қиёс қилгин, эй воиз, дея юқоридаги каби иккиланишни йўлдан четланишни куфр деб атайди. Агар унда сидқ – садоқат бўлсайди, мен унинг учун тақво қилиб, ҳамма нарсадан кечишликни ўзимга шиор этмасмидим. Ошиқнинг тақво қилолмаслигининг боиси ҳам илк байтда айтилгани каби ихтиёрсизликдир. Солиқ ишқ йўлига қадам қўйиши билан ундан ихтиёр кетади, у ички руҳий ришталар билан маъшуқага боғланиб қоладики, бу йўлдан уни тақво ҳам қайтара олмайди.

Айни байт, унинг асосида, ғазал мағзини чақиш учун биргина талқинларга эмас, балки бу ғазал заминидан ёзилган тахмисларга эътибор қаратишни тақозо қилади. Чунки мухаммас улуғ шоир байтига уч қатор кўшиб, мазмун, вазн ва қофияда унга яқинлашишгина эмас, балки уни тушунишга ёрдам берувчи уч кўмак сифатида ҳам қўл келиши мумкин. Улуғ шоир Эркин Воҳидовнинг ушбу ғазалга битган мухаммаси биз учун Фузулий руҳоний дунёсини тушунишда кўмак бўлиши мумкин:

**Ул руҳи байзолигин савдолиғимдан  
қил қиёс,  
Ул дили хоролигин шайдолиғимдан  
қил қиёс,**

**Зухд эли тақвин муға ошнолиғимдан  
қил қиёс,  
Воизин куфрин баним расволиғимдан  
қил қиёс,  
Анда сидқ ўлсайди бан тақво шиор  
этмазмидим.**

Кўринадики, ишқ йўлига кирган ошиқ руҳининг байзолиги унинг савдойи бўла бошлаганидан, дилининг хароблиги шайдолигидан, зухд (тарк этиш) тақвога яқинлигидандирки, менинг бундай куфр кетишимнинг сабаби ҳам расволиғимдандир. Шунинг учун ҳам мен энди тақво шиор қилиб, тақводорлик қила олмайман. Бунинг боиси

**Ул гули хандони кўрмак мумкин ўлсайди  
манга,  
Сантак, эй булбул, гулистона гузор  
этмазмидим?**


Яъни Гули хандони кўрмак ҳар ошиққа ҳам мурассар бўлавермайди. Васли номумкин ёр жамолини кўриш кимга насиб қилган экан? Агар хандон отаётган ул Гулни кўрмак менга мумкин бўлсайди, эй булбул, сен каби гулистонни доимий макон этмасмидим.

**Эй Фузулий, доғи ҳижрон ила ёнмиш  
кўнглими,  
Лолалар очсайди, сайри полазор  
этмазмидим.**

Эй Фузулий, кўнглим ҳижрон доғидан ёнмиш, агар лолалар кўнглимни очсайди, мен полазор сайрига чиқмасмидим. Бу ўринда ҳижрон доғи билан лоладаги доғ ўртасидаги уйғунлик, таносиб бор. Гарчи шундай умумийлик, ўхшашлик бўлса-да, мен полазор сайрини ихтиёр этолмасман. Боиси ишқ йўлига кирган ошиқ ундан-да четга чиқа олмайди. Шунинг учун ҳам мақтаъ (сўнги байт)дан сўнг унга мантиқий хулоса бўлувчи матлаъ (илк байт)ни улуғ ҳофизларимиз (жумладан, Фаттоҳхон Мамадалиев) ғазал сўнгида тақрор ўқийдилар:

**Ақл ёр ўлсайди, тарки ишқи ёр  
этмазмидим?  
Ихтиёр ўлсайди, роҳат ихтиёр  
этмазмидим?**

Ҳамид УБАЙДУЛЛОҲ



Мурод РАҲМОН

# *Bizni ham sevguchi bordir dunyoda...*

## **АЖАБ СИРЛАР**

Ажаб сирлар бормиш субҳи сабода,  
Умр акс этармиш оқар дарёда.  
Умид юлдузлари порлар самода,  
Мен бахтим топгайман қай дилрабода?  
Бизни ҳам севгучи бордир дунёда.

Ошиқлар орзуси ўхшаш бўлармиш,  
Тақдир бир-бирига туташ бўлармиш.  
Кўнгилларда ўчмас оташ бўлармиш,  
Аъло бўлар эмиш аҳду вафода,  
Бизни ҳам севгучи бордир дунёда.

Инсон иқбол учун, бахт учун яшар,  
Меҳрга интилсанг, севсанг ярашар.  
Бир кун ўтли, шайдо кўзлар учрашар,  
Муродим кўрарман ўшал барнода,  
Бизни ҳам севгучи бордир дунёда...

## **НИЛУФАР...**

Видолашмас экан кўнгиллар,  
Алвидо деб хато қилибман.  
Ўхшамади сенга ҳеч гуллар,  
Фақат сени сева билибман,  
О, Нилуфар, жон, Нилуфар, дил сени қўмсар.  
О, Нилуфар, жон, Нилуфар, ишқдан ол хабар...

Сен вафода танҳо экансан,  
Садоқатинг наҳот сезмадим?!  
Ҳаётимга маъно экансан,  
Йиллар кутиб, яна изладим.  
О, Нилуфар, жон, Нилуфар, дил сени қўмсар.  
О, Нилуфар, жон, Нилуфар, бебаҳо гавҳар...

Қайтарми ул сеҳрли дамлар,  
Ҳаёлингсиз, қачон кулолдим?!  
Қайтса майли, яна у ғамлар,  
Висолингсиз, ҳижронда толдим...

О, Нилуфар, жон, Нилуфар, дил сени қўмсар.  
О, Нилуфар, жон, Нилуфар, гўзал Нилуфар...

Видолашмас экан кўнгиллар,  
Алвидо деб хато қилибман.  
Ўхшамади сенга ҳеч гуллар,  
Фақат сени сева билибман,  
О, Нилуфар, жон, Нилуфар, дил сени қўмсар,  
О, Нилуфар, жон, Нилуфар, ишқдан ол хабар.

## **УМИДИМ ҚОЛДИ**

Тонгда эсан саболарда умидим қолди,  
Куйланмаган наволарда умидим қолди...  
Ҳеч хаёлдан кетмас сенинг ўтли нигоҳинг,  
Кўзингдаги маъноларда умидим қолди...

Дилга тушган ўт-гулханни ўчиролмасман,  
Ё қалбингда ишқ ғунчасин очиролмасман.  
Пинҳон ёниб, ё ўзимни кечиролмасман,  
Юрак чертган садоларда умидим қолди...

Сокин хаёл – иқболимдир покиза ҳислар,  
Сақлаб меҳр, сақлаб вафо, қалб сени излар,  
Муродини изҳор этар бесабр кўзлар,  
Юзингдаги жилоларда умидим қолди...

## **КЕЛМОҚДА БАҲОР...**

Булут тарқаб, эрисайди қор,  
Ирмоқ жўшиб, тошсайди анҳор...  
Бутун олам бўлиб лозазор,  
Ёшлигимни эслатиб такрор,  
Яна қайтиб келсайди баҳор...

Ғунчалар-ла безаниб боғлар,  
Ҳатто чирой очмоқда тоғлар...  
Кўз ўнгимда энг бахтли чоғлар –  
Ёшлигимни эслатиб такрор,  
Яна қайтиб келмоқда баҳор.





Қалдирғочлар қанот қоқмоқда,  
Жилға сойлар ўйнаб оқмоқда...  
Қирлар гулдан сирға тақмоқда...  
Ёшлигимни эслатиб тақрор,  
Яна қайтиб келмоқда баҳор...

Гўзалликлар яна намоён,  
Ошиқ диллар учрашар шодон.  
Мурод ишққа содиқ бегумон.  
Ёшлигимни эслатиб тақрор,  
Яна қайтиб келмоқда баҳор.

Фақат сендан дарак йўқ, дилдор...

### **СЕНИ ҚЎМСАР ДИЛ...**

Тушар бўлса боғларга йўлим,  
Ширин бўйлар таратса сабо.  
Гуллар аро ёришиб кўнглим,  
Кўз олдимга келар бир сиймо.  
Сени қўмсар дил...

Ўйнар бўлса, нурдек фаввора,  
Қушлар хониш килса ногаҳон,  
Яна излаб ҳижронга чора,  
Хаёлимда васлинг намоён.  
Сени қўмсар дил...

Гулшанларга кирсам ҳар сафар,  
Гўё бирга кезарсан, санам.  
Янглишмаган бир севги яшар,  
Янглишганим сезарсан, санам...  
Сени қўмсар дил...

Дунёда не гўзаллик борки,  
Сен биландир жамики лаззат.  
Муродга не бахт-иқбол ёрки –  
Фақат меҳринг туфайли!  
Фақат – Сени қўмсар дил...

### **ДИЛ СОРБОНИ**

Атри бўлсин ҳар гулнинг, куйи булбулнинг...  
Ёритар нури бўлсин ҳар кўча, йўлнинг,  
Ер, осмони тинч бўлсин ҳар юрту элнинг,  
Имон деган посбони бўлсин ҳар дилнинг,  
Виждон деган сорбони бўлсин ҳар дилнинг.

Гар юракни ўртаса шубҳа-ю гумон,  
Ёки бехос қийнаса хиёнат ёмон,  
Ёки ғолиб келмоққа интилса ёлғон,  
Иймон деган посбони бўлсин ҳар дилнинг,  
Виждон деган сорбони бўлсин ҳар дилнинг.

Бахту иқбол нелигин бедордан сўра,  
Ҳаёт йўлини ғофилмас, хушёрдан сўра,  
Ишончга юз қўриқчи қўйгандан кўра –  
Иймон деган посбони бўлсин ҳар дилнинг,  
Виждон деган сорбони бўлсин ҳар дилнинг.

Пок хислатлар ярашар инсонга ҳар вақт,  
Эзгу ишлар – хазина, сабр бу – роҳат!  
Муродимдир: Ватанга, ёрга садоқат,  
Иймон деган посбони бўлсин ҳар дилнинг,  
Виждон деган сорбони бўлсин ҳар дилнинг.

### **МЕН ИЗЛАГАН ГУЛ ҚАЙДА?**

Йўллар кўпдир дунёда,  
Гуллар кўпдир дунёда...  
Бир-бирига етмаган –  
Диллар кўпдир дунёда!  
Мен излаган гул қайда,  
Унга элтар йўл қайда?..

Кимга ёқдим, ёқмадим,  
Бевафога чопмадим.  
Найлай, шу кенг оламда –  
Ўз гулимни топмадим...  
Мен излаган гул қайда,  
Унга элтар йўл қайда?

Кутганим ой юз бўлса,  
Узугимга кўз бўлса.  
Берай унга жонимни –  
Доно, ширин сўз бўлса,  
Мен излаган гул қайда,  
Унга элтар йўл қайда?

Кундан-кун ўсар ёшим,  
Тоғлар ошар бардошим...  
Бир кун Муродга етсам,  
Порлар-ку бахт қуёшим,  
Мен излаган гул қайда,  
Унга элтар йўл қайда?





*Санъатнинг барча турлари инсонга завқ улашиш, камолотга етказиш, маънавий ҳордиқ бахш этиш учун бунёд бўлган. Улар ичида театр инсонларга ибрат кўрсатади. Театрга келган одам ўз ролидаги образ билан яшаётган актёрларнинг маҳоратидан завқ олса, кўрсатилган томошадан хулоса чиқаради. Ҳар қандай спектакль у трагедия бўладими, драма, комедиями, сахнада тугаб, актёрлар парда ортига ўтиши билан хотима топмайди. Энди у томошабиннинг онгу шуурда, ўйларида давом этади. Хулоса чиқаришига, ибрат олишига туртки бўлади. Ўзбек Миллий академик драма театрининг онахон актрисаларидан бири, Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова билан суҳбатимиз театр, сахна, актёрлик фаолияти ҳақида бўлди.*

## Teatr – mening hayotim

– Тўти опа, аввало, Сизни саксон ёшингиз, Миллий театрдаги олтмиш йиллик фаолиятингиз билан муборакбод этамиз. Халқимизнинг севимли актрисаси бўлиб, янги-янги ролларингиз билан мухлисларни хушнуд этиб юринг. Суҳбатимизни болалик орзуларингиз, Сизни театр санъатига қизиқтирган омиллар хусусида бошласак.

– Йўқлаб келганларингиз, эслаганларингиз учун раҳмат. Мен Самарқанддаги Туркман қишлоғида, деҳқон оиласида дунёга келганман. Болалигим ҳамма тенгдошларимиз қатори дала ишларида ўтган. Тоғаларим билан патнис чалиб, кўшиқ айтиб, рақсга тушиб, ўзимизча бир ансамбль бўлиб, ўйин-кулгулар ташкил қилардик. Отам Иккинчи жаҳон урушига кетиб, ҳалок бўлган. Онамга шу қизимни ўқитамиз, жуда интилишлари бошқача деб айтаркан. Онам буни васият ўрнида қабул қилиб, еттинчи синфни битирганимда мени Самарқанд хотин-қизлар педагогика билим юртига олиб борди. Ўқишга қабул қилиндим. Ўқиб юганимизда устозларимиз шаҳардаги Ҳамид Олимжон номидаги драма театрига олиб боришган. Биринчи марта сахнада томоша кўриб, маҳлиё бўлиб қолганман. Шунанга сеҳрланиб қолганманки, ўқишдан театрға борадиган кунларимизни кутмай, ўзим бориб томоша қилиб келардим. Спектакль йўқ кунлари ҳам, репетицияларга ҳам бораверардим.

Уйғуннинг «Олтин кўл» асарини кўришга борганимиз менинг ҳаётимда бурилиш ясади. Бош режиссёр Асрор Жўраев актёрларга анави қизалоқ нима учун келаверади, чақиринглар-чи, дебди. Мени олдиға олиб киришди. У мендан «Кўлингдан нима келади? Санъатга қизиқасанми?», деб сўради. Мен театрға қизиқиб қолганимни айтдим. Лапар айтиб, рақс тушиб бердим. Мени оммавий сахналарда чиқиб юриш учун театрға келиб туришимни тайинлашди. Театр менинг энг севимли жойимга айланди.

1953 йилда Тошкентдан Тошхўжа Хўжаев театри-мизга боради. Ўшанда Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана»сида биринчи бор бош роль – Ҳафизани ўйнаганман. Тошхўжа Хўжаевга бизнинг ижроларимиз маъқул бўлган шекилли, ҳар биримиз билан алоҳида суҳбатлашди. Менга «Қизим, агар театр соҳасида ўқийман, десангиз, Тошкентда театр институти бор. Шу ерда таҳсил олсангиз, сизнинг истеъдодингиз чархланади. Маҳоратингиз ошади», деди. Мен уйга учиб келдим. Онамга янгиликни айтдим. У киши менга оқ фотиҳа берди. Театримиз билан Тошкентга гастролға келдик. Ҳамкасбларим Самарқандға қайтиб кетишди. Мен институтға кириш учун қолдим. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтдим. Устозимиз бизни курсимиз билан ҳозирги Миллий театримизнинг оммавий сахналарига олиб борар, ҳар биримиз билан алоҳида шуғулланар эди.

1957 йил театр сахнасида Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» асарини диплом спектакли сифатида топширганмиз. Ҳамма курсдошларим театрға ишға қабул қилинган. Турғун Хонтўраев, Аброр Қосимов, Тожимурод Иброҳимов, Мирғиёс Соатов... Кейинчалик уларнинг бири радиода, бири телевидениеда, бири дубляжда ишлагани билан устозимиз Тошхўжа Хўжаев сабоқлари бир умр бизға маҳорат мактаби бўлди. Курсдошим Мирғиёс Соатов билан бир-биримизни синаб, турмуш қурдик. Олтмиш йил бирға бахтли ҳаёт кечирдик. Икки ўғлимиз ва бир қизимизни ўқитиб, элга қўшдик. Ҳаётнинг барча аччиқ-чучугида бир-биримизға елкадош бўлдик. Бир-биримизни суядик. Икки ўғлимизнинг умри қисқа экан, оламдан ўтганда мен йиғласам, у киши кўнглимни кўтарди, улар чўкиб қолса, мен ёниға кирдим. Бу синовлардан ҳам ўтиб олдик. Барибир, ғусса эскирмайди, унутилмайди. Лекин бир-биримиздан матонатни, саботни ўргандик. Ҳозир невара, эваралар билан кексалик гаштини бирға суряпмиз. Шу ўринда менинг энг катта танқидчим ҳам айнан турмуш ўртоғим. У киши мени аёвсиз танқид қилади. Аяб ўтирмайди. Ролимни



яхши ўйнасам, индамайди. Шу менга энг катта мақтов, олқиш. Биринчи танқидчим, биринчи томошабинимдан яхши ўтиб олсам деб, ҳаяжонлиғим тураман...

**– Ҳозир босиб ўтган йўлингизга, фаолиятингизга қараб, нималарни ҳис қиласиз?**

– Мана шу театрға келганимга олмиш йилдан ошибди. Эпизодларда, оммавий саҳналарда, катта-кичик ролларда чиқиб юриб, бор истеъдодим, маҳоратимни ишга солибман. Олим Хўжаев, Аброр Ҳидояттов, Сора Эшонтўраева, Шукур Бурҳонов, Зайнаб Садриева, Наби Раҳимов, Ғани Аъзамов, Зикир Муҳаммаджонов сингари устозларимни, уларнинг ролга киришиш ҳолатларини, насиҳатларини эсга оламан. Гастролларда, ижодий сафарларда, саҳнада, кинода, яхши-ёмон кунларда улар ўзларини қандай тутуди, нималарга аҳамият беради, нималарни муҳим деб билади, буларнинг ҳаммасини кузатиб ўргандим. Шу йиллар ичида театрдаги олтмишга яқин инсон билан видолашибман. Улар, буюк актёрлардан тортиб, театр ишчиларигача, ҳаммаси қадрдонларим эди. Тенгдошларим, шогирдларим, театр фидойиларининг ютуқларидан хурсанд бўламан. Беадад шукур, театрдаги Сотти образим, «Абдуллажон» бадийий фильмидаги Холида образим халқимизнинг кўнглидан чуқур жой олган. Ҳамон учрашувларда, катта-кичик давраларда ўша роллардаги ҳаммага ёд бўлиб кетган гапларни сўрашади. Бир актёр орзу қилдиган даражада ютуқларга эришдим. 1993 йилда Ўзбекистон халқ артисти унвонига эга бўлдим, 2000 йилда «Эл-юрт ҳурмати» орденига, 2014 йилда давлатимизнинг «Фидокорона хизматлари учун» орденига сазовор бўлдим. Демак, меҳнатларимиз ўз эътирофини топяптими, бундан-да кўпроқ куч-ғайрат билан ишлашимиз, шогирдларимизни юксак марраларга чорлашимиз, тоблашимиз муҳим.

**– Бугунги кунда театрларимизга, хусусан, Сиз фаолият олиб бораётган Ўзбек Миллий академик драма театрига эътибор хусусида тўхталиб ўтсангиз.**

– Республикаимизнинг барча вилоятларида бўлганман. Театрлар фаолияти билан қизиққанман. Ҳамкасбларимда касбига бўлган иштиёқ кучли. Бунинг сабаби кўрсатилаётган юксак эътибор, театрларимизнинг чин маънода ибрат мактаби бўлишига интилиш туфайлидир. Томошабинлар, айниқса, ёшлар диний экстремизм, жиноятчилик, наркомания, ишёқмаслик иллатлари фош этилган спектаклларни кўриб, фикрларини билдиришади. Бу бизнинг ютуғимиз. Кўғирчоқ театрлари, мусиқали театрлар, сатира театрларига қараб ўйлаб қоламан, ҳозир ёшлигимга қайтиб қолсаму, яна шижоат билан ишласам. Ўзимизнинг театрға келсак, Миллий театримиз ҳаммаша бошқаларга намуна бўлган. Мустақиллик йилларида икки марта таъмирланди. Томошабинларга яратилган шароитлар, кулислар, саҳна, техник имкониятлар, актёрлар хоналари, ички шароитлар бизларни хурсанд қилади. Театр – ҳаётга қўйилган ойна. Унда ҳаёт уйналади. Бунинг учун, аввало, шароит бўлиши керак. Биз бу шароитлардан унумли фойдаланиб, бошқа театрларга ҳам тажрибамиз билан ўрناк бўляпмиз. Республикаимизда даслабки театр иш бошлаганига юз йилдан ошди. Бироқ театрларнинг энг ёрқин тарихи бугунги кунимизга тўғри келади. Томошабинни телевизор тортиб олди, интернет тортиб олди деган гаплар ноўрин. Ишласак, томошабинни жалб эта оламиз. Бугунги томошабиннинг диди юксак, залворли асарларни тушунади. Биз мана шу йўлда меҳнат қиляпмиз.

**– Замонамиз қаҳрамонларини саҳнада акс эттириш ҳақида кўп фикр билдирилган. Бу иш қанчаллик бажарилмоқда?**

– Драматургларимиз ҳар йили янги-янги асарлар билан театримизга мурожаат қилишмоқда. Бугунги кун талабига кўра, олимлар, ихтирочилар, тадбиркорлар, спортчилар, устозлар, Ватанимиз юксалишига хизмат қилаётган одамлар ҳақидаги асарлар саҳнага олиб чиқилмоқда. «Қуёшни сен уйғотасан», «Огоҳ бўлинг, одамлар!», «Заминдан олис кетма» сингари кўплаб спектакллар қўйилди. Барибир, моҳиятан чуқур, илғор одамларнинг онгида кечаётган мавж, шижоат ҳақидаги асарларни кутиб қоламиз. Театримизда истеъдодлар етарли. Ёшлар, шогирдларимиз бажонидил, маҳорат билан бундай ролларни ижро этади. Мен ҳам фарзандларини тадбиркорликка, бугуннинг пок нафаси билан яшашга ундайдиган она ролини ўйнагим келяпти. Балки шундай асар дунёга келар. Балки биз кутмаган бошқа мавзуда чин маънодаги замонамиз қаҳрамонлари акс этган асар билан халқимизни хушнуд этармиз.

**– Театрнинг ҳаётимиздаги ўрни нимада деб ўйлайсиз?**

– Мана, мен актриса бўлиб, Нодирабегимни ўйнадим. Бунинг учун шу давр тарихини, Нодирабегимнинг шахс сифатидаги хислатларини ўргандим. Кўплаб ғазалларини ёд олдим. Икки соат ичида мен ўша Моҳларойим бўлдим. Сиз мени шу қиёфада кўрдингиз. Сизни Нодирабегим яшаган кунларга, унинг даврига олиб кириб, ижоди билан баҳраманд қилдим. Сизда тасаввур уйғотдим. Энди ўзингизнинг тасаввурингиздаги Нодирабегим билан менинг ижромдаги Нодирани солиштирасиз, ўйлайсиз, фикрлайсиз. Керак бўлса, китоб varaқлайсиз. Мана бу – театрнинг ютуғи. Ёки замонавий бирор спектаклни олайлик. Ёшларга насиҳат қилсангиз, унча ёқмаслиги мумкин. Бироқ кўрсатаётган бирор ибратли воқеа уларга тўғри йўлни топишда ёрдам бериши тайин. Театр шуниси билан аҳамиятли.

**– Кўнглингизга оғир олмасангиз, бир савол берсам, Тўти Юсупова театрсиз яшай оладими?**

– Йўқ! Асло йўқ. Театрға адашиб келинмайди. Театрдан адашиб кетиш мумкин. Бироқ унинг пушаймонини кетган одам ўзи билади. Ёшлигимда жонажон театрим менинг биринчи уйим эди. Ишдан бўшасак, уйга келардик. Турмуш ўртоғим билан бир соҳада бўлганимиз учун мени ҳаммаша қўлаб-қувватлади, ёрдам берди. Мана энди театр иккинчи уйим. Устозларимнинг овозлари, ижролари яшайди бу ерда. Менинг ёшлигим, шодон кунларим изи қолган шу саҳнада. Менинг қадрдон шогирдларим бор театрда. Уларнинг ҳар бир ютуғи менинг қувончларим, бахтим билан қоришиб кетган. Бундан кейин ҳам куч-қувватим бор экан, оёқларим юриб, кўзларим кўриб турар экан, театр менинг энг севимли жойим бўлиб қолади.

**ХОНИМОЙ ёзиб олди**



Ҳикоя

# АТАЛГАН kumlar

Ҳар саҳар ишга қатнайдиған йўл... Тўғрироғи, бу сўқмоқ қатор қилиб қурилган кўп қаватли уйларнинг ортида, қалин дарахтзор ичида бўлиб, бу ердан ҳар куни ўтиб-қайтиш мен учун мароқли эди. Сабаби, йилнинг тўрт фаслида бу ер соя-салқин, сал нарида оқиб ўтувчи ариқчадаги сув эса сўқмоққа ўзгача манзара бахш этарди. Баҳор чоғида атрофи яшил майсалар билан қопланган йўл ён-веридаги мевали дарахтлар қийғос очилар, оч пушти гулларнинг ҳар бири қошида тўхтаб, табиатнинг бундайин наққошлигига таҳсинлар айтиб, завқланиб борардим. Яна бир томони, бу жой кўздан сал нари, катта кўчадан йироқ, умуман, бекатгача қисқа йўлдан юривчилар учун қулай эмасди. Бу жой мен каби улкан шаҳар тегиригига тушиб, кўнгли ҳайратларни унутиб қотиб бораётган, тош деворлар залвори тобора юрагига ботаётган кимса учун, жоиз бўлса, бир парча ҳаловат маскани эди. Шундай кунларнинг бирида ногаҳон бир аёл йўлимда пайдо бўлди-ю, назаримда кўп нарса ўзгарди...

Кайфиятим чоғ, шабада эсиб, дилга довул титроқ солувчи салқин куз ҳавосидан симириб, ишга сўқмоқдан илдам одим ташлаб борарканман, қаёқдандир зумда йўлимни кесиб чиққан шарпадан бир чўчиб тушдим. Ҳа деганда кимлигини пайқай олмай яхшироқ разм солдим, қаршимда кўзлари қизаринқираган, қовоқлари шишган, сочлари номига турмакланган бир аёл турарди.

– Кечирасиз, менда бирон юмшингиз бормиди?

Ҳамроҳим эса бир дам жим қараб тургач:

– Илтимос, мен билан юринг, сизга бир нарса кўрсатишим керак, – деди овози титраб. Тушунолмадим, Ҳе йўқ, бе йўқ, рўпарангиздан кимдир чиқиб, юринг деса, танима-

ган кишига эргашиб кетавермай-сиз-ку! Лекин шу топда унинг сўзлари алам, қандайдир мен билмаган изтироб билан қоришиқ эдики, буни унинг кўзлари айтиб турарди.

– Нима учун, тинчликми? – дея олдим, холос. Сўзим оҳангидан ҳамдардлигим, унга ачина бошлаганим сезилиб турарди.

– Қўрқманг, ҳозир буни айтиш оғир, илтимос, йўқ деманг, – деди у энди ялинчоқлик билан.

Табиатим шундай. Кўнглим бўш, инсонга ҳар қандай вазиятда ишонгим келади. Бу хислат кўп ҳолларда панд берган ҳам. Лекин ҳозир бу ҳақда ўйлашга вақт йўқ, шунинг учун нотаниш аёлнинг ортидан эргашиб, у дуч келган муаммони тезда бирга ҳал этишни жоиз деб билдим. Биз келган уй мен юрадиган йўлнинг шундоқ четида бўлиб, ойнаванд айвонидан боғ этаги шундоққина кўриниб турарди. Остона ҳатлаганимда, уйнинг бир оз қоронғилигини, баланд шифтга илинган қалин пардалар янаям уйга ваҳимали тус бераётганлигини, узун йўлак бўйлаб эса турли бўёқларнинг ҳиди келаётганлигини сездим.

– Келинг, бу ёққа, – деди ҳамроҳим ичкари хонанинг эшигини очар экан. У энди бир оз бўлса-да, ўзини тутиб олган, йўлда индамай бошини қуйи солиб келганлиги менга аллақандай сирли туюлган бўлса, у яшайдиган кошона ундан-да ажабтовур туюлар, ҳатто, озгина ҳадигим бор эди. Ойнаванд хонага кирарканман, дераза қия очиқ, ундан ихчам айвонга чиқса бўларди. Айвонда эса ҳали бўёқлари қуриб улгурмаган сурат худди эгасини кутаётгандек турар, унда олтин кузнинг бетакрор лаҳзалари, оловранг боғ ва пастдаги сўқмоқ ўхшатиб тасвирланганди. Шунда атрофдаги бўёқ хидлари қаердан келаётганлигини тушундим. Бу хона ҳойнаҳой

рассом ижодхонаси бўлиб, ҳар тарафга турли хил суратлар қўйилган, ҳали битмаган расмлар эса тугалланмаган воқеа сингари эди. Теваракни бир қур назардан ўтказиб, нимага бу хонага кирганимизни тушунмай турганимда, ҳамроҳим эшиқдан кираверишдаги деворга илинган, айримлари шунчаки суяб қўйилган расмларга имо қилди. Ҳайрон бўлиб, яна суратларга разм солдим. Қарадим-у, ҳайратдан қотиб қолдим. Ранг-баранг мойбўёқда моҳирлик билан чизилган суратлардаги... мен эдим!

Бир дам нима юз берганини билмай, жим туриб қолдим, сўнг ортимдаги стулга беҳол ўтириб, яна расмларга тикилдим. Уларда баъзан соябон остида сўқмоқдан шошиб келаётганлигим тасвирланган бўлса, яна бирида қийғос очилган дарахт гулларини тутиб ҳидлаётганим, айримларида илқис ортга қайрилган ҳолатим чизилган эди. Бу тасвирлар гўё вақт қатига муҳрланган фотосуратлар янглиғ эди. Мен ўзимни яна қайтадан кўргандек, ўзимга, «Нега мен, айнан мен?» деб ҳайратим ҳасратга айланарди шу тобда. Кўз олдим қоронғилашиб, бир дам жим бўлиб қолдим. Сўнг нима деяримни билмай, аёлга қарадим, у эса:

– Шуларни кўрсатмоқчийдим, – деди у хомуш. Мен эса:

– Ким, ким чизди буларни? – дедим базўр. У эса жимгина жавоб қилди:

– Эрим!

Бечора... ёстиқдошининг энг оғир кунларида тиргак бўлган, тақдирига тан бериб, ногирон бўлиб бораётган эрини парваришлаб кўнглига қараган, сўнгра эри яна расм чизишга киришиб кетганда аввалига суялган-у, кейин эса... бора-бора у энди бегона аёл (менинг!) суратини чизиб, кунни тунга улайдиган,

соатга қараб унинг сўқмоқдан ўтишини ошқора кутадиган бўлганини кўришга, ҳис этиб яшашга маҳкум аёл. Ҳижолатга тўлиб, гўё томоғига бир нима тикилгандек, ютиниб-ютиниб шуларни айтар экан, беихтиёр унинг мижжалари ёшланди.

– Биласизми, мен аслида севилмаган аёлман. Бунинг нима эканини сиз тасаввур ҳам қилолмасангиз кераг-а? Айтишларича, ёшлигида эрим бир қизни қаттиқ яхши кўрган, аммо тақдир ўзани уларни икки тарафга буриб юборгач, унинг ҳукмига кўнганлар. Кейин бизнинг оила ўша иложсизлик деган пойдеворнинг устида бунёд бўлди. Мен эса айбдордек, бир умр муте яшашга кўндим. Балки ишонмасиз, унинг кўзларига тик қарашга ҳам ботинолмайман. Баъзан ухлаганида тепасида соатлаб тикилиб ўтираман. Кўнгилсиз яшаш азоби камдек, фалокат юз бериб, юролмайдиган бўлиб қолди. Пешонада шу ҳам бор экан, деб яшай бошладик. Лекин бир куни одатдагидек айвондан ташқарига қараб ўтириб, ногаҳон сизни кўриб қолди. Ўшанда ёнларида эдим. Бирдан шундай ҳаяжонга тушдилар-ки, буни ҳатто эслаш ҳам оғир... Кўзларини катта очиб, аравачани қаттиқ ушлаганча, бир сўзни такрорларди: «Унга ўхшаркан, унга!»

Уни тингларканман, айна пайтда нима дейишимни, бунда менинг қандай айбим борлигини сўрашга андиша қилардим. Тилимдан бошқа сўз кўчди:

– Йиғламанг... баъзан эркаклар иссиқ ўлкаларга учган қушлар мисол ўз маконидан узоққа кетишни исташади. Бироқ бу вақтинча, улар бари бир қайтишади, мана кўрасиз. Сиз энг бахтли аёл бўласиз, мен бунга ишонаман, – дедим қандайдир музтар бўлиб. У эса кўзларимга тикилиб:

– Биламан, сиз яхши аёлсиз. Чунки сизни ардоқлашади, демак, бахтиёрсиз. Мени эса... тушунинг, мен Фахриддин акамни яхши кўраман. Усиз яшаш менга азоб, – деди хўрсиниб.

– Сиз ҳам яхши аёлсиз, – уни юпатиш учун гап бошладиму, берилиб кетдим. – Биласизми, фақат ардоқланган, севилган аёл эмас, сева билган, ўзини фидо қилиб, эрининг соғайишини умид қилиб, қараган, келажагига ишонган аёл энг яхши аёл, менимча. Сиз уни парвариш қиламан, деб ўзингизни унутгансиз.

У балки сиздан муҳаббат ахтарар. Сиз эса уни меҳр билан, ғамхўр она сингари парвариш қиласиз. Сиз у учун яшаётганингизни билдиринг. Балки, кўзига тик қарай олмай тўғри қиларсиз. Лекин кўзларингизда унга муҳаббат борлигини билдириб қўйинг. Кўнглида қачонлардир севган аёли ёки унга ўхшаган аёлни ҳар куни кутишига жой қолдирманг. У сизни кўзи билан эмас, кўнгли билан кўрсин. Унга аравада юрса ҳам сиз унинг паноҳи эмас, у сизнинг паноҳингиз эканини, ҳар дамда унга суянишингизни англагинг.

Биз фарзандларимизни тарбиялаймиз, парвариш қиламиз, иссиқ-совуқдан асраймиз. Вояга етгач, ўзига ўртоқ излайди. Кўнглидагидек инсон излайди. Балки сиз ҳам эрингизни фақат парвариш қилгансиз, унга фидо бўлгансиз. У меҳрдан зерикиб, муҳаббат излаб, айвончада бегона аёлнинг ўтишини кутар. Гапларимни кўнглингизга оғир олманг. Сиз шу топда мендан минг чандон бахтли аёлсиз...

– Балки... – у шундай деди-ю шарт бурилиб, дераза олдида борди-да, хаёл уммонида ғарқ бўлгандек жим бўлиб қолди. Шу туришда қанча турди билмайман, менинг чиқиб кетганимни ҳам сезмади.

Кўчага чиққанимда, атроф бир оз тундлашган, булутлари кўпчиган осмон ёмғир элашга шай турарди. Кечагина куз отлиғ буюк мусаввирнинг ижодидан сармаст, офтоб нурида товланаётган дарахтлар ҳозир мезон шамоли куйига ваҳимали шовуллар, жони оғриётган одамдек ўзларини у ёқдан бу-ёққа уриб тебранишарди. Тош осилгандек одимим оғирлашиб, йўл ўртасида тек туриб қолдим. Шу онда негадир ортга беихтиёр қайрилгим келди. Қарадим-у, иккинчи қаватдаги айвондан хонанинг бутун ғам-андуҳини кўзларига жо қилганча бояги аёл менга сўзсиз тикилиб турганини кўрдим.

Мен боғ этагидаги сўқмоқдан бошқа юрмай қўйдим. Йўқ, буни фақат ўша аёл илтимоси учун эмас, балки ўзим ҳам хоҳламадим. Ўшанда аёлнинг зорланиб туриши, иложи бўлса, унинг уйи тарафдан юрмаслигимни сўраши, «Икки йилдан бери аравачага михланган касалманд

эрим, энди сиз... сизнинг суратларингиз билан яшамоқда», – дейиши мени тамоман қарахт қилган эди.

\*\*\*

Йиллар ўтиб мен бу воқеани деярли унутиб ҳам юбордим. Бир куни ҳамкасбларим билан кўргазмага боришга тўғри келди. Рассомлар билан бўлажак конференциядан олдин шунчаки зални айланиб, суратларни томоша қилдик. Ҳар бир рассом ўзига ажратилган жойга энг сара асарларини жойлаштирган. Уларнинг олдида мароқли китоб ўқигандай, қизиқарли фильм кўргандай узоқ туриб қолардим. Шунда аллақандай услуби таниш бир иш диққатимни жалб қилди. Шоша-пиша сурат четини ўқидим: «Фахриддин ...». Бу ўша мен бир неча йил олдин аёли билан суҳбатлашган рассомнинг ишлари эканига шубҳам қолмади. Мана, бу расмда ўша аёл. Бошидаги ҳарир рўмоли кийимига уланиб кетган, юзининг ярми очик. Муҳаббат ва ҳаё тўла кўзлар билан қийғос гуллаган дарахтлар орасидан чиқиб келяпти. Хавотир билан эски – ўзим тасвирланган суратларни излай бошладим. Хайрият, улар йўқ. Демак, бу аёлнинг баҳори келибди. Демак, унинг боғи гуллабди...

Умримда биринчи марта унутилишдан завқландим. Конференция бошланиши арафасида рассомлар йиғилиб турган фойега томон юрдим. Ҳасссага суяниб олган рассом ёнида ўша таниш аёл шодон кайфиятда турарди. Ҳамкасбларимга шоша-пиша бошқа ишим чиқиб қолганини айтиб, галереяни тарк этдим. Ташқарида қиш элагини элар, киприқларимдаги қорми, кўз ёшларимми, билмасдим, ич-ичимдан келаётган масрур бир қор каби мусаффо кайфият бутун борлигимни чулғаб оларди...

Наргиза АСАДОВА



# O'zbek tennisining ertangi umidlari



**Ўзбекистонда Болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор бериб келинмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш ўғил-қизларимизнинг кундалик эҳтиёжига айланиб улгурди. Бунинг натижасида 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ўртасида спорт билан шугулланиш даражаси йилдан-йилга ортиб бораётир.**

Спортда чўққига чиқиш доимо машаққатли бўлган. Тинимсиз машғулотлар, ўзгача ҳаёт тарзи, кўпинча яқинлардан узоқда бўлиш – ана шу йўллари матонат билан босиб ўта олган одамгина ҳақиқий спортчига айланади. Ватани шарафини муносиб ҳимоя қилади. Аслида барча ҳаракатлари замирида шу мақсад турган бўлади.

Республика олимпия захиралари теннис мактабига борар эканмиз, шулар ҳақда ўйладим. Бу ердаги ўғил-қизларнинг ҳаёти биз ўргангандек эмас. Улар қатъий спорт тартибига амал қилади. Шу ерда яшаб, ўқийди. Шундан бўлса керак, бу ердаги болалар бир оиладек бўлиб қолган. Мураббийларнинг уларга бўлган ғамхўрлиги ва талабчанлиги янги-янги чемпионларнинг етишиб чиқишига замин ҳозирламоқда.

– Бизнинг мактабимиз 2008 йилда ташкил этилган, – дейди мактаб директори Самуғ Обидов. – Мазкур мактабни очишдан асосий мақсад юқори тоифали теннисчиларни тарбиялаш ва тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг спорт маҳоратини такомиллаштириш, энг юксак даражадаги халқаро мусобақаларда Ўзбекистоннинг муносиб вакиллари бўла оладиган мамлакат терма жамоалари захирасини шакллантиришдир. Мактабимизга ўқувчилар 5-синфдан бошлаб қабул қилинади. Синов имтиҳонида ўқувчининг билими, жисмоний ҳолати ва кортда қандай ҳаракат қилишига эътибор қаратамиз. Мактабда таълим беш йиллик. Шу вақт давомида биз кучли теннисчини шакллантиришимиз керак бўлади. Ана шундагина асосий вазифамизни бажаряпмиз деб ҳисоблашимиз мумкин. Биз тахсил олаётган ёшларимизга мактабимиз битирувчилари бўлган, халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган Сабина Шарипова, Лайло Баҳодирова, Тимур Исмоилов, Санжар Файзиев, Гўзал Юсуповани ўрнак сифатида кўрсатамиз. Уларга ўхшаш учун тинимсиз машғулотларда қатнашиш зарурлигини айта-миз. Спортчи-ўқувчиларга барча шароитларни яратиш беришга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозирги кунда 17 та очик ва учта ёпиқ корт уларнинг ихтиёрида. Шунингдек, бизда иккита ҳаво таянч ускунаси ҳам бор ва унинг ёрдамида куз-қиш мавсумида кўшимча сифатида очик кортлардан иккитасининг устини ёпамиз. Натижада машғулотларни жами бешта майдонда ўтказиш имкони пайдо бўлади. Бундан ташқари, тренажёр заллари, сузиш ҳавзаси ҳам ўқувчилар ихтиёрида бўлиб, бу уларнинг янада чиниқишига хизмат қилади.

Айни пайтда муассасада 57 нафар спортчига 15 нафар мураббий спорт сирасорларини ўргатмоқда. Шунингдек бу ерда ёшлар уйи ҳам ташкил этилган бўлиб, унда юртимизнинг турли ҳудудларидан келган ўқувчилар тураржой, спорт анжомлари билан таъминланган.

– Бу ерда тўрт йилдан бери ишлаяпман, – дейди мураббий Нигина Раҳмонова. – Менинг гуруҳимда 8 нафар 2004 йилда туғилган ўғил-қизлар тахсил олмоқда. Шу пайтгача Абдурахмон Нормамедов, Искандар Ҳамидов ва Жалолбек Йўлдошев жуптлик

бахсларида Ўзбекистон чемпиони бўлди. Мамлакат биринчилигида чиниққан болаларни халқаро мусобақаларга олиб борамиз. Яқинда 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида Осие ўйинлари ўтказилади. Унда муносиб қатнашиш учун машғулотларга зўр берганмиз.

Мени яна бир хурсанд қиладиган жиҳат шуки, мактабда яратилган аъло даражадаги шароит тўғрисида теннис бўйича терма жамоа ўз машғулотларини шу ерда ўтказади. Бундан ташқари WTA тақвимида кирувчи "Tashkent Open" ҳамда эркаклар ўртасидаги "Tashkent Challenger" халқаро турнирлари ҳам шу ерда ташкил этилади. Бу эса ёш спортчилар учун ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтайди.

– 1-синфга борган пайтимида телевизор орқали теннис кўришга қизиқиб қолдим, – дейди Азизбек Дадабоев. – Мендаги қизиқиш кучли эканини кўрган ота-онам теннис тўғрисида олиб борди. 4-синфни битириб, ушбу таълим масканига келдим. Ўз ишининг устаси, ҳақиқий профессионал мураббийлар билан ишлаб, маҳоратимни ошириб борапман. Шу пайтгача 5 карра Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Вьетнам, Таиланд ва Қозоғистон давлатларида ўтказилган халқаро мусобақаларда қатнашдим. Тўғри, ҳали халқаро миқёсда бирор ютуққа эришганим йўқ. Лекин ўз устимда ишлашда давом этадиган бўлсам, албатта кучли теннисчи бўлиб етишаман.

– Теннисга бўлган муҳаббат мени Сурхондарёдан Тошкентга келишга ундади, – дейди Мавлуда Алиёрова. – Шу пайтгача жуптликда бир марта Ўзбекистон чемпиони, яқкалик баҳсларида эса бир марта чемпион ва бир марта учинчи ўрин соҳиби бўлдим. Ўз олдимга қўйган биринчи мақсадим, Ўзбекистон терма жамоаси сафидан ўрин олиб, халқаро мусобақаларда қатнашишдир. Мактабимиз битирувчиси бўлган Сабина Шарипова шу пайтгача бир қатор халқаро мусобақаларда совриндор бўлган. У ҳамон машғулотларини шу ерда ўтказади. Биз дугоналарим билан унинг ҳаракатларини кузатамиз, қандай шугулланипти, тўғри қандай ўйинга киритади, корт бўйлаб қандай ҳаракатланади, буларнинг барчасини ўрганаемиз. Бундан ташқари, юртимизнинг таниқли теннисчилари бу ерга келиб, бизга маҳорат дарсларини ўтадилар. Уларга ўзимизни қизиқтирган саволларни берамиз. Келажақда биз ҳам халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишни истаймиз.

– 6 ёшимдан бошлаб теннис билан шугулланман, – дейди Расул Нурмухаммедов. – Ҳозир ёшим 13 да. Шу пайтгача жуптлик баҳсларида 3 карра Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Таиланд, Қозоғистонда ўтказилган халқаро мусобақаларда қатнашдим. Эндиликда Қатарда ўтказиладиган мусобақага тайёргарлик кўряпман. Унда муносиб иштирок этишни

ният қилганман. Ўтган йили бизнинг мактабимиз кортларида норасмий жаҳон чемпиони номини олган "Дэвис кубоги" баҳслари ўтказилди. Унда юртимизнинг машҳур теннис усталари, хусусан Денис Истоинин ҳам қатнашди. Биз дўстларимиз билан ҳар бир ўйинни катта ҳаяжон билан кузатдик. Юртдошларимизнинг ғалабасидан қувондик, ютқазганида улар учун қайғурдик...

Шу пайтгача юртимизда бир қатор кучли теннисчилар етишиб чиқди. Олег Огородов, Денис Истоинин, Фаррух Дўстов, Ирода Тўлаганова, Оқғул Омонмуродова, Нигина Абдураимова ҳамда Сабина Шарипова бир қатор халқаро мусобақаларда ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олдилар. Республика олимпия захиралари спорт мактабида тахсил олаётган кўзи ёниб турган, ўзига ишончи баян бўлиб ўғил-қизларни кўриб, ўзбек теннисининг эртанги куни бугунгидан ҳам ёрқинроқ бўлишига умид қилдик.

Муҳаммад ТЕМУР



# TENNIS



# Ota makon, Ona yurtning farzandiman...

*Юртимизда истеъдодли ўғил-қизлар кўп. Улар қайси соҳада бўлмасин, юқори марраларни кўзлаб ўқиб, изланишмоқда. Қарши шаҳридаги «Истеъдод чорлови» ёш қаламкашлар клуби ўз атрофига ана шундай ёшларни жамлаган. Шоир Турди Ҳайдар раҳбарлик қилаётган бу тўғарак аъзоларидан айримларининг машқларини журналхонларга илдиндик.*

Нуриддин РАСУЛОВ

## ЎЗБЕКИСТОНИМ

Бу юртнинг қадрини мадҳ қилгани ҳам,  
Бобурдек ҳижроним бордир менинг ҳам.  
Буюк боболардан жасорат мерос,  
Темурийми руҳинг, айт-чи сенинг ҳам?!

Бобом бор Улуғбек фалақда ҳамроз,  
Асли юксаксан-да, қилма эътироз.  
Беруний уни кашф этгунча билсанг,  
Дунё Амриқони билмагани рост.

Озодман, тинчлигинг асрайман мудом,  
Меҳрингдан кўқларга учиб севаман.  
Ғуруринг юрагим узра ёйилган,  
Кубродек байроғинг қучиб севаман!

Хусан ТУРСУНОВ

\*\*\*

Ошиқ севиб йўқотганда ўзини,  
Ишқ бобида асқотганди ўгитлар.  
Гуллар ичра ёдлаб юрар сўзини,  
Орзуғулни орзу қилган йигитлар.

Ўз бахтини ахтариб хўп оввора,  
Кўкни ёлғиз кезар бўлса бургутлар.  
Томирда қон жўшиб оқар фаввора,  
Орзуғулни орзу қилган йигитлар.

Дилдан ойдаи жамолини тилайди,  
Хаёлида ҳар кун гулга ўрайди,  
Изларини шамоллардан сўрайди,  
Орзуғулни орзу қилган йигитлар.

Ўксимасин, ҳеч сўнмасин умидлар,  
Ерда қолмас бобомерос ўгитлар,  
Қиз номусин тоғдек туриб асрайди,  
Орзуғуллар орзу қилган йигитлар.

### Латофат БҶРОНОВА

\* \* \*

Нигоҳимда юрт соғинчи порлаб турар,  
Қайга борсам Ватан ишқи чорлаб турар,  
Жўшиб кетган ҳис-туйғулар туғён урар,  
Ота макон, Она юртнинг фарзандиман.

Бахтим кулган чаманимдан айланайин,  
Нур симирган Ватанимдан айланайин,  
Бор меҳрим ва ишқим ила бойланайин,  
Оллоҳ суйган азиз юртнинг фарзандиман.

Муҳаббати дилга кўчган маъвомикин?!  
Дил қатидан куй таратган навомикин?!  
Тун кўйнида ухлаб ётган сабомикин?!  
Оллоҳ суйган азиз юртнинг фарзандиман.

Орзу сари қўл узатсам қўлим етгай,  
Олисларга бормоқ учун йўлим етгай,  
Бу юртга бир сўз айтсам дилим етгай,  
Оллоҳ суйган азиз юртнинг фарзандиман.

### Юлдуз ХОЛИҚОВА

#### ОНА

...Ахир мажлисдаман, кўнғироқ қилманг,  
«Она буюк» дея ўқийман шеърим.  
Улар қарсақ чалар, олқишлар ана  
Негадир оғрийди, мана бу ерим.

Айни дам тандирда нон ёпаяпсиз,  
Олов урилади кипригингизга.  
Минбарда керилиб «Нон» шеърин айтган,  
Кулчалар обқўйинг бу қизингизга.

Уйда хонамдаман, эшиклар ёпиқ,  
Очманг, ичкаридан кулфланган, она.  
Миямда илҳомга эшиклар очиқ,  
Интиқ бўлиб турманг, чиқмайман, она.

Ижод йўли кутиб турибди мени,  
Йўлида шўх елдек чопаман, она.  
Фақат тунлар савол тирнар бағримни,  
Қачон кўнглингизни топаман, она?!

Сизни шеърдан ортиқ кўраман, она...

\* \* \*

Нега мендан рози эмассиз,  
Сизни узоқ кутдим жалада.  
Аллакимдан эшитдим, кеча  
Иситмангиз қирқ бир даража.

Хавотирда қолсин жонингиз,  
Атай сиздан узоқ юраман.  
Айтолмайман фақат шу сўзини  
Сиз ёмонни... яхши кўраман.

Куз келмоқда лашкарин бошлаб,  
Қилич солар япроқ бошига,  
Ишқим ошкор этолмасман, лек  
Сиз ошкора этмайсиз нега?

Мен бормадим, сиз келмадингиз,  
Юрак қолиб кетди жалада.  
Оҳ, ёнамиз икки томонда  
Иситмамиз қирқ бир даража!

### Азиз МҶМИНОВ

\* \* \*


Юракдан қувилар умидсизликлар,  
Ниҳол баргакларинг гар гуллаб турса.  
Кўқда бургут каби қанот қоқасан,  
Халқинг Сени қўллаб-қувватлаб турса.

Тоза ҳаволардан оласан нафас,  
Қалбинг шодликлардан тўлар дафъатан.  
Ўзга манзиллардан ошён излама,  
Онангдай, отангдай меҳрибон Ватан.

Шоир қалб, куюнма, тўлқинланиб ёз,  
Ўзбекнинг тонглари сенга берсин руҳ.  
Оҳорин тўкмагин мунчоқ сўзларни,  
Билсанг, Ватан сўзи – муқаддас, улуг.

Жаннати диёр бу, муборак замин,  
Яратганнинг сенга асл тухфаси.  
Бир сўз билан айтай тингла, биродар,  
Шеърингдан уфурсин баҳор нафаси.

Қара, сенга боқиб турибди халқинг,  
Қуёш бўлиб ёрит нурафшон тонгни.  
Сен бугун куйлагин, куйла баралла,  
Улуғ йўлга чиққан Ўзбекистонни!



## Олис юлдуз жилваси

Ўзбек каштачилик санъати ҳудудлар, анъаналар билан боғлиқ равишда такомиллашиб борган. Жануб каштачилигида ёрқин ранглар устун бўлса, Бухоро зардўзлиги алоҳида ажралиб турадиган олтин ранги билан машҳур. Самарқанд, Навоий томонларда оқ матога кашта солиш кенг тарқалган. Асоснинг оқлигини фақат матонинг четки қисмидан билиш мумкин. Бошқа ҳамма жойи тўлдириб тикилади. Қорақалпоқ, Хоразм каштачилиги Амударёнинг мавжини, бепоён кенгликлар тароватини ўзида мужассам этади. Фарғона водийси ва Тошкент каштачилигида нафис ипаклардан бодомгули, аноргули сингари нусхаларни акс эттириш расм бўлган. Дастгоҳга матони тортиб, чизилган нақшга кашта тушириш ҳам Тошкентда қадим санъатлардан бири бўлган. Бу анъанани бугунги кунда ҳам давом эттириб келаётган ҳунарманд Мадина Қосимбоева билан суҳбатимиз каштачиликнинг ушбу камёб тури ҳақида бўлди.

– Ҳунарли эл хор бўлмас, дейди халқимиз. Чунки кимнингки қўлида ҳунари бўлса, эртанги кунига ишонч, фаровон турмушидан умид бўлган...

– Албатта, шунинг учун ҳам қадимдан ота-боболаримиз қизларига совчи келса, кўёвнинг насл-насаби билан бирга касбу корини ҳам суриштиришган. Ўз ўрнида бўлғуси келиннинг ҳам қизиқишлари, эгаллаган ҳунарлари айтиб ўтилган. Демак, аёл кишининг ҳам удли-шудли, чевар, пазанда, озода бўлиши оила учун муҳим саналган. Бу анъаналаримиз бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ҳунарманд оилалар, ҳунарманд маҳаллалар, ҳунармандлар сулоласи айнан шундай кўринишда шаклланиб, сақланиб келмоқда. Аёл киши бирор нимага қизиқдими, унга фарзандига қарагандек, меҳр-эътиборини, кўз нурини беради. Мен ёшлигимда бувим тиккан сўзаналарни жуда ёқтирдим. Деворда илинган каштага қараб, нақшларини ўқирдим. Ўзимча маънолар чиқарардим. Ҳар бир сўзананинг ўз мазмуни бўларди. Олмали сўзана оила дегани, бодомгулли сўзана баракот дегани, анорлиси серфарзандлик белгиси... Менинг бола онгимда бувим сеҳргар эди. Бармоқлари мато устида юриб, шунақа усталик ва чаққонлик билан кашта тикардик, бу мени тамоман маҳлиё этганди. Бу севги мени Амалий санъат лицейига етаклади. У ердаги сўзана ва палаклар янада ўзига мафтун этди. Шундан сўнг бу касбга меҳрим ошиб, қизиқишим ортиб борди. Ва ўз устимда ишлаб, шу соҳа, касб устаси бўлишга интилдим.

– Бугунги кунда ортга назар ташлаб, танлаган

йўлингиздан кўнглингиз тўладими?

– Албатта. Биринчидан, мен оиламиз анъаналарининг давомчиси бўлиб, шу соҳанинг такомиллашувига хизмат қиляпман. Қолаверса, ўз ишимни яхши кўраман. Одам яхши кўрган машғулоти билан шуғулланса, чарчамайди, аксинча, дам олади. Кейин бу иш ҳам эмас, санъат деб биламан. Ишлаган сари тасаввур қилиш қобилиятингиз, дидингиз очилиб бораверади. Шогирдлар етиштирдим. 2015 йили мен Тошкент фотосуратлар уйида «Олис юлдуз жилваси» номида кўргазма ўтказдим. Ушбу кўргазмада унутилиб, деярли йўқолиб кетган Тошкент палакларини тиклаб, намойиш қилдим. Уларни уч йил давомида шогирдларим билан биргаликда тикдик. Қўл меҳнати билан яратилган мўъжизавий палаклар барчани ўзига жалб қилди. 2016 йили «Сеҳрли ипак жилоси» номи билан аталган янги шахсий кўргазма бўлиб ўтди. Ушбу кўргазмада сўзана каштачилигини аёлларнинг қадимги чопонида акс эттирдик. Бу билан мақсадим азалий урф-одатларни, анъаналарни тиклаб, тарғиб қилиш эди. Келгусида йўқолиб кетган кашталарни тиклаб, намойиш қилиш мақсад қилганман.

– Сиз сингари каштадўзлик билан шуғулланаётган ҳунармандларга нималарни тавсия қиласиз?

– Меҳнат қилган – элда азиз. Мамлакатимизда ҳунармандларга эътибор катта. Ўз ишини бошламоқчимисан, имконият бор, солиқлардан озод этилганмиз. Айниқса, бугунги кунда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш мақсадида катта ишлар қилинмоқда. Фақат ишлаб, ўзингни намоеён этишинг



керак, холос... Миллий кийимларимизга, сумка, қопчиқ, пойабзалларга кашта тикиш урф бўлди. Бундай кийимларга талаб катталигидан каштачи-хунармандлар ҳам кўп. Бироқ пала-партиш тикилган костюмлар, каштаси нотўғри босилган буюмларни кўриб, кўнглим ғаш бўлади. Ҳар бир ҳудуднинг ўз каштачилик анъаналари бор. Шундан келиб чиқиб, тарихий асарларни ўрганиб, тикадиган каштани кўз олдига келтириб, матога дид билан суратини тушириб, кейин ишга ўтирса, мақсадга мувофиқ бўлади.

– Сизда ишга киришиш жараёни қандай кечади?

**Шу ҳақда гапириб берсангиз.**

– Мен шу соҳада иш бошлабманки, фақат ўрганаман. Халқ амалий санъати музейи, тарих музейидаги кашталарни бориб кўраман. Кўргазмалар, мода ҳафталиклари, фестивалларда иштирок этаман, табиат қўйнига чиқиб, кўрганларимни тасвирга тушириб келаман. Мавзу танлаш учун ҳамма нарса муҳим. Дастгоҳ олдига ўтириб, қўлимга қалам олдимми, қолган жараён ўз-ўзидан бошланиб кетади. Тугагач, ўзим ҳам ҳайрон қоламан. Ҳар бир каштамга алоҳида меҳр билан ёндашаман. Балки қачонлардир бу ишим бирор музейдан жой олса ёки диди баланд миқдорнинг қўлига тушиб қолса, қилган ишимдан уялиб юрмайин дейман. Айни пайтда шогирдларим ҳам ўз иш услубига эга бўлиб қолишди.

– Яна қандай каштачилик турлари бўйича ишлаш ниятингиз бор?

– Юртимизда ўтказилаётган кўргазмалар, кўрик-танловлар, ярмаркалар янада шижоат билан меҳнат қилишимизга туртки бўлади. Чунки хунармандлар ўз устларида янада кўп ишлаб, янгиликлар яратишади. Бир-бирлари билан танишиб фикр, тажриба алмашишади, миқдорларининг географияси кенгаяди, маҳсулотларини бемалол сота олишади. Шахсан мен ҳам «Ташаббус – 2016» кўрик-танловининг республика босқичида биринчи ўринни қўлга киритиб, «Йилнинг энг яхши хунарманди» деб топилдим ҳамда «Spark» автомобили соҳиби бўлдим. Бу берилган юксак мукофотни оқлаб, ўз устимда янада кўп ишлаб, халқим учун, юртим учун муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қиламан.

– Миллий мода йўналишидаги ишларингиз билан ҳам таништирамангиз.

– Битта каштачилик элементи тикиш билан оддий кийим бошқача услуб касб этади. Мисол учун пальтонинг чўнтак тарафига қадимги миллий орнаментни каштада тикиб туширганман. Энди пальто кардиган кўринишида бўлади. Ҳар хил кийимлар, пойабзаллар ва сумкаларга детални каштада тикиб чиқамиз. Барибир ҳамма дизайнерларнинг қўл меҳнати қадрли ҳамда ўзига хосликни мужассам этади. Дунё модасида ҳам ҳозирги вақтда каштадан кўп фойдаланиляпти. Биз учун ҳар бир миқдорнинг диди, талаби аҳамиятли. Дуо олиб, раҳмат эшитиб ҳам моддий рағбатлантирилиб турсангиз, ишингизга иштиёқ янада ошади. Асосий мақсадимиз ҳам гўзаллик улашиш. Гўзалликка ошно қалблардан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди.

**Нигина ҚОДИРОВА**  
суҳбатлашди





Olqor DAMIN

# Istiqlol nuridan gulgun, dilrabo...

## O'ZBEKISTON BU!

### (Qasida)

Qarab to'yaysan hech boqib bir chetdan,  
Nechuk chamaniston, nechuk bo'ston bu?!  
Ta'rifi naq yetti iqlimga ketgan,  
Nechuk jannatmakon, nechuk oshyon bu?!  
O'zbekiston bu!

Qadim Shosh – Toshkent bu charaqlab  
turgan,  
Kechalari kunduz behisob nurdan,  
Bir umr qoshidan ketolmas ko'rgan,  
Nechuk behishtdir bu, nechuk rizvon bu?!  
O'zbekiston bu!

Bul esa Registon, qadim Samarqand,  
Navoiy, Firdavsiy bo'lsang-da garchand –  
Ta'riflay olmassan, urinma harchand,  
Buyuk Sohibqiron – tilda doston bu!  
O'zbekiston bu!

Mana bu Buxoro, mashhur Buxoro,  
Jannat yurtimizga bermishdir oro,  
Istiqlol nuridan gulgun, dilrabo,  
Buxoriy Vatani – boshi osmon bu!  
O'zbekiston bu!

Bul esa Xorazm – «Lazgi»ning yurti,  
Ogahiy singari oshiqlar yurti,  
Tuganmas quvonchlar, shodliklar yurti,  
Beruniy, Xorazmiy – olimga kon bu!  
O'zbekiston bu!

Mana bu qoraqalpoq – Nukus, Orol,  
Qushlar chug'uriga kelib, quloq sol,  
Qo'shiqlarin tinglab, sehrlanib qol,  
Berdaqni berolgan go'zal oshyon bu!  
O'zbekiston bu!

Bul esa Navoiy – sahrodagi gul,  
Oltin qaynab yotar bo'lgan bilan cho'l,  
Oppoq lolalarga qondir o'ngu so'l,  
Istiqlol kashf etgan oromijon bu!  
O'zbekiston bu!

Mana bu Oqsaroy – vohaning naqshi,  
Yashnab, behistlarga o'xshagan Qarshi,  
Qadamlarin dadil tashlagan Qarshi,  
Necha buyuklarga ota makon bu!  
O'zbekiston bu!

Bul esa Alpomish Vatani – Surxon,  
Termiziyni bergan tabarruk oshyon,  
Sehrlil temir yo'l ketar shul tomon,  
Janubiy sarhadda cho'ng pahlavon bu!  
O'zbekiston bu!

Jizzax bu – gurkirab-gullagan maskan,  
Zomin bu, Baxmal bu dilni lol etgan,  
Vatanga yarashib turgan gul chaman,  
Bulbuldan bulbul Hamid Olimjon bu!  
O'zbekiston bu!

Bul esa Sirdaryo daryo bo'yida,  
Ezgulik qulf urib yotgay qo'ynida,  
To'ra Sulaymon she'r o'qir to'yida,  
Istiqlol ijodi, hur Guliston bu!  
O'zbekiston bu!

Bu yon – Oltin vodiy – uch gul viloyat,  
Andijon, Farg'ona, Namangan jannat,  
Boburni berolgan, suvi bol, sharbat,  
Yana bir mo'jiza – Qamchiq dovon bu!  
O'zbekiston bu!

## VATANNI ANGLASH

Vatan, seni anglamoq uchun,  
Tong nash'asin anglamoq kerak.  
Vatan, seni anglamoq uchun,  
Gullar sasin tinglamoq kerak.

Vatan, seni anglamoq uchun,  
Oy nuriga cho'milmoq kerak.  
Yulduzlarning chamanlariga,  
Tongga qadar ko'milmoq kerak.

Vatan, seni anglamoq uchun,  
Anglash zarur har bir xasingni.  
Nafasim deb tushunmoq kerak,  
Sening olgan har nafasingni.

Vatan, seni anglamoq uchun,  
Hali bular qiladi kamlik...

## QOR VA BAHOR

Har kun ko'raverib yo'lida qorni,  
Ayting, sog'inmagan bormi bahorni?  
Qo'llariga olib toru dutorni,  
Sog'inmagan bormi, fasli dildorni?

## BUVIJONIM SO'ZLARI

Buvijonim mehmon bo'lib keldilar.  
– O'ynab-kulib yuribsanmi? – dedilar.  
Asal edi buvijonim so'zlari.  
Yana asal keltiribdi o'zlari.

## MAKTABDAN QAYTISH

Uch-to'rtta «2» olib,  
Xotirjam kelar Tolib.  
Hech narsa bo'lmaganday  
Qo'lin cho'ntakka solib.  
Qiziq, a'lochi G'olib  
Bittagina «4» olib,  
Kelar yutib yoshini,  
Boshini quyi solib...



Бир келишканык



Саид АНВАР

**«Дўст» дейдиган одам йўқ...**

**Энг гўзал эркак**

Ўринбойнинг исмига «ўртар» сўзини кўшиб айтишадди. Кўшмасаям бўлмайди. Юрсаям, турсаям, ҳатто уйқусираганда ҳам шу кўшиқни хиргойи қилгани қилган. Кўшиқнинг тугамаганига ҳайронлар қоласиз. Саломаликлариям «ўртар» билан бўлади!

Бошимни силаб эшик оғзида ўтирсам, «пат-пат» мо-тоциклинни миниб келиб қолди:

– Тузукмисан? Агар ошиқлигим айтсам... Бола-чақаларинг қандай?... куюб жоним жаҳон ўртар. Ҳа, энди бизам юрибмиз, тупроқдан ташқари. Бу ишқ сиррин баён этсам... Ишларам тузук... тақи ул хонумон ўртар.

«Дўст!» дейдиган одам йўқ.

– Шаҳарга тушиб, бир улчатчилик қилиб келмаймизми? – оғайини давом этди. – Бу дард ила хароб ўлдим... Бош чатоқ... келиб ҳолимни сўрмайсан. Ўйланма. Ғами бошқа, алам бошқа... Кетдик. Юрагимни фиғон ўртар.

Орқасига мингашдим. Кўшиғи босиқ бўлсаям, ара-васи учиб кетаркан-вей! Секинроқ юр, деганим сайин тезлайди-да!

– Бу – ракета, ракета – бу! – деб қўяди яна.

Ярим йўлга борганда «ракета» негадир «ғийқ» этиб тўхтади.

– Ҳа, тинчликми? – деб сўрадим.

– Бу Машраб дардини жонон... Пиджагимнинг олдини орқага қилиб кийиб олай... ҳеч ким бошига солма... тугмаси йўқ. Агар маҳшарда оҳ урсам... Шамол уриб, кўкракни тешиб юбораман деяпти... беҳишти жовидон ўртар... Агар ошиқлигим айтсам...

Яна учиб кетдик. Нимадир «тарақ» этиб кейин йиқилдикми, ё аввал йиқилиб кейин тарақладими, билмайман. Ўзимга келиб, кўзимни очганимда зовурнинг ичида ётардим. Ўнг оёқни кўтариб, каллани буриб бўлмайди. Бир илож қилиб, эмаклаганча зовурнинг ичидан чиқдим. Ўринбой зовурдан ошиб, тутқаторга бориб тушган экан. Тепасида иккита шифокор ҳам турибди.

– Қара-я, калласи тескари бўлиб қолибди, – деди улардан бири.

– Ҳозир тўғрилаб қўямиз-да, – иккинчиси кучайди.

– Сен орқасида босиб тур. Ҳа, ҳа, яна озгина... Бура-япман. Бўлди. Калласи ўнгланди. Мабодо, оёқлари ҳам алмашиб қолмадимикан, ағдар-чи?

– Ие! – билагон шифокор сакраб тушди. – Боплаб-миз-ку! Калласи тўғри-ю, пиджаги тескари экан.

«Дўст» дейдиган одам йўқ!

Бунисиям ўзимиз. Мана мен деган рассомлар ҳам тасдиқлайди буни. Ишонмасангиз, халқаро-карикатурачи-рассомлар танловида ўндан ортиқ олтин медални кўлга киритган Маҳмуджон Эшонқуловдан сўранглар.

Учрашувлардаги чиқишларим Маҳмуджонга жуда маъқул келиб кетибди-да. «Сизнинг шаржингизни чизаман! «Муштум»да босамиз!» деб қолди. «Шарж деганларингиз қанақа бўлади?» дея сўрадим. «Расмингиз ўзингизга ўхшайди-ю, бир-иккита кулгили деталлар қўшилади», жавоб қилди Маҳмуджон. Рози бўлдим. Рассом боласи тушмагур мени столга ўтқазди. Авариядан кейин юзимда пайдо бўлган чандиқларга ўнг томонимга ўтиб қаради, чап томонимга ўтиб қаради, иягимни кўтариб қаради, бўйнимни эгиб қўйи-иб қаради! Сўнг ҳафсаласи пир бўлиб деди:

– Сизнинг шаржингизни чизиш шарт эмас экан. Расмингизни ўзини шундай бериб юборса ҳам шарж бўла-вераркан!

**Чақа деганлари қаерда?**

Фарғонада бу саволни берсангиз, чақақишлоқликларнинг ўзлари шундай жавоб беришади:

– Учкўприқдан Палохонга қараб юрсангиз, йўлнинг бўйида иккита пақир кўтарган битта хотин туради. Ана шу хотиндан ўтиб, ўнгга бурилсангиз – Чақа!

**Ўйимдаги бегона**

Янги костюм-шимларни кийиб, эрталаб ишга кетаман, кечқурун мағрур уйга кириб келаман. Унча парво қилмаганим, аммо мени бундайин пўрим ҳолатда кўрмаган ҳамқишлоқларим аҳамият беришибди, костюм-шимимга!

Лой кечиб, жўхорига сув қўйиб, даладан келаётсам, Абдурахмон кўшним чойхона олдида четга тортиди:

– Уч-тўрт кундан буён қора костюм-шим кийган бегона эркак уйингга кириб-чиқиб юрибди, хотинингга эҳтиёт бўл!



**Таътил**

Аҳмаддан сўрашди:  
 – Таътилни қаерда ўтказдинг?  
 – Илк ҳафтасини Чимён тоғла-  
 рида...  
 – Жуда яхши... кейинчи?...  
 – Кейингисини эса касалхона-  
 да гипсда...

**Ким зўр?**

– Муюлишга етганда йигит қизга деди:  
 – Эсингиздами, ўтган йили янги йил базмига кетаётиб мана шу ерда кучукдан кўрқиб қочиб қолган эдик.  
 – Ҳа, эсимда, ўшанда сиз мендан ўзиб кетгандингиз...

**Бир кун**

Ҳайвонот боғи ходими тимсоҳ-  
 нинг оғзига тикилиб турарди.  
 – Нима бўлди ўзи? – сўради яқ-  
 нига келган бир томошабин.  
 – Ҳозирча бир нима дейиш қийин.  
 Дўхтир у ёқдан чиқмаяпти.

**Доирачи**

– Сиз доира чалишни ўрганияпсиз-  
 ми?  
 – Ҳа, бир йилдан бери...  
 – Хўш, бирор ютуққа эришдингиз-  
 ми?  
 – Эришганда қандоқ, барча кўш-  
 ниларим кўчиб кетди, бутун бошли қаватда бир ўзим қолдим.

**Яхши баҳо мукофоти**

– Ота, ваъдангизга кўра кундали-  
 гимдаги ҳар бир яхши баҳо учун 10  
 000 сўм бермоқчи эдингиз, шундай  
 эмасми?  
 – Албатта.  
 – У ҳолда сизни севинтирадиган  
 бир хабар айтаман: пулингиз ёнингиз  
 қоладиган бўлди.

**Ибрат**

Хотин эридан сўради:  
 – Айтинг-чи, мени қандай қилиб  
 севиб қолгансиз?  
 – Кўрдингми, энди бунга ўзинг  
 ҳам ҳайрон бўляпсан!


**Ҳисобот**


– Эски йилдаги даромадни нима-  
 га сарфладинг оғайни?  
 – Уй солдим, ўзинг-чи?  
 – Қорин солдим.



Ҳусан СОБИҚОВ чжофчфан

Дирайнер ва сунрайнерлар





«МИЛЛАТ ВА ВАТАН КУЙЧИСИ» МУАММОНОМАСИ

Аввало, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов асарларидан келтирилиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг.

1. «Ўзбегим» қасидасидан:  
Мен Ватанни 3, 7, 17 деб айтсам,  
Сенсан унда битта гул.  
Мен Ватанни 23, 18, 15 деб айтсам,  
Битта мужгон ўзбегим.
2. «Ўзбекистон» фахриясидан:  
Тилак шу – кўшигим катта байрамга  
Етиб борса кичик 9, 18, 12, 4, 2 бўлиб.  
Менинг ҳам қолмасди дилда армоним,  
18, 8, 23, 2, 5, онажоним, юрагим, жоним –  
Ўзбекистоним.
3. «Күёш маскани» достонидан:  
Юр, 10, 18, 14, 9, 1, 5,  
Бирга сайр этайлик, ўша-  
Сомон юлдузлари бўлсин пояндоз.  
Бизни юксакларга йўллаган 11, 18, 16, 2  
Йироқлардан боқсин хушнуд сарафроз.

Уфқ манглайига дурдай қадалган  
Ўша юлдузимиз ярқироқ бўлсин.  
Унинг Жаҳоний 20, 6, 23 дея аталган  
Нурли келажаги яқинроқ бўлсин.

4. «Ўлка» шеърідан:  
Боғларингни сайр этганимда  
Сен бор эдинг қалбда, 24, 2, 9, 2, 4, 1, 5.  
Боғ хуснига шеър битганимда  
Уни дастлаб 14, 19, 4, 11, 2 атадим.
5. «Ватан севгиси» шеърідан:  
Инсон юрган ошиб доvonлар  
Шу 5, 13, 21, 2, 3, 3, 2, 9 чўққиси сари.  
Бу ишқ учун 4, 19, 22, 2 замонлар  
Олам кезган ер ўғлонлари.

Энди калит сўзлар жавоблари орқали чизма рақамларидagi Муаммонoмани ҳал этиш билан ардоқли иждoкoрнинг саккиз мисра шеъри ва унинг номини билиб oлинг.

«ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ» ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

- МУАММОНОМА**  
Калит сўзлар: 1. Аъло. 2. Табиби. 3. Халос. 4. Дур. 5. Бошоқ. 6. Олтин. 7. Гул. 8. Зеби. 9. Доим.  
Ибратли таъриф: Мақоллар - асрларнинг садоси, номаълум шоирларнинг қалб сатрлари, халқ истеъдодининг мислсиз шуълаларидир.
1. Заргар. 2. Роҳат. 3. Тариқ. 4. Айб. 5. Бойлик. 6. Керак. 7. Кўкка. 15. Минг. 16. Гул. 17. Лоф. 18. Фан. 19. Нодон. 20. Ном. 34. Табассум. 35. Мард. 36. Дўст. 37. Мангулик. 38. Китоб. 39. Билим. Диагональ бўйича чапга: 10. Қўрғон. 13. Тавба. 26. Қўрпа. 28. Идрок. 29. Куч. 31. Тоza. 32. Меҳмон. Диагональ бўйича ўнга: 14. Вақт. 24. Унар. 27. Рост.
30. Бола. 32. Меҳнат. Ёй бўйича: 22. Қувват. 23. Тут. Энига: 8. Е. 9. Қулоқ. 11. Нишон. 21. От. 33. Она. 41. Йўл. Бўйига: 12. Малҳам. 22. Қутлўғ. 25. Кўркам. 30. Барака. 31. Тилсиз. 40. Лаббай.
- Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ



Шаҳарда шафак



Қизалоқ



Дўстим портрети



8

Umar, R., 2015, 8

# Musavvir Umar Rajabov ijodidan namunalar




Ёш rassom Umar Rajabov 1985 йилда Хоразм вилоятида тузилган. Ранг-масвир бўйича ilk сабоқни санъат мактабида олган. Кейин Камолiddин Беҳзод номидаги Миллий rassomлик ва дизайн институтида тахсил олган. Айни пайтда шу билим дарзоҳида талабаларга сабоқ беради. Ўзбекистон Бағдий Академияси аъзоси.

Rassom замонавий реализм йўналишида ижод қилади. Ҳўзи идрок этаётган воқеа-ҳодисаларни ранг-масвирда акс эттиришни ҳўш кўради. 2011 йилда "Илҳом" театр-студиясида унинг ilk кўрғазмаси ташкил этилган. Швеция, Чехия ва Ҳиндистонда ўтказилган кўрғазмаларда ўз ишлари билан иштирок этиб, бир қатор мукофотларни қўлга киритган.



Қизим Сабрина



Ажойиб «жуфтлик»





Этюд



Нонушта

13281



Yanvar	Fevral	Mart	Aprel	May	Iyun
D S CH P J SH YA 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31	D S CH P J SH YA 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28	D S CH P J SH YA 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31	D S CH P J SH YA 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30	D S CH P J SH YA 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31	D S CH P J SH YA 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30
Iyul	Avgust	Sentyabr	Oktyabr	Noyabr	Dekabr
D S CH P J SH YA 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31	D S CH P J SH YA 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31	D S CH P J SH YA 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30	D S CH P J SH YA 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31	D S CH P J SH YA 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30	D S CH P J SH YA 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31